1971/11

ГУЛИСТОН

11
1971

Коммунистик меҳнат зарбдори **Сулаймон Абдураззоқов** беш йиллик режаларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақани қизитиб юборган Андижон Машинасозлик заводи коллективида юксак меҳнат намуналарини кўрсатмоқда.

Очахон Мақсудова Фарғона Политехника институтининг билим асосларини эгаллашда, жамоат ишларида қатнашишда энг илғор толибаларидан биридир.

И. ГЛАУБЕРЗОН, В. СИРОТКИН фотолари



Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги!

КПСС ленинча миллий сиёсатининг улуғ ғалабаси — СССР халқларининг қардошларча мустаҳкам дўстлиги абадий яшасин ва гуллаб-яшнайверсин!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари олға!

КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан.

ГБ УзССР
Н

ШЕЪРИЯТ

Бир-бир варақладим «Бобирнома»ни.
Шоир ўз умрини шарҳлабди ҳалол,
сўзлар — фикрга бой,
фикр — бамаъни,
Фақат...
Расмларга боқиб,
бўлдим лол.
Тўрт аср ловуллаб — сўнмаган бўёқ
Кўзим тиндирганин айтмайман ҳозир.
...Қаранг —
жажжи дарахт,
кафтдеккина боғ!
Марказда —
дарахтдан барваста Бобир!
...Қаранг —
мўъжаз қалъа,
жанг этар давом,
Девордан баланддир сарбозлар қадди!
Наҳотки, қоғозга бош эгган рассом
Мавжудот нисбатин ёддан чиқарди!
...Қаранг —
кўринмайди кўзга турналар,
Қаранг —
бир қарич ҳам келмайди кўприк;
Лекин, камалакдай ёниб-турланар
Одам мижжасида титраган киприк!
Миямни эговлар шу ўй ҳамиша,
Балки, Маяковский бир кун асабий:
«Санъат —
ойна эмас —
қабариқ шиша!»—

„Ильични уйлайман" туркумидан

Дея ҳайқирганин шудир сабаби!!
Қайдам...
Ҳар нарсани этганда таъбир,
Тўқилар, одатда, минг хил ақида.
Ягона таъбирин изламоқ бесабр,
Мен қўшиқ битаман
Ленин ҳақида.
Шеър — санъат
Ва лекин
Ленин ҳам улкан!
Қабариқ шишага эмас у муҳтож.
Энг юксак вулқон ҳам,
мисли жўн гулхан,
Унинг қаршисида эгиб турар бош.
Йўл юрсам — мўл юрсам,
Тирмашсам — елсам,
Вулқон чўққисига чиқишим мумкин.
Аммо, кўтармоққа ярарми елкам
Ленин мавзунинг залварли юкин!

Чекиб Ленинномa қатига имзо,
Тасвир айлаганда Ильич қаддини,
Шоирнинг бузмоққа ҳаққи йўқ асло
Ҳаёт ва оламнинг расамадини.
Тарихга дастёрлик қилган ҳар инсон
Тарих китобида яшайди мангу.
Ленин тарихга ҳам бахш айлади жон,
Шунинг-чун буюкдир буюклардан у!
Кўҳна рассомларнинг чизган суратн
Бағоят нафисдир,
Эмасдир, сакта.
Фарқ шуки,
Ўзгадир замон суръатн,
Бугун Инсон яшар ўзга юксакда.
Ильич тўғрисида қўшиқ тўқимоқ
Октябрь мадҳини куйлагандай гап.
Мен, ҳаёт аталмиш беором ирмоқ
Не деб шивирлашин олдимми пайқаб!
Қаламим доҳийнинг қиёфасини
Мукаммал чизмоққа эмасми ожиз!
Кўрсатиб бўлмаган иродасини
Ҳаётга у берган завқу жилосиз!
Эй, ҳаёт,
«Бошимга илҳомнинг қушин
Қўндир!», деб илтижо этаман илк бор.
Расмини чизгани етмаса кучим,
Ильичга
севгимни этарман изҳор.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Қўчқор Эргашев Избоскан районидаги Октябрь 50 йиллиги номли совхознинг социалистик мусобақа илғори. Ватан хирмонига 600 тонна оқ олтин топширишга аҳд қилган андижонлик машҳур механик-ҳайдовчи юксак меҳнат намуналарини кўрсатмоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

МИЛЛИОНЛАР БАЙРОҒИ

Мухбиримизнинг Ўзбекистон Касаба союзлари совети раиси ўртоқ ***М. А. ЗОИДОВ*** *билан суҳбати*

— Мирғиёс Аббосович, шу йил КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида» деб қабул қилган қарори муносабати билан республикамизда авж олиб кетган ватанпарварлик ҳаракати ҳақида гапириб берсангиз.

— Маълумки, совет давлатининг дастлабки кунларидаёқ туғилган социалистик мусобақага доҳиймиз Владимир Ильич Ленин бош бўлган. Бу меҳнатга коммунистик муносабатнинг шаклланиб бошлаганидан дарак берарди. Социалистик мусобақа — буюк ватанпарварлик ҳаракатидир. Эндиликда коммунистик қурилишни бу ҳаракатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мамлакатимиз ҳаётида буюк воқеа бўлган КПСС XXIV съезди Директивасини амалга оширишда йўлида ижодий меҳнат жўш урган ҳозирги пайтда Коммунистик партиямиз социалистик мусобақани янги босқичга олиб чиқди. Бутун совет халқи билан биргаликда республикамиз меҳнаткашлари ҳам мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Бу ҳаракатда йирик коллективлар иштирок қилмоқда.

Ўзбекистон Касаба союзлари совети мусобақани уюштириш юзасидан махсус пленум чақирди, унда бу ҳаракатга бошчилик қилишнинг аниқ тадбирларини белгилаб чиқди. Янги босқичга кўтарилган социалистик мусобақанинг амалий ва назарий асослари, шартлари, маънавий, моддий томонлар чуқур ўйлаб кўрилди. Социалистик мусобақани уюштириш ва ташкил этиш йўлидаги гоҳо учраб турадиган эскирган усуллар қораланди.

Халқ хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларида мусобақа коллектив ва якка тартибда уюштирилган. Ўз ишига сидқидилдан аҳд-паймон қилган мусобақадошлар бу ҳаракатга тўққизинчи беш йиллик режаларини муддатидан олдин уддалашимизда қудратли восита бўлади, деб қарамоқдалар. Айниқса, В. И. Ленин номидаги Металлургия заводи, Чирчиқ Электр-кимё комбинати, Гагарин номидаги Тошкент Тўқимачилик машиналари заводи, Қизил Байроқ орденли Қишлоқ хўжалик машиналари заводи, Тошкент Чинни заводи, Бухоро Пахта тозалаш заводи, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, Хоразм областидаги 167-қурилиш трестларида мусобақа кенг қулоч ёйди. Дарҳақиқат, мусобақа байроғи миллионларча қудратли қўлларда мағрур ҳилпирамоқда.

— Мусобақа халқ хўжалигининг қайси соҳаларида яхши натижалар бермоқда?

— Тўғрисини айтганда, мусобақани халқ хўжалигимизнинг бирор тармоғи билангина боғлаб қўйиш ўринли эмас. Унинг кўлами катта: бизда мусобақа ялови тикилмаган нуқта йўқ. Лекин ҳар бир соҳада ўз хусусиятига қараб, мусобақанинг тегишли омилларига зўр бермоқдамиз. Агар саноатда янги техникани, илғор технологияни жорий қилишни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш зарур бўлса, қишлоқ хўжалигида юқори сифатли маҳсулот бериш, маҳсулот таннархини камайтириш, экинларнинг ҳосилдорлигини, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини тўхтовсиз ошириш, хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва кимёлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш сўръатини тезлаштириш муҳим.

— Демак, янги босқичда мусобақанинг мазмуни яна ҳам теранлашар экан-да?

— Шундай. Фан-техника юксалган шароитда социалистик мусобақа халқ хўжалигини ўстириш ва совет кишиларининг фаровонлигини оширишда сифат жиҳатидан муҳим босқичга кўтарилди. КПСС Марказий Комитетининг қарорида социалистик мусобақанинг омма ўртасида меҳнат ташаббусини, ижодкорликни вужудга келтириш, миллион-миллион илғорлар ва новаторларни, рационализатор ва ихтирочиларни етиштириш борасидаги улкан аҳамияти алоҳида таъкидланган.

— Бу тарихий қарор бутун мамлакат бўйлаб қанот ёзган социалистик мусобақанинг асосий мазмунини яна ҳам яққол намоён этади.

— Хом ашё манбаларидан ҳар томонлама тўғри фойдаланиш, тежамкорликка эришиш, меҳнат сарфини камайтириш, маҳсулот сифатини кўтариш, ишлаб чиқариш фондлари ва капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилаш, умуман, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш социалистик мусобақамизнинг асосий йўналишидир.

— Яна бир савол. Социалистик мусобақани уюштиришда Ўзбекистон Касаба союзлари олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

— Касаба союзлари бевосита алоқадор бўлмаган ёки унинг эътиборидан четда қолган бирорта меҳнат жабҳаси йўқ. Шундай экан, илғор тажриба, илмий-техника ва иқтисодий билимларни ёйиш ҳамда социалистик мусобақанинг шакл ва усулларини такомиллаштириш ишида касаба союзлар бундан кейин ҳам ташаббус кўрсатадилар.

Она-Ватан бойлигига бойлик қўшиш, унинг иқтисодий қувватини янада мустаҳкамлаш, кўплаб янги ерларни ўзлаштириш, мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, фан ютуқлари асосида техникани жадал тараққий эттириш, ихтирочилик ишларини яна ҳам авж олдириш, илм-фанни ривожлантириш — КПСС Марказий Комитетининг социалистик мусобақа ҳақидаги янги қарорида ана шулар назарда тутилган. Ҳозир республикамизнинг ҳамма хўжаликларида миллионлар ҳаракати, социалистик мусобақа авж олиб бормоқда. Ишчи, колхозчи ва зиёлиларимиз тўққизинчи беш йиллик марраларини эгаллашда чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатиб ишламоқдалар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

№ 11 (59) 1971

Ноябрь

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти



Беш йиллик режалари амалда

НАВҚИРОН ШАҲАР ИСТИҚБОЛИ

Шаҳрихоннинг номи XV—XVI аср манбаларида учрамайди. Шаҳрихондаги ўлкани ўрганиш музейида эса Камолтепадан топилган салжуқийлар сулоласи даврида зарб қилинган тангалар сақланмоқда. Сомийнинг 1896 йилда чоп этилган «Қомус ул-аълом» асарининг 4-жилдида шаҳар ҳақида қуйидаги маълумот берилади: «Шаҳрихон — Туркистоннинг Фарғона хатосинда... Хўқанд хонлигинда ва Хўқанддан юз чақирим шарқ-шимоллида ўлароқ Сайхун мажросиндан ўттиз чақирим масофада бир шаҳар бўлиб, бундан етмиш сана авval Хўқанд амири Умархон тарафиндан... таъсис ўлинмиш...» Бошқа кўпгина манбаларда ҳам Шаҳрихоннинг Умархон томонидан бунёд этилгани айтилади.

Ўтган асрнинг охирларидан Шаҳрихон обод бўла бошлади. 1909 йили Қува орқали темир йўл келди, пахта тозалаш заводлари, обжувозлар қурилди. Октябрь инқилобидан сўнг Шаҳрихон чинакам социалистик шаҳарчага айлана борди. Турмуш маданияти гуркираб ўсди. 1970 йилнинг ноябрида Москва районининг марказ — Шаҳрихон шаҳарга айлантирилди.

Кеча бибилар чарх йигирган Шаҳрихонда бугун набиралар замонавий дастгоҳларда атлас тўқийдилар.

Москва районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рўзихон Жўраева бошлиқ бригадаси Шаҳрихон атласи учун кўп тонналаб аъло сифат пилла етказиб беради.

Булар эртаги кунниng мутахассислари — Шаҳрихон Авиация техникумининг ўқувчилари.

Унгдаги суратларда: 1. Атлас фабрикасининг бош инженери Раъно Абдуллаева ва участка мастери Абдуманнон Расулов маҳсулот сифатини текширмоқдалар. 2. Авиация техникуми — саноатимизга малакали кадрлар етиштириб беради. 3. Кенса усталар—Дадахон Аҳмедов ва Солихон Сайдалиев янги очиладиган устахонадаги пичоқсозларга бошчилик қиладилар. 4. Пахта тозалаш заводи — шаҳарнинг энг катта корхонаси. 5. «Комсомол» кинотеатри — навқирон шаҳар кўрки.

Эрта тонгда шаҳар кўчалари завод ва фабрикалар гудогидан, автобуслар, юк машиналарининг гуруллашидан уйғонади. Кишилар меҳнат қучоғига ошиқадилар. Янги қурилаётган бинолар олдидаги кўтарма кранлар ҳаракатга келади. Шаҳарда меҳнат тонги бошланади.

Кичик шаҳарларнинг юксалишига назар ташлар эканмиз, партия ва ҳукуматимиз бундай шаҳарларни тез юксалтиришга, уларнинг ўзига хос ишлаб чиқаришини, саноатини равнақ топтиришга, обод қилишга катта эътибор бераётганлигини кўрамиз. Социалистик Чирчиқ, Ангрен, Янгиер, Бекобод, Навоий, Янгийўл, Зарафшон шаҳарлари бунга яққол мисолдир.

Ҳозирги Шаҳрихон миқёс жиҳатидан унча катта эмас. Бу ердаги асосий саноат корхоналари — пахта тозалаш заводи, маҳаллий саноат комбинати, нон комбинати ва кичик босмахонадан иборат, холос. Лекин бу корхоналарнинг ўз анъанасию шон-шуҳрати бор. Пахта тозалаш заводи Иттифоқимиздаги энг пешқадам корхоналардан. Юксак даражада механизациялашган завод пахтачилик саноати корхоналари орасида бир неча йилдан бери биринчиликни олиб келмоқда.

Маҳаллий саноат комбинати эса бу йил ишга тушди. Комбинат ишчилари пишиқлигию жилоси билан Марғилон атласидан қолишмайдиган газламалар тўқимоқдалар.

Янги беш йиллик шаҳар тарихида мисли сиз ўзгаришлар, катта истиқбол беш йиллиги бўлиб қолажак. Шу беш йилликнинг биринчи йилида қадимги Шаҳрихон район маркази деган номини ўзгартириб, ҳақиқий шаҳарга айланди. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Районлараро сабзавот маҳсулотлари базаси, босмахона бинолари қад кўтарди. Авто-ёнилғи станцияси ишга туширилди. Авиация техникуми иш бошлади. Шаҳар водопровод суви билан тўла таъминланди.

Булар беш йилликнинг дастлабки варақасига ёзилган янгиликлардир. Бу рўйхат тўла боради, унда янги-янги қурилишларнинг номлари, янги зафарлар қайд этилади.

Шаҳар Совети, унинг доимий комиссиялари Шаҳрихонни ҳар томонлама замонавий шаҳарга айлантириш учун катта қурилишларга бошчилик қилмоқда. Шаҳар Советининг биринчи сессиясидаёқ ободончилик ишларини авж олдириш масаласи муҳокама қилинганлиги бежиз эмас. Ободонлаштириш — режа асосида янги уйлар қуриш, кўчалар очиш, боғлар барпо қилиш, кўприклар бунёд этиш, демакдир.

Шаҳар ҳозир асосан бир қаватли. Энди кўп қаватли, замонавий уйлар қад кўтаради. 8-ремонт-қурилиш бошқармаси ҳар бири саккиз хонадонга мўлжалланган иккита уй қуришни бошлаб юборди. Йўл қурилиши бошқармаси битта ўн икки квартирали, район матлубот жамияти битта саккиз квартирали, шаҳар қурилиш-монтаж бошқармаси битта йигирма тўрт квартирали уй қуради. Шаҳар бюджети ҳисобига 140 ўринли уч қаватли болалар боғчаси барпо этишга киришилди. Шаҳар матлубот жамияти, пахта тозалаш заводи ҳам болалар боғчалари қурмоқдалар.

Шаҳрихонни шаҳарга айлантириш, бу ерда саноат корхоналарини ривожлантириш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимиз давр тақозосига кўра шаҳарнинг катта истиқбол режасини белгилаб берди.

Шаҳрихонда тез орада уйсозлик комбинатига пойдевор қўйилади. 1973 йилда комбинатнинг биринчи навбати маҳсулот беради. Бу корхона йилига 50 минг квадрат метр уй-жой барпо этиш учун тайёр блоклар чиқаради.

Келгусида бу ерда тикувчилик фабрикаси қад кўтаради. Қурилиш материаллари комби-



Оқ олтин хирмонлари йилдан-йилга юксалаверади.

С. БЕЗНОСОВ фотолари

нати ишга тушади. Пахта тозалаш заводи янада кенгайтирилади.

Беш йилликда шаҳар ҳам бўйига, ҳам энига ўсади. Бу ўсишнинг ўзига яраша қийинчиликлари, муаммолари бўлиши турган гап. Албатта, қийинчиликларни бартараф этишдан кўра олдини олиш осонроқ.

Шаҳарда янги саноат корхоналари, ўқув юртлари кўпайиши билан, табиийки, аҳоли сони ҳам орта боради. Уй-жой қурилиши суръати ошади. Яқин йиллар ичида 450 хонадон шахсий уй қурди. 1971 йилнинг ўзида юзга яқин оила ҳовли тўйлари ўтказди. Буларнинг ҳаммаси ҳозирданоқ ер-жой муаммосини келтириб чиқармоқда.

Индивидуал уй-жой қурилиши авж олганлиги, меҳнаткашлар ўз жамғармалари ҳисобига уй-жой шароитларини яхшилаб олаётганликлари қувончли ҳолдир. Аммо, бир қаватли уйларнинг қурилиши шаҳар майдонининг кенгайиб кетишига олиб келмоқда. Бу янги инженерлик коммуникациялари қуришни талаб қилади.

Бизнингча, шаҳар Совети уй-жой қурилиши кооперацияси ишини кенг авж олдиришга аҳамият бермоғи керак. Ҳозирча уй-жой кооперацияси ташкил этилган эмас. Уй-жой қурилишида меҳнаткашларнинг жамғармаларини бирлаштириш, шаҳар ҳуснига монанд кўп қаватли уйлар қурилишини жадаллаштириш зарур ишлардан биридир. Шу йўл билангина шаҳар атрофидаги боғ-роғларни сақлаб қолиш мумкин.

Энг муҳими — шаҳарнинг қиёфаси тўғрисида ҳозирданоқ жиддий ўйлаш керак. Уйсозлик комбинати ишга тушгач, ҳар йили 50 минг квадрат метр саҳнли уй қуриш имкони туғилади. Бу уйлар шаҳарга ҳусн бағишлайдиган бўлсин, бир андозадан чиққан уйлар эмас, хилма-хил безакли, қулай бинолар қад кўтарсин! Меъморлар ҳам ҳозирдан шу ҳақда ўйласалар айни муддао бўлур эди.

Шаҳрихоннинг келажаги порлоқ, янги беш йиллик охирига бориб маҳаллий саноати тараққий этган янада обод, кўркам шаҳарчага айланади у. Ўзининг равон, шинам кўчалари, сервайз истироҳат боғлари, чиройли хиёбонлари, бир-биридан гўзал иморатлари билан Чирчиқ, Навоий каби социалистик шаҳарларимиз сафидан ўрин олади.

И. ҲАЙДАРОВ

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Воқеий ҳикоя

Қишнинг ажойиб, илиқ куни эди. Биз мактабдан барвақт озод бўлганимиздан дилларимизда қувонч. Мактабдан келишим билан жилдимни токчага ташладим-да, муаллимга тушлик олиб югурдим.

Осмон очиқ. Офтоб йилтираб турса ҳам, қорлар эримай, ҳамон бўкиб ётарди. Муаллимимнинг идиш-товоқни бўшатишини ҳам кутмай, Тўрткўлтепага, болалар варрак учирадиган, камон отадиган ялангликка чопдим. У ерда тенгқурларим билан чопқиллаб ўйнаш — бирдан-бир шодлигим эди.

Шаҳардан анча узоқда, қирлар орасида жимжит ётган кичкина қишлоғимиз Чоғага янги ҳаёт шарпаси кира бошлаган даврлар. Қишлоқда янги мактаб очилган йилнёқ катта мачит ёнидаги пастак, қоронғи ҳужралар қанғиллаб қолди. Болалар жоҳил, чўтир домулладан ҳам, Мираълам имомдан ҳам безишган эди. Ҳаммамиз ёппасига янги мактабга ўтиб кетдик. Шаҳардан келган татар муаллим жуда камтар, хушмуомала одам экан. У мактаб биносидаги бир ҳужрада ғарибона истиқомат қиларди.

Қишлоқликлар соч қўйган, папоқ кийган бундай одамни биринчи кўришлари — ҳамма унинг юриш-туришига разм солади. У узун бўйли, рангпар, сербар камарию тўқима болдирбандидан тортиб, оқ қалайи қошиғигача бизларга ғалати туюлар эди. Ҳурматданми, раҳмдилликданми, теваракдагилар доимо унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришади. Отам тансиқ таом буюрган куни биз ҳам албатта муаллимни йўқлардик. Ўша куни ҳам, отам эслатгач, гўштли гўжа олиб бордим. Илиқ солинган катта кавашдаги гўжа тун бўйи қўрда туриб, ҳил-ҳил пишади. Бу бизда қишнинг энг манзур овқатларидан ҳисобланарди.

Тўрткўлтепага йўл олганимда муаллим чақириб қолди.

— Камонингни мана бундай қилиб бўйнингга ос, ўқларини чап қўлингга ол,— деб тайинлади. У айтгандай қилдим. Муаллим қипқизил жинғил новдадан эгилган ёйнинг пишиқ эшилиб, таранг тортилган ипини ушлади. Тут ёғочидан силлиқ йўнилган ўқнинг темир учига бош бармоқ бетини тегизиб, тиғини кўрди.

— Буни сенга ким ясаб берди?

— Петя,— дедим мақтангандай.

— Петя деганинг ким?

— Шафихўжанинг хизматкори-чи, билмайсизми? Чўтир ўрис йигит бор-ку?— Мен танишимнинг ўқ-доридан куйиб, қизариб қолган бетларини эслатдим.

— Э-ҳа, анави солдатми?— деди чўзиб муаллим. Лекин, нимагадир ўйланиб қолди. Ўша йиллар шундай олис қишлоқларга ҳам руслар келиб, бойларга ёлланиб ишлаб юришарди. Кейинча эслаб билдимки, биринчи жаҳон урушининг оғир кулфатлари ва Россияда бўлган очарчиликдан одамлар ватанларини ташлаб, тентираб келиб қолган эканлар.

Мен шошиб турган эдим. Муаллимим «ўқиб юрарсан» деб, йирик араб ҳарфлари билан тош босмада босилган, расмли журнал берди. Журнал муқовасидаги кенг пешаналик кишининг суратини кўрсатиб:

Ф. ҲАҚНАЗАРОВА,
Шаҳрисабз район партия комитетининг секретари

ЯНГИ УРФ-ОДАТЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Партиямиз ҳар бир халқнинг илғор анъаналарини қўллаб-қувватлаб, тараққиётимизга халал бераётган диний урф-одат ва расм-русумларга қарши тинмай кураш олиб бориш зарурлигини уқтириб келмоқда. Мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилиши жараёнида янгича коммунистик ахлоқ, янгича дунёқараш, илғор ижтимоий муносабатлар, янгича урф-одат ва анъаналар вужудга келди. Бизда янги расм-русумлар, урф-одат ҳамда миллий байрамларнинг туғилиши ва оммавийлашиб кетиши учун барча имкониятлар яратиб берилган.

Минг йиллардан бери шаклланиб, такомиллашган яхши анъаналарга янги байрамлар, расм-одатлар қўшилмоқда. Булар социалистик жамиятимизнинг туб ижтимоий моҳиятидан, хусусиятидан келиб чиқаётган соғлом халқ анъаналаридирки, жамиятимизнинг моддий ва маънавий ҳаётида рўй берган чуқур ўзгаришлар шу анъаналар орқали ҳам намоён бўлади. Бу янги анъаналар, маросимлар халқимиз турмушига нурдек кириб келиб, ҳаёт рад этган урф-одатлар ўрнини эгалламоқда. Жумладан, Пахта байрами, Ашула байрами, Уроқ ва Болға байрамлари, ёшлик кечалари, комсомол тўйлари, биринчи маош, илк қўнғироқ, меҳнат ветеранларини пенсияга узатиб қўйиш, гражданлик ҳолатини қайд этиш ва бошқа шу каби маросимлар, халқимизнинг янги ҳаёт жараёнида вужудга келган анъанавий байрамлари бўлиб қолмоқда.

Сўнгги пайтларда Бахт уйлари халқимизнинг шундай анъаналарини оммавийлаштирадиган маданий марказларга айланиб қолди. Бахт уйларида янги туғилган болаларга тантанали равишда гувоҳнома бериш, исм қўйиш, никоҳларнинг «Олтин тўй»ларини нишонлаш, келин-куёвларни никоҳдан ўтказиш, 16 ёшга тўлганларга совет гражданлиги гувоҳномаси — паспорт топшириш каби маросимларнинг ўтказилиб турилиши маъқули удумга айланди. Бу оммавий тантаналарнинг замирида инсонга бўлган ҳурмат-иззат, садоқат ётади. Улар меҳнаткашларни янги меҳнат зафарларига ундайди, руҳлантиради, кишилар қалбида олижаноб ҳисларни уйғотади. Районимиздаги Ленин номли, Энгельс номли колхозларда клуб, маданий хизмат кўрсатиш комбинати, қариялар чойхонаси ва Бахт

— Бу киши — Ленин бобомиз,— деди.— Ички варақларида у киши хусусида батафсил ёзилган, саводинг чиққач ўқиб биларсан.

Муаллимимиздан бу буюк одам тўғрисида кўп таърифли сўзлар эшитган эдик. Қўлимдаги журналдан кўз олмай, узоқ қараб турдим. Ҳарфларни уриштириб, Ленин номини ҳижжаладим. Қани энди сидирғасига шариллатиб ўқиб кетсам! Биринчи галда албатта Ленин бобо тўғрисида ёзилганларни, у кишининг айтган гапларини баланд овоз билан ўқирдим.

Кўчада қувона-қувона борарканман, менга ҳамма нарса қадрдон бўлиб туюларди. Булоқ бўйидаги тол шохларини қор босиб, камондек эгиб тушибди. У вақтлар қор қалин ёғарди. Баъзи йиллар кўчалардан аравалар юролмай қоларди. Бу йил қор кўп. Болалар тепаликлардан шувиб ўйнашарди. Қор кўзни қамаштирарди.

Абиш акамларнинг дарвозаси олдида бир йўловчи отда туриб, томда қор кураётган кишиларга ниманидир ташвиш билан уқтирмоқда.

— Эшитдингларми, пойтахтда мотам...

Юрагим орқамга тортиб кетди.

Юқоридагилар куракларини қорга тикка қадаб, том лабига келдилар.

— Эшитдингларми?..

Қаёқдан эшитади? Биз қайдаю, пойтахт қайда!

Отлиқ ерга тушди, тизгинни араванинг ғилдирагига боғлади. Кўчанинг кунгай томонида ҳассаларини деворга суяб қўйиб ҳангамалашиб ўтирган қариялар олдига борди-да, салом бериб қўлларини олди. Томдагилар ҳам пастга тушдилар.

— Исмоилхўжамисан? Шаҳардан нима гап топиб келдинг?— қорлиққанга ўхшаган, йўғон овоз билан сўради Назар бобо. Бобонинг ўсиқ қошлари кўтарилиб, ажин босган юзи йигитга ўгирилди. Қариянинг кўзлари очиқ бўлса-да, хиралашган, кўрмас эди.

— Москвада доҳиймиз Ленин вафот этибди.

Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Қариялар лабларини қимирлатиб, кафтларини юзларига тортдилар.

Бобо чуқур уф тортди.

— Бизларга ўхшаб бир умр ер-сувсиз, азоб-уқубатда кун кечириб, энди ёруғликка чиққанлар, бу мусибатни жуда оғир кечиради. Ўҳ-ҳў... бундай ҳурриятпарвар одам дунё яратилгандан бери бўлмаган. Назаримда дунё янгилангандай бўлган эди.

Йигитлар бошларини қуйи солиб, Назар бобонинг гапларини тинглаб ўтирдилар. Мен ҳам қўлимдаги журнални тортқилаб шивирлаётган укам Тўранинг сўзларига қулоқ солмай, анграйиб қолибман.

Даврада қайғули жимлик бошланди.

Биз Ленин бобо хусусида мактабда ҳам эшитган эдик. Муаллимимиз ҳар вақт эски замон билан янги замондан мисол келтириб гапирарди. Совет тузумини кашф этган энг буюк одам Ленин, деб тушунтирарди. Бир куни расмини ҳам кўрсатган. Шу кишининг топшириғи билан камбағалларнинг болалари ўқитиладиган бўлибди. Шундай одамнинг ўлганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди. Мактабимиз ёпилиб қолмасмикин, деб қўрқардим.

Эртаси куни бир дўппи туршак олиб, Петяга бордим. Суратли журнални ҳам қўйнимга солиб олдим. Петя шум хабарни эшитмаган экан, йиғлаб юборди.

Иккинчи куни ўқиш бўлмади. Муаллимнинг тўсатдан шаҳарга тушиб кетганини эшитдик. Эртасига у қайтиб келди. Отам уни кўчаданоқ уйга бошлаб кирди. Деразалари қирга қараган меҳмонхонанинг шифтида осма чироқ, бурчакда печь ёнарди. Сочларини пападағи тагига бостириб ўтирган муаллимим жуда хафа. «Мактабимиз бекилиб қолса-я!», деган ғулув яна кўнглимга ташвиш солди.

— Муаллим, ука, шаҳарга борибсизу изингизга қайтибсиз-да?— одатича жумбоқ сўз қотди отам.

— Шундай, оқсоқол, бордиму қайтдим,— деди меҳмон жойидан сал қўзғалиб. Икковлари ҳам шум хабарнинг рост эканлиги ҳақидаги гапни тилга олишдан қўрқишар эди.

Отам белбоғидан рўмолчасини чиқариб, кўз-қовоқларини босиб-босиб артди. Муаллим ниҳоят муддаога кўчди.

— ... билиш учун Туркистонга боришга тўғри келди.

— Рост эканми шу гап?

— Бахтга қарши...

— Энди нима бўлади, юрт тинчлиги бузилмайдими?

— Мен сизга айтсам, Боймуҳаммад ака,— аста тушунтира бошлади муаллим,— тинчлик бузилмайди, шўролар боқий. Халқ энди эркини қўлидан бермайди. Бироқ Ленинсиз қийин бўлади, у кўп кучли одам эди. Ундай шахслар дунёга кам келади.

Отам кумуш соқолини тутганича, узоқ ўйланиб қолди.

— Неча мучал умр кўрган эди?

— Эллик тўрт ёшда эди. Эски яраси бор эди, душман ўқидан...

— Астағфирулло!— отам сесканиб, ёқасини ушлади.— Шундай одамга ҳам ўқ отдиларми? Аттанг, ҳали пайғамбар ёшига ҳам етмаган экан... Шундай мўътабар зотни сақлаб қолишолмабди-да?

Яна узоқ сукут чўкди.

— Энди нима бўлади?— такрор сўради отам.

— Ленин большевиклар партиясининг бошлиғи эди,— уқтирди муаллим.— Партияга содиқ сафдошлари, шогирдлари бор.

— Ишқилиб тинчлик бўлсин,— деди отам синиқ товушда.

Шу оқшом улар тун ярмигача ҳангомалашибдилар. Мен ухлаб қолибман. Тонгда жуда таниш бир оҳанг уйғотди. Бу, бизнинг мактабимиз қўнғироғи экан. Муаллим одатича қуёшга бир қараб қўйиб дарс бошлади. Тахмоннинг ўнг тарафидаги токчага Ленин бобонинг сурати қўйилган эди. Оддийгина уст-бошда, кенг пешанали, ўткир кўзли бу одам «Яхши ўқинглар» дегандек ҳаммамизга меҳрибон боқиб турарди. Лекин ҳар доим кулиб юрувчи хушчақчақ муаллим бугун хомуш. Танаффусда ҳовлига ҳам чиқмади. Биз ҳам атрофидан жилмадик. У Ленин бобонинг кимлигини, унинг меҳнаткашлар учун қилган катта хизматларини сўзлаб берди.

— Савол, муаллим,— деди қўл кўтариб, юқори маҳалладан қатнайдиган Ҳайдар деган новча бола.— Мактабимиз ёпилмайдими?

Мен ҳам худди шуни сўрамоқчи бўлиб турган эдим.

— Йўқ,— деди муаллим. Сўнг синфга қайғули назар ташлади.— Ленин бобо: «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш!» деган. Доҳийнинг бу васиятини амалга ошириш учун тағин ҳам яхшироқ ўқишингиз керак.

— Ўқиймиз!— дедик.

Муаллимимиз ўша куни ҳамма дарсларни Ленин тўғрисида суҳбат билан ўтказган эди.

Мен улғайган чоғимда ҳар сафар қишлоқ ва шаҳарлардаги яшнаб-юксалаётган ҳаёт манзараларига кўз ташлар эканман, қалин қорли қишни, мотамсаро қишлоғимизни эслайман. Шунда биринчи муаллимимиз ҳурматли Иброҳим Муяссаровнинг буюк инсон Владимир Ильич Ленин тўғрисида айтган сўзлари ҳамон қулоғим остида янграб тургандек бўлади.

Абул БОЗОРОВ

уйи бор. Ленин номли колхознинг клуби «Баҳор» деб аталади. Колхозчилар учун дам олиш уйи ҳам бор. Маданият саройида жойлашган Бахт уйи замонавий жиҳозлар билан безатилган. Яқинда шу ерда район қурилиш ташкилотининг техники Камол Ҳамидов билан ҳамшира Зайнаб Сафарованинг тўйи ўтказилди. Тўйга колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ғани Бобоёров бошчилик қилди. Бахт уйининг катта зиёфат залида келин-куёв шаънига илиқ табриклар айтилди. Бу тўй, бу самимий табриклар фақат келин-куёвнинггина эмас, тўйда қатнашган барча меҳмонларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Колхоз раисларидан Ғани Бобоёров, Аҳмаджон Орзиқулов, Қурбон Ҳақбердиев, жамоат арбобларимиздан — «Ҳужум» фабрикасининг директори Моҳинисо Жалолова, кекса коммунист Ҳабиба Ҳафизова, Розия Назирова, Ҳамро Самадова районимиз хўжаликларида, маҳаллаларда халқимизнинг миллий байрамларини, тўйларини замонавий, янгича ўтказишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Райондаги 25 халқ университети, хотин-қизлар кўчма клуби турли мавзуларда тарбиявий ишлар олиб бормоқда. «Қизил юлдуз» ва Энгельс номли колхозларда турмуш маданиятини ўрганиш университетлари уй-рўзғор ишлари, меҳмон кутиш, уйни шинам жиҳозлаш, лаззатли таомлар пишириш бўйича машғулотлар, суҳбатлар ўтказмоқда. Халқ университетларига қатнашаётган 2892 кишидан 1972 нафари хотин-қизлар. Абдулла Қодирий, Валентина Терешкова ва Амин Умарий номли мактаблар ҳузуридаги ота-оналар университетлари ва илмий-атеистик мактабларининг иши диққатга лойиқ.

Яқинда Кулоллик маҳалласига кўчма клуб борганида жуда кўп хотин-қизлар тўпланишди. Пенсионер, ҳуқуқшунос Ҳафиз Эрмаков бу ерда оила ва никоҳ тўғрисида лекция ўқиди. Бадиий қисми ҳам жуда мароқли ўтди.

Лектор Шарофжон Орифийнинг Ленин номли маҳаллада «Коммунистик жамият кишиси қандай бўлиши керак» деган мавзуда ўтказган суҳбати йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. «Ҳужум» фабрикаси директори Моҳинисо Жалолова ташаббуси билан ишчи қизларга паспорт топширишга бағишланган маросим ҳам байрам тусини олди.

Туғилган кунларни нишонлаш катта тантанага айланиб бормоқда. Қовун сайиллари, Наврўз байрамлари ўтказиб турилибди. Наврўз байрамида сумалак пишириш, исмалоқ сомсалар ёпиш одат бўлаётир. Район хотин-қизлар советининг раиси, меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг масъул секретари Ҳидоят Ҳусаинова бу ишга бошқош бўлиб келаётир.

Ленин номли, Энгельс номли, «Правда», «Қизил юлдуз» колхозларида Лола сайли, «Ўроқ ва Болға» байрами оммалашиб қолди. Ҳамма колхозларда нуроний отахонлар ва онахонлардан, шунингдек, ёшлардан иборат тўй-маросим комиссиялари тузилган. Улар меҳнаткашлар орасида замонавий тўйларимиз, анъаналаримиз қандай ўтказилиши ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирадилар. Уларнинг ёрдами билан, тўй ва азалардаги бир қанча зарарли, хурофий одатларга чек қўйилди.

Энгельс номли колхозда узоқ йиллар чилангар бўлиб ишлаган Файзи Тошев, механик Боқи Жалилов яқинда пенсияга чиқадилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти тантанали маросимни кўнгилли ўтказмоқчи. Файзи ака касбини ўғли Маликка ўргатди, Боқи ака эса илғор механизатор Низом Нафасовни уста механик қилиб тайёрлади.

Меҳмон кутишлар ҳам замонавийлаштирилган. Ҳисор тоғлари орасида лалмикор Ғилон қишлоғи бор. Бу қишлоқни санъаткорлар қишлоғи, десак ҳам бўлади. Уларнинг меҳмоннавозлигини, санъатини кўриб, ҳайратда қоласиз. Қишлоқ аҳли ишдан кейин чойхонага чиқади. Бир пиёла чой устида ўйин-кулги, хушчақчақлик, ашула, музика алламаҳалгача давом этади. Бу ерда ашула айтмайдиган, бирон чолғу асбобини чала олмайдиган киши йўқ десак хато бўлмас. Ғилонликларнинг бундай кўнгилочар расм-русумларини районнинг бошқа хўжаликларига ҳам кенг ёйиш тадбирларини кўраётирмиз.

Янги урф-одатлар, анъаналар, миллий байрамлар маданиятимизнинг равнақини, турмушимизнинг фаровонлигини кўрсатади. Бу шарафли ишга раҳбарлик қилиш идеология, маданият ходимлари ва кенг жамоатчилик зиммасида турган муҳим вазифадир.

СССР — 50

Ягона оилада

ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

ЮКСАЛИШ

Турдахун УСУБАЛИЕВ,
Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Фрунзедаги мовут комбинатининг ишчиси, КПСС XXIV съездининг делегати Бибигул Уқуева.

...Қирғизистон ССР совет халқларининг қардошлик оиласида, КПСС ва унинг жанговар отрядларидан бири — Қирғизистон Компартияси раҳбарлигида халқ хўжалигини ривожлантиришда, меҳнаткашлар маданияти ва фаровонлигини оширишда янги марраларни эгаллади.

Ўтган беш йилликда республикамизнинг миллий даромади қарийб 1,5 марта, саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми эса 83 процент кўпайди. Бу кўрсаткичлар мўлжалланганидан анча ортиқдир...

Қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, суғориладиган ерлар майдони кенгайди. Ҳозирги пайтда суғориладиган ерлар салкам миллион гектарга етди.

... Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ўсди, чорва молларининг сони кўпайди, маҳсулдорлиги ортди. Республикамиз ғалла, пахта, қанд лавлаги, тамаки, гўшт, сут, тухум, жун топшириш бўйича беш йиллик топшириқларини оширib бажарди.

Маориф, соғлиқни сақлаш, илм-фан янада тараққий этди. Ҳозирги пайтда Қирғизистонда ҳар 10 минг аҳолига 160 олий таълим олаётган студент тўғри келади. Шаҳарларда ишлаб турган аҳолининг тўртдан уч қисми ва қишлоқларда меҳнат қилаётган аҳолининг 57 процента олий ва ўрта маълумотли кишилардир.

Коммунистик қурилишда Совет Қирғизистони эришган муваффақиятлар республикамиз ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, умуман, барча меҳнат аҳлининг яратувчилик қудрати, партиямиз ленинча миллий сиёсати тантанасининг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда республикамиз ишлаб чиқарувчи кучлари юксак ривожланиш босқичига кўтарилган экан, бунинг учун биз совет халқларининг қардошларча ҳамкорлигидан, уларнинг ўзаро ёрдамидан миннатдормиз. Совет республикаларининг ҳар бири Қирғизистон экономикаси ва маданиятини тараққий эттиришда бизга ёрдам бермоқда. Уз навбатида биз ҳам қардош халқлар олдидаги бурчимизни муқаддас билиб, адо этмоқдамиз ва бундан буён ҳам адо этамиз.

... Янги беш йилликда қаршимизда янада илҳомбахш истиқболлар очилмоқда. XXIV съезд Директивалари лойиҳасида ҳар бир иттифоқдош республиканинг алоҳида ва умуман ССР Иттифоқининг ҳар томонлама тараққий этиш йўллари ленинча диққат-эътибор билан ҳисобга олинган. Бу ҳужжат чинакам маънода интернационал моҳиятга молликдир.

Қирғизистон ССРда 1975 йилда саноат маҳсулотининг ўзи ўтган беш йилликнинг якунловчи йилидагига нисбатан бир ярим баравар кўп ишлаб чиқарилади.

Янги беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини анча юксалтириш кўзда тутилган. Бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифа — чорва моллари сонини, айниқса, уларнинг маҳсулдорлигини муттасил ошириб боришдан, қисқаси, мамлакатга мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари, хусусан, янада кўпроқ гўшт ва жун етказиб беришдан иборатдир.

Қирғизистонда ўнлаб миллатларнинг вакиллари ягона аҳил оилада яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига уларнинг ҳаммаси ўз ҳиссаларини қўшмоқда... Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш борасида орттирилган тажрибани янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни республикамиз партия ташкилоти ўзининг муҳим вазифаси деб билади. Ҳар бир иттифоқдош республика сингари Қирғизистон ҳам Совет Иттифоқидаги социалистик миллатлар билан яқин ҳамдўст бўлган тақдирдагина янада гуллаб-яшнаб, равнақ топа олади.

(КПСС XXIV съездида сўзлаган нутқидан)

«Чўлпон» балети бугунги қирғиз санъатининг довруғини жаҳонга таратди.

Бугун йироқ-йироқ яйловларни ҳам китоб, газета, журналларсиз тасаввур этиш қийин.

Аравонлик донгдор пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алла Аноровнинг маҳорати кўплаб шогирдлари учун бой тажриба мактабидир.



Қирғиз энергетиклари асов Норин дарёсини жиловлаб, қудратли Ғўхтағул ГЭСини барпо этдилар.

«Манас» достони — жаҳон адабиётининг ёрқин дурдонаси. Қирғизистон ССР халқ артисти Эстебес Турсуналиев достон қаҳрамонларининг жасоратларини шавқ билан куйлайди.

Тоғ ўлкаси — юртимизни маъмур қилган каттакон яйлов.

Асқар АБДИҚУЛОВ фотолари

Республика пойтахтидаги «Қирғизистон» меҳмонхонаси дўстларга ҳамиша мунтазир.

Ф. Достоевскийнинг 150 йиллигига

1849 йилнинг ҳаҳратон қиши. Петербургнинг Семёнов майдонида бошига оқ қоп кийгизилиб, кўзлари боғланган йигирма бир навқирон йигит дор тагида турибди. Россиянинг бу ажойиб, билимдон кишилари орасида буюк адиб Фёдор Достоевский ҳам бор. Мудҳиш ўлимдан дарак бериб ноғора садолари янграйди. Даставвал Петрашевский бўйнига сиртмоқ солинди. Достоевский дақиқаларни санаб, дўстлари билан дилдан видолашар экан, вужудида қони музлаб қолгандек, совуқ терга ботиб, нарахт турарди...

Энг сўнгги дақиқадагина ўлим жазоси каторга билан алмаштирилгани ҳақида хабар келади.

Бу — ёш революционерларнинг руҳини, иродасини синдириш учун ўйлаб чиқарилган ваҳшиёна масхарабозлик эди. Қалби нозик, хассос адибга бу ваҳшийлик чиндан ҳам қимматга тушди: ўша мудҳиш кун, азобли каторга йилларида орттирилган руҳий ва жисмоний дард адибга бир умрли ҳамроҳ бўлиб қолди.

ИСЁНКОР ҚАЛБ



Бу шафқатсизликларнинг ҳаммаси нима учун эди денг? Белинскийнинг Гоголга ёзган хатини ўқиганн учун!

Ф. М. Достоевский адабий ижодини Гоголнинг шогирди, Белинскийнинг маслакдоши сифатида бошлаган эди. Унинг илк асари — «Қашшоқ кишилар» повестига «кичик одам»ларни ҳимоя қилишда Гоголнинг машҳур «Шинель» қиссасидан ҳам қудратлироқ деб баҳо берилди. Энг кичик, энг оддий одамлар — Акакий Акакиевич ва Макар Девушкин маънавий жиҳатдан ўша давр жамиятидан устун турар эдилар. Бу ғоя ўша вақтнинг афкор оммасини ғалаёнга келтирди, бутун рус адабиётининг мавқеини оширib юборди.

Ун йиллик азоб-уқубатдан, даҳшатли руҳий ва ижтимоий синовлардан кейин адибни тушкунлик, ғазаб, дард ҳамда қарама-қаршиликлар қийнай бошлади. Тарих майдонидан кетаётган қуллик, крепостной тузумнинг жон талвасаси, очкўзлик билан бош кўтараётган капиталистик муносабатларнинг ваҳшийлиги — Достоевский назарида нажотсиз, қоронғи, мангу азобли бир дунё бўлиб кўринарди. Бу дунёнинг адолатсизликларидан у фақат сабр-тоқат, азият, мусибат чекиш билангина қутулиш мумкин, деган фикрга келади. А. Герцен бу тушкунликни қоралаб, хўрланган ва таҳқир этилганларнинг ёшини артиш билан иш битмайди, уларни курашга даъват этиш керак, деган эди.

Лекин Достоевский амалда «кўз ёш артиш» билангина кифояланмади. Чунки унинг шахсий ҳаёти ҳам буюк дардли қалбнинг оғир тарихидан иборат бўлиб, ўзини ҳам, маҳрамонларини ҳам, даҳшатли воқелик хўрлаган ва таҳқир этган эди. Муҳими — унинг гениал санъаткорлиги. Максим Горький, бадиий ифода таъсири жиҳатидан уни фақат Шекспирга тенглаштириш мумкин, деган эди.

Дарҳақиқат, Достоевскийнинг ўша машъум фожеадан сўнг ёзган асарларида, мавжуд воқелик ғайриинсонийдир, деган асосий фикр ифодаланади. Адиб яратган образлари билан кишилик олдига катта, муҳим, мураккаб муаммолар қўяди, адабиётга қашшоқ кулбалар ҳаётини, ҳақир ва ғариблар дунёсини олиб киради.

Инсон дарди, инсон азоби, доимий ва қатъий норозилик, изтироб ва адашишлар, инсоний муносабат ва руҳий ҳолатларнинг энг мудҳиш нуқталари, ёлғизлик ва изтироб, ожизлик ва жиноят, яхши-ёмоннинг меъёрини, ахлоқ қоидаларини тан олмаслик, таназзул ва жаҳолат — булар ҳаммаси ғайриинсоний воқеликнинг чиркин қиёфасини тасаввуримизга келтиради. Адибнинг «Хўрланганлар ва таҳқирланганлар», «Жиноят ва жазо» каби романлари мана шу муҳитга қарши исёнкорона фарёд бўлиб янграйди.

Достоевский инсон кулфатининг бадиий ҳаққоният ва таъсир жиҳатидан классик даражадаги чуқур реализтик лавҳаларини чизади. У адабиётга янги социал типлар, социал табақалар тасвирини олиб кирган санъаткордир. «Жиноят ва жазо»даги Катерина Ивановани эсланг. Сиз унинг ҳар бир сўзини, ҳар бир нафас олишини, юришини, қиёфаси, ҳар бир ҳаракатини ёдда сақлаб қоласиз. Дард ва газабнинг оташин қудратини мужассам этган бу образ классик санъатнинг чўққисидир. «Тентак»даги Настасья Филипповна ҳам жаҳон адабиётининг шундай мукаммал образларидан биридир.

Фёдор Михайловичнинг санъатдаги тенденциозлик ҳақида айтган қуйидаги фикри унинг эстетик қарашларини яхши очиб беради: «Поэзияда эҳтирос зарур, ғоя зарур, эҳтирос билан йўғалишни кўрсатиб турувчи раҳнамо албатта керак. Воқеликни лоқайд тасвир этишдан ҳеч қандай наф йўқ!».

«Ака-ука Карамазовлар», «Яширин мактублар», «Иблислар» — Достоевскийнинг энг тенденциоз асарларидандир. Уларда адибнинг тушкун ўйлари ҳам, исёни ҳам рўйирост ифодаланган. Пасткаш чол Фёдор Карамазов помешчиклар синфининг сўнгги вакилларини, Смердяков эса энг чиркин қулликнинг психологиясини шундай ифода этганки, бу образлар аллақачонлароқ жаҳон адабиётининг классик намуналари бўлиб кетган. Шу билан бирга, бу романларда ёруғлик ва нажот, мавжуд муҳитдан қутулиш йўлларини деярли инкор этилади. Адиб инсон учун, ахлоқ ва виждон учун, адолат ва муҳаббат учун курашга бутун гениал истеъдодини бағишлади-ю, ленин бу курашнинг революцион йўлини кўролмай ўтди. Биз совет китобхонлари бунинг ижтимоий сабабларини англаймиз ва буюк рус санъатқорининг мислсиз жасорати билан фахрланамиз. Унинг қалби буюк ва исёнкор, ўйлари дардли ва порлоқ эди.

Биз эълон қилаётган «Аломат одамнинг туши» ҳикоясида адиб инсоннинг гўзал келажаги ҳақидаги орзуларини ифодалайди.

Ф. ДОСТОЕВСКИЙ

Аломат одамнинг туши

Парча

О, барча нарса худди ўзимиздагидек, аммо ҳамма ерда аллақандай байрам ва ниҳоят эришишга муваффақ бўлинган буюк, эзгу, тантана нашъаси барқ уриб турар эди. Латиф зумрад денгиз соҳилга оҳиста талпиниб, уни яққол, аён, қарийб бир онгли меҳр билан ўларди. Бўйдор, ажиб дарахтлар бор кўркини тўкиб турар, уларнинг сон-саноқсиз япроқлари эса, ишонч билан айтаманки, мени маъсум, осойишта шивирлари билан қутлаб, қандайдир муҳаббат сўзларини изҳор этмоқда эди. Чамандаги хушбўй гуллар алвон товланмоқда. Осмонда гала-гала бўлиб учиб юрган қушлар мендан ҳайиқмай, елкам ва қўлларимга қўнар, ўйноқи, латиф қанотлари билан мени уриб-уриб қўяр эдилар. Ниҳоят мен бу саодат юртининг одамларини кўриб, улар билан танишдим. Улар ҳузуримга ўзлари келишди, атрофимни ўраб олиб, юз-кўзимдан ўпишди. Қуёш болалари, ўз қуёшининг болалари,— о, улар қандай гўзал эди! Мен ўз еримизда инсон сиймосида бу қадар гўзалликни ҳеч қачон кўрган эмасман. Эҳтимолки, болаларимизнинг, уларнинг сабий гўдаклик йилларида бу гўзалликнинг йироқ, шунда ҳам заиф аксини топсак ажаб эмас. Бу бахтиёр одамларнинг кўзларида нур чақнарди. Уларнинг чеҳраларида ақл-заковат, аллақандай осудалик чулғаб олган шуур барқ урар, аммо бу чеҳралар ҳуррам, бу одамларнинг сўзлари ва овозларида болаларга хос қувонч янграр эди. О, мен уларнинг чеҳраларига нигоҳ ташлаган илк ондаёқ ҳамма нарсани, ҳаммасини дарҳол пайқаб олдим! Бу замин гуноҳлардан пок, унда гуноҳ қилмаган одамлар яшар, бутун башариятнинг ривоятига кўра, бизнинг гуноҳ қилган аждодларимиз яшаган жаннатдагидек жаннатда яшар, тафовути шундагина эдики, бу ернинг заминн бир текисда жаннат эди. Хуррам қаҳқаҳа отаётган бу одамлар атрофимда парвона бўлиб, мени эркалатишарди; улар мени ўз уйларига олиб кетишди,

ҳар қайсиси ҳам менга таскин бергиси келарди. О, улар мендан ҳеч нарсани суриштирмас, ҳамма нарсадан аллақачон воқифдек эдилар, менга шундай туюлди, улар менинг чеҳрамдаги изтиробга тезроқ барҳам беришни истар эдилар.

* * *

Биласизми, қайта айтаман: майли бу туш бўлган бўлса бўлақолсин! Аммо бу маъсум ва ажойиб одамларнинг меҳр-муҳаббат туйғуси қалбимда абадий қолди, ҳис қилиб турибманки, уларнинг меҳр-муҳаббати ҳозир ҳам ўша томондан менга ҳамон ёғилмоқда. Мен уларни кўзим билан кўрдим, уларнинг мавжудлигини идрок этиб, қаноат ҳосил қилдим, уларни севиб қолдим, кейинчалик улар учун дард чекдим. О, ҳатто ўша ондаёқ кўп жиҳатлардан уларнинг дилидагини мутлақо пайқаёлмаслигимни дарҳол тушундим; мендек бир замонавий рус тараққийпарвари ва қабиҳ петербургликка уларнинг шунча кўп нарсани била туриб, бизнинг фанимиздек фанга эга эмасликларининг сабабини тушунолмадим. Аммо тез орада пайқадимки, уларнинг билимлари бизнинг ердагига қараганда бошқачароқ, зеҳн-идрокдан озиқланар экан, мадад олар экан, уларнинг ҳавас-иштиёқлари ҳам мутлақо бошқача экан. Улар ҳеч нарса истамас, хотиржам эдилар, улар ҳаётни биз билиб олишга интилганимиздек идрок этишга интилишмас, чунки уларнинг ҳаёти тўкис эди. Аммо уларнинг билими бизнинг фанимиздан кўра чуқурроқ ва юксакроқ эди; чунки бизнинг фанимиз ҳаётнинг маъносини тушунтириш ўрнларини қидиради, бошқаларни яшашга ўргатиш учун уни идрок этишга интилади; улар эса қандай яшашлари кераклигини фансиз ҳам билишарди, мен буни тушундиму аммо билимларини пайқай олмадим. Улар менга дарахтларини кўрсатишди, уларнинг ўз дарахтларига нечоғлик меҳр билан қарашларини ҳам тушуниб етолмадим: гўё улар ўзларига ўхшаган жон эгалари билан сўзлашаётгандек эдилар. Биласизми, борди-ю, улар ўша дарахтлар билан сўзлашдилар, десам ҳам ҳато бўлмас! Ҳа, булар улар билан тил топишган, аминманки, дарахтлар ҳам буларни тушуниб турар эди. Улар бутун табиатга — жониворларга ҳам шундай қарашар, жониворлар эса улар билан тотув яшар, уларга ҳужум қилмас, меҳрларидан ийиб кетиб, уларга оқибат кўрсатар эди. Улар менга юлдузларни кўрсатишиб, булар борасида шундай нарсаларни айтишдики, буни тушуна олмадим, аммо аминманки, улар фалак юлдузлари билан нималардир орқали мулоқатда бўлишарди, ақлим етмайди-ю, аммо қандайдир бир жонли алоқа йўли билан бўлса керак. О, бу одамлар мен уларни тушуниб олишим учун уринишмас, улар мени бусиз ҳам севишар, аммо мен эса улар мени ҳеч қачон тушуна олмасликларини билар эдим, шунинг учун ҳам улар ўзимизнинг ер ҳақида қарийб гапирмас эдик. Мен фақат улар яшаётган замин тупроғини сездирдим, сўз билан изҳор қилмай уларнинг ўзларини ардоқлардим, улар буни аён кўриб ўзларини ардоқлашимга йўл қўйишар, ардоқлаётганимдан ийманишмас, чунки ўзлари ҳам чексиз меҳр билан севишар эди. Баъзан уларнинг ҳам менга нисбатан қандай меҳр-оқибат кўрсатишларини қалбимда қувонч билан ҳис этганда кўзда ёш билан уларнинг оёқларини ўпарканман, улар мен учун истироб чекишмас эди. Гоҳо мен ҳайрат билан ўзимдан сўраб қолардим: нечук улар мендек одамни шу вақтгача сира ҳам таққирлашмайди, мендек бир одамнинг дилида бирон марта ҳам рашк ва ҳасад уйғотишмайди? Кўп марталаб ўзимдан сўрадимки, мендек бир мақтанчоқ ва ёлғончи уларнинг хаёлларига ҳам келмаган билимлар ҳақида нима учун гапириб бермадим, уларга бўлган меҳр-оқибатим ҳурмати, уларни ақалли таажжублантиргим келмади? Улар болалардек шўх ва хушчақчақ эдилар. Улар ўзларининг ажойиб ўрмон ва тўқайларида кезиб юришар, ажойиб қўшиқларини куйлашар, ўз дарахтларининг мевалари бўлган ноз-неъматлар билан, ўрмонларининг асалларини ва меҳрибон жониворларининг сути билан озиқланишар эди. Озиқ-овқат ва кийим-кечак топиш учун улар оз-моз ва машаққатсиз меҳнат қилишарди. Уларда ҳам ишқ-муҳаббат бор, фарзанд кўришар эди; аммо мен уларда ҳеч қачон ваҳшиёна нафс иштиёқини кўрмадим; бизнинг ерда эса ҳамма ва ҳар бир кимса бунга гирифтор, бу нарса инсониятимизнинг деярли барча гуноҳлари учун бирдан бир манба бўлиб хизмат қилади. Болалар туғилганда булар ҳузур-ҳаловатимизнинг янги иштирокчилари, деб қувонишарди. Уларнинг орасида низо ва ғайирликдан асар йўқ, бу нарсаларнинг нималигини ҳатто билишмас ҳам эди. Уларнинг болалари ҳамманинг боласи, чунки ҳаммалари ягона бир оилани ташкил қилишар эди. Уларда касал деган нарса мутлақо йўқ, зотан ўлимгина бор; қариялари видолашгани тўпланган одамлар қуршовида, жилмайган чеҳра билан уларга омонлик тилаб, уйқуга кетаётгандек жон берар, тўпланганлар ҳам уларни хушнуд чеҳра билан кузатиб қолар эдилар. Мен бу ҳолларда йиғи-сиғи, алам-ситамни кўрмадим, аксинча завқ-шавқ, осуда, самимий, яққол завқ-шавқ барқ урган меҳр-муҳаббат ҳукм сурар эди. Марҳум кишилар билан ҳатто уларнинг ўлимларидан кейин ҳам мулоқатда эканлар, ҳаётликларидаги иноқликларига ўлим ҳам айрилиқ сололмас экан, деб ўйлаш мумкин эди. Улардан мангу ҳаёт ҳақида сўраганимда гапимга тушунмай етишмас, афтидан мангу ҳаётга бўлган эътиқодлари шу қадар қатъий эдики, бу ҳақда уларда савол туғилиши мумкин эмас эди. Уларнинг ибодатхоналари йўқ эди, аммо уларда Бутун коинот билан аллақандай муҳим, жонли ва узлуксиз мулоқат ҳукм сурарди. Уларнинг диний эътиқоди йўқ, ер юзидаги ҳузур-ҳаловатимиз ердаги табиат имкони доирасидан чекига етса, ҳаётларимиз ҳам, ўлганларимиз ҳам Бутун коинот билан бундан ҳам зўрроқ мулоқатда бўлишга эришамиз, деган қатъий ишончлари бор. Бу дақиқани улар қувонч билан кутишар, аммо ошиқишмас, муштоқ бўлишмас, аксинча, уни дилдан яқин ҳис қилишар, бу ҳисларидан бир-бирларини воқиф этишар эди. Кечқурунлари ётар олдидан улар ялпи ва мазмун хониш қилишни хуш кўрар эдилар. Бу тароналарда улар интиҳосига етган кун ато этган барча туйғуларни изҳор қилишар, бу кунни муборакбод қилиб, у билан видолашар эдилар. Улар табиатни, ер заминни, денгизларни, ўрмонларни қутлашардилар. Улар бир-бирлари ҳақида қўшиқлар тўқишар, бир-бирларини ёш болалардек мақташар, бу энг оддий кўшиқлар бўлиб, аммо қалбларидан отилиб чиқиб, қалбларга қуйилар эди. Қўшиқларидаги сўзлар, бутун умрларини бир-бирларига меҳр изҳор қилиб ўтказаётгандек эдилар. Бу барчага хос, умум кўпчиликка хос аллақандай бир-бирини севиш туйғуси эди. Баъзи бир тантанавор ва завқбахш қўшиқларга мен мутлақо тушунмас эдим. Сўзларини тушунсам ҳам, ҳеч қачон тўла-тўкис мазмунини идрок қилолмасдим. Бунга менинг мутлақо ақлим етмас, аммо қалбимни тобора мисли сиз бир ийсинда эгаллаб борарди. Мен уларга кўпинча шуларнинг ҳаммасини аллақачонлар олдиндан ҳис қилганман, баъзан чидаб бўлмас даражада ғуссага етиб борадиган ҳасрат туғдирувчи бизнинг еримиздалигимдаёқ бу барча қувонч ва донг-шуҳратдан бахтиёр бўлганман, мен сизларнинг барчаларингизни ва донг-шуҳратларингизни қалбимнинг туширида, шуримнинг орзуларида ҳис қилганман, еримизда мен кўпинча ботаётган қуёшга қараб кўз ёшимни тиёлмасдим, дердим... Бизнинг еримизнинг одамларига бўлган нафратимда ҳамиша ҳасрат сезилиб туради: нега мен улардан севмай туриб нафратланолмайман, нега мен уларни кечиролмайман, уларга бўлган меҳр-муҳаббатимга ҳасрат омухта: нега уларни нафратланолмай туриб, севолмайман, дердим. Улар менинг сўзларимни тинглашарди, аммо гапираётган нарсаларимни тасаввур қилолмаётганларини кўриб турардим, лекин уларга бу ҳақда гапирганимдан ўкинмасдим: билардимки, тарк этиб келганларим ҳақида қандай дарду ҳасрат чекаётганимни тўла-тўкис пайқаб туришибди. Ҳа, улар менга меҳр-муҳаббат барқ урган маъсум нигоҳ билан боқарканлар, ўз қалбим ҳам уларнинг қалбларидек маъсум ва ҳаққоний бўлиб бораётганини ҳис этарканман, дилларидагини тушунмаётганимга ўкинмасдим. Завқ-шавқимдан теримга сиғмай, ун чиқармай улар учун илтижо қилардим.

Майли, бу туш бўлсин, буларнинг ҳаммаси содир бўлмаган бўлиши мумкин эмас. Биласизми, мен сизга бир сирни айтаман: эҳтимолки, буларнинг ҳаммаси мутлақо туш эмасдир!

В. РЎЗИМАТОВ таржимаси

Каптарлар

Каптарлар кафтимдан дон чўқиб,
Кафтимдан сув ичиб,
Сўнг учиб,
Куй тўқиб,
Бошимда чарх урар гуллардай.
Парвозм,
Уйини куйлардай.
Баҳорий еллардай куйларм.
Осмон —
Кўк чодиру
Каптарлар —
Шафтолм гулларм.

Ипакдай ярқираб,
Барқ уриб,
Учаркан,
Уйнаркан,
Чарх уриб,
Қувнайман.
Негакм:
Уларни яратган —
Мен ўзим.
Учирган,
Сайратган —
Мен ўзим.
Негакм:
Есин деб улар ҳам,
Даламга дон сепдим ҳар кўклам.
Улар ҳам есин деб атайлаб,
Донларни пишириб,
Тақсимлаб чиққанман авайлаб:
Уч бошоқ —
Ўзимга,
Бир бошоқ каптарга;
Уч бошоқ —
Ўзимга,
Бир бошоқ —
Каптарга.
Ўзимга,
Каптарга,
Ўзимга,
Каптарга.
Сўнг янчиб,
Ажратиб каптарлар ҳақини,
Белгилаб қўйганман қопини.
Шунинг-чун дейманки:
Каптарни яратган —
Мен ўзим.
Учирган,
Сайратган —
Мен ўзим.

Шу тахлит яшаймиз дўст, иноқ,
Кунимиз ўтади шод, қувноқ.
Қувонсам каптарлар жўр овоз.
Мендан — дон,
Улардан — рақс, парвоз.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Турналар

Меҳр риштаси-ла бир-бирга боғлиқ—
Турналар занжири кўкда қийқирар.
Нимадан уларнинг дилларм доғлиқ,
Нечун сафарларга майл қилдилар!

Уларнинг эркм ёр, парвози баланд,
Қай манзил хуш келса, яшарлар
қолиб,
Фироқ бўйинларга ташламас-ку банд,
Лекин не исташар шунчалик нолиб!

Бу андуҳ, эҳтимол, дарбадарликдан,
Совуққа бардошм йўқлигидандир ё !..
Балки изғишмасдм бўлсайдм ватан...
Уларга мунчалар жабр этдинг дунё!

* * *

Ҳиқиллаб йиғлайди болакай,
Шашқатор ёш оқар кўзидан.
Арм озор бермбди, бай-бай,
Чақиб олиб лўппи юзидан.

Майли, қўйинг, йиғласин бу дам,
У кўниксин шундай дардларга.
Дуч келганда кейин дард, алам,
Қодир бўлсин ёшин артарга.

Улмас ЖАМОЛ

В. И. Ленин майдонида улуғ доҳий ҳайкали.

ТОШКЕНТ ҲАЙКАЛЛАРИ

Муаззам Тошкентимиз социалистик Шарқнинг машъал шаҳри. Пойтахтимиз кун сайин кўркамлашиб, чиройига чирой қўшилиб бормоқда. Тошкент — инқилобий анъаналар, дўстлик шаҳри. Унда халқимизнинг озодлик, эрк, бахт учун олиб борган инқилобий курашлари тўғрисидаги хотиралар навқирон авлод қалбида эъзозланади. Ана шу шонли ўтмишимиз, қаҳрамонона инқилобий курашларимиз, бузилмас дўстлигимиз пойтахтимизнинг муҳташам майдон ва хиёбонларида, кўчаларида ўрнатилган обидалар тимсолида ҳам ўз ифодасини топган. Тошкентдаги буюк сиймоларнинг ҳайкаллари, мамлакатимиз халқларининг улуғвор дўстлиги шарафига тикланган ёдгорликлар бугунги ва келажакдаги авлодларга шонли кураш йилларимиз, бахтиёрлик дамларимиздан ҳикоя қилади.

Революция хиёбонида Карл Маркс монументи.



Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин ҳайкали.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби С. М. Киров ҳайкали.



Машҳур саркарда М. В. Фрунзе ҳайкали.

Коммунистик партия ва совет давлатининг атоқли арбоби В. В. Куйбишев ҳайкали.

Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ҳайкали.



Туркистон комиссарлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

Гениал ўзбек шоири Алишер Навоий хайкали



Қардошлар мозоридаги обелиск.



СССРнинг биринчи космонавт учувчиси Юрий Гагаринга ўрнатилган обида.

Хоразм кўчасида арман-ўзбек дўстлиги шарафига тикланган ёдгорлик.



Шота Руставели кўчасида грузин-ўзбек дўстлиги обидаси.

В. ТАРАН фотолари

Тўртликлар

Доно билан сўзлашсанг,
Сўз бойлигинг ортади.
Нодон билан нон есанг,
Тубанликка тортади.

Ёмонга яхшиликдан
Бирор қарф ўргатганинг —
Кимсасиз вайронага
Минг чироқ ўрнатганинг.

Кўнгилчанлик яхши, лекин —
Эл қадрига етганларга.
Майли, бағринг тошдан бўлсин
Элдан кечиб кетганларга.

Кўнгил, йиғласанг-чи, ёнсанг-чи бундай,
Умринг баҳорига ачинмайсанми!
Ёшликда дардингни айтмадинг, майли,
Хазонинг етса ҳам очилмайсанми!

Кўнглинг тўғри бўлмаса,
Олам эгри кўзингга.
Оламдан юз ўгирсанг,
Душмансан ўз-ўзингга.

Ёмоннинг ёзиғи йўқ чаккасида
Ичида пинҳондир унинг оласи.
Беозор бақадан қанчалар кўркам,
Ясоғлиқ тойчадек чаён боласи.

Бир энлик қоғозга олам жо бўлар,
Ёру кўк тақдири сиғади шунга,
Бир сўз-ла, йўқин бор, борин йўқ этиш —
Шу қоғоз эканн кирмас тушингга.

Толиб ЙЎЛДОШ



Ҳосилни асраш ҳам санъат.
В. ТАРАН фотоэтюди

Инсон ва қонун

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Саҳар ҳовлига чиққан аёл қўшни уйдан бурқсиб кўтарилаётган тутунни кўриб ваҳимага тушди. Югуриб бориб, дарвозани очди. Тутун рўпарадаги магазин эшигининг тирқишларидан сизиб чиқарди.

— Ҳой, ким бор? Ердам, Войдод!.. Туринглар, магазинга ўт тушибди!— деган қичқириқ қўни-қўшниларни уйғотиб юборди.

Тумонат йиғилди. Совуққа қарамай, сарпойчан югуриб чиққан Раҳим Аброров магазин эшигини очди. Дарҳол район ички ишлар бўлимига, ўт ўчириш инспектори Камол Жалиловга хабар қилинди.

Ўт ўчирилди. Лекин анча мол куйган, бузилган эди.

Моллар тасодиф натижасида ёниб кул бўлганми ёки бунинг тагида бирон қора ният яширинганми? Бу жумбоқни район ички ишлар бўлими ечиши керак эди.

Тергов бошланди. Гувоҳлар билан суҳбатлашилди, ёнғин чиққан жой синчиклаб текширилди. Бу иш инспектор Камол Жалилов тузган актда хотима топди. Актда электр симидан ўт чиқиши натижасида анча-мунча мол куйиб кетганлиги айтилган эди.

1969 йил 14 январда бу ёнғин масаласи юзасидан тергов тўхтатилди. Иш ёпилди. Магазин мудири Раҳим Аброров яна ишини бошлаб юборди.

...Юз хил тахмину тусмоллардан энг тўғрисини танлаб олиш, жиноятчини ўз айбига иқрор қилиш учун терговчида истеъдод бўлиши керак.

Район прокурори Илҳом Обидов ишга киришди. Қандайдир бир ички туйғу уни актларга ишонмасликка, ҳаммасини қайтадан қунт ва сабот билан текширишга чиқишга ундарди.

Илҳом Обидов ўша ёнғин чиққан магазинга келди, текшириш ўтказди. Ёнғиндан сўнг ўтказилган инвентаризацияда қанча мол нобуд бўлгану қанчаси бут экани аниқланган эди. У инвентаризация ҳужжатлари билан ҳам танишди. Фактураларда кўрсатилган рақамлар билан моллар миқдорини солиштирди.

Сўнгги марта қачон мол олинган экан? Шуни бир аниқ таққослаб кўриш керак эди. Обидов матлубот жамияти бухгалтерияси ҳужжатлари билан танишар экан, кўнглида шубҳа кучайди. Лекин бу жиноятни фош этиш учун етарли эмас. Сўроқ қилиш учун терговчининг далили, рад этиб бўлмайдиган исботлари бўлиши зарур.

Обидов яна ҳужжатлар, фактуралар, актларга шўнғиди. Манзара равшанлаша бошлади. Яна кўпгина фамилиялар ёзилиб, рўйхат қилинди. Мана энди магазин мудири Аброров билан гаплашиш мавриди келди. Терговчи билан айбланувчи орасида шундай савол-жавоблар бўлиб ўтди:

— Аброров, магазинга нега ўт қўйганингизни айтиб беринг.

— Ўт қўйган эмасман! Ёнғин чиққан! Бу ҳақда...

— Хўп, шундай ҳам бўлсин. Базадан сўнгги марта қачон мол олган эдингиз?

— Ўтган йилнинг охирларида.

— Неча сўмли, қандай моллар олгансиз?

— Эсимда йўқ.

— Эслатишим мумкин: 1968 йил 23 декабрь куни бир ярим минг сўмли мол, асосан ароқ ҳамда вино олгансиз.

— Ҳа-ҳа, эсимга тушди.

— Ўша спиртли ичимликларнинг ҳаммаси сотилганмиди?

— Бир қисми сотилган.

— Демак, ёнғин чиққанда уларнинг бир қисми магазинда бўлган, шундайми?

Маълум мулоҳазаларга кўра исм ва фамилиялар ўзгартириб берилди.

— Оқ йўл! — дейди йўловчиларга милиционер Таслим Қурбонов. Уттиз йилдан буён Тошкентда кўча ҳаракатини моҳирона бошқараётган милиция аълочиси Т. Қурбонов, бу йил намунали хизмати учун Октябрь революцияси ордени билан тақдирланди.

А. АБАЛЯН фотоси

— Ҳа.

— Унда, ёнғин ҳақида ёзилган сўнгги актда нимликлар нега кам кўрсатилган?

— Э, янглишибман, ҳаммасини сотган эдим!

— Пулини нима қилгансиз?

— Топширганман.

— 23 декабрдан 14 январгача кассага икки марта пул топширгансиз. Бир сафар —123 сўм, иккинчи сафар —200 сўм. Магазинда эса 80 сўм нақд пул топилган. Қолгани-чи...

Абороов индаёлмай қолди. Терговчи асосий мақсадга кўчди:

— Қай маҳалда ўт қўйдингиз?

— Соат... бешларда.

— Ўт ўчириш инспекторига пора берганмидингиз?

— Ҳа, беш юз сўм!

— Нега пора бердингиз?

— Жон ака, кечиринг, айбдорман. Гуноҳимни бўйнимга оламан.

Камоматни яшириш ниятида магазинга ўт қўйилгани равшан бўлди. Лекин ўша камомат неча сўм? Айбланувчининг шериклари борми, бўлса кимлар? Терговчининг бошини қотираётган, кун-тун ўйлатиб қўйган бу саволлар яна изланишга, жиноятнинг илдизини қидиришга мажбур этди.

Магазин қайта ревизия қилинди. Илгариги ревизия ҳужжатлари синчиклаб текширилди.

Терговчи бошқа магазинга мол ўтказилгани ҳақидаги фактуралар билан қизиқди. Инструкцияда бу мутлақо тақиқланган. Яна бир шубҳали томони шундаки, фактуралар ревизиядан ёки инвентаризация ўтказилишидан икки-уч кун олдин ёзилган. Камоматни яшириш учун ёзилган товарсиз фактура эмасмикан булар? Инвентаризация актларини, кассага топширилган пул миқдорини таққослаб, Обидов бу фактуралар товарсиз эканлигини исботлади.

Мана у 4-магазин мудири Назар Юнусов билан суҳбатлашмоқда:

— Гражданин Юнусов, ўтган йили 18 октябрда 3-магазиндан 477 сўм 69 тийинлик товарсиз фактура олганмисиз?

— Ҳа, олганман.

— Тафсилотини гапириб беринг.

— Неъмат Қодиров магазинни Раҳим Абороова топшираётганида 1013 сўм камомат чиққан. Шунда матлубот жамияти раиси Носир Мансуров ҳамда бош бухгалтер Вафо Боқоевнинг кўрсатмаси билан камоматни яшириш учун товарсиз фактура ёзилган.

Энди масала равшан эди. Раҳим Абороов магазинни қабул қилиб олаётгандаёқ камоматни келишувчилик товарсиз фактура ёзиш йўли билан яшириш мумкинлиги ҳақида сабоқ олган. Кейинчалик магазин мудирлари Ҳабиб Раҳматов, Носир Юнусов, район матлубот жамияти товаршуноси Муса Маърупов, инвентаризацияни ўтхгалтерлар Тўлаш Ҳамидов, Аҳмад Шерматов ўзаро келишиб, камоматни яшириш учун бу усулдан фойдаланганлар.

Абороовга меҳнат отпускаси беришда ҳам жиноятга йўл қўйилган. Буни терговчи сўроқ давомида аниқлади:

— Гражданин Мансуров, сиз матлубот жамияти раиси сифатида Абороовга отпуска бериш, магазинни вақтинча Хўжамбердиевага топшириш ҳақида буйруқ чиқаргансиз, шундаймі?

— Меҳнат отпускасига чиқиши қонуний.

— Албатта. Айтинг-чи, Абороов магазинни ўшанда кимга топширган эди.

— Ҳаммаси буйруқда кўрсатилган.

— Мана ўша буйруқ: магазин вақтинча Кимё Хўжамбердиевага топширилсин, дейилган.

— Тўғри.

— Ўша — Кимё Хўжамбердиевани яхши танийсизми?

Мансуровдан садо чиқмади. Бу билан у ўз айбини очиб қўйди.

Гап шундаки, буйруқда, ведомостларда номи ёзилган Хўжамбердиева деган аёл бўлмаган, магазинда Абороовнинг ўзи ишлаган.

Тергов давом этади.

— Гражданин Мансуров, сиз 3-кўчма магазинни топшириш ва қабул қилиш ҳақидаги актларни тасдиқлагансиз. Бухгалтер ҳам тасдиқлаган. Шу вақтда 3-магазиндаги камоматдан хабарингиз бормиди?

— Йўқ.

— Мана, сиз тасдиқлаган актлар. Шундан иккита рақамни ўқиб бераман. 27 июнда Абороов 438 пачка «Беломорканал» папироси топширган. 26 августда эса 1370 пачка қабул қилиб олган.

— Магазинга мол берилган бўлиши мумкин.

— Мана фактуралар: 27 июндан 26 августгача 3-магазинга мол келтирилмаган. Камомат ҳақида инвентаризация ўтказган бухгалтер Тўлаш Ҳамидов сизга хабар қилганми?

— Эслолмаяпман.

Терговчи милиционерни чақиради:

— Ҳамидов кирсин.

Носир Мансуров шундагина тилга кириб қолди.

— Керакмас. Ҳаммасини ўзим айтаман.

— Хўш, бўлмаса айтинг-чи, Абороовдан 2000 сўм пулни нима учун олгансиз?

...Матлубот жамиятига ўрнашиб олган текинхўрлар давлат, кооператив мулкини талон-тарож қилиб келганлар, сир очилмаслиги учун бир-бирларига суянганлар, жиноятларини хаспўшлаганлар. Шу тариқа кўпайиб борган камомат 11125 сўмга етгач, магазинга «ўт тушган». Жиноятчиларнинг ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетар, деган умидлари пучга чиқди. Айтадилар-ку, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деб.

Минглаб ҳамкасбларимнинг бири оддий терговчи Илҳом Обидов каби адлия ходимлари халқ мулкини, совет қонунларини садоқат билан қўриқлайдилар.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ

ЎТКИР КЎЗЛАР

Эллигинчи йилларнинг ўрталари эди. Редакциядан илк топшириқ олиб, бирор илғор комсомол-ёшлар бригадаси иши ҳақида мақолами, лавҳами ёзиш ниятида Қувасойга йўл олдим. Ҳамкасбларим «Ёшлар ҳақида ёзадиган бўлсанг, албатта, район комсомол раҳбарлари олдидан ўтишинг керак», деб маслаҳат беришгани учун тўппа-тўғри район комсомол комитетига кирдим. Қабулхонада ёзув машинкасида хат ёзиб ўтирган қиз:

— Биринчимиз колхоздалар,— деди.

Кечки пайт ўша колхозга етиб бордим. Октябрнинг адоғи бўлганидан каттаю кичик, ёшу қари — ҳамма далада. Бир вақт ичкаридан кўлида супурги, оқсоқлаганча бир киши чиқиб қолди. Қоровул экан. Мақсадимни айтдим.

— Бе, шу Аҳроржон бўладиган бўлса, идорада ўтирармиди, мулла? Илгари куни дадаси ҳам ахтариб келиб, тополмасдан бир тугун улбул ташлаб кетди, ўғлимга бериб қўярсиз, деб. Шу омонатни топширолмай, мен ҳам хуноб бўлиб юрибман. Лекин ўн минутча олдин юк ортилган машинада сушилка томонга ўтиб кетаётган эди. Уша ёққа боринг, балки топарсиз. Айтмоқчи, сизга қоровулнинг гапи бор экан, деб қўйинг...

Сушилка саҳнидаги кўрак ғарами олдида ғалати манзара устидан чиқиб қолдим. Беш-олти чоғли одам юк машинаси бортига қўйилган тахталардан кўрак чувиш агрегатини тушираётган эди. Агрегат ғилдиракларига елкаларини тираб, юкнинг эўридан керилган оёқлари титраб турган бу одамлар пишиллар, «Ҳой, секин», «Эҳтиёт бўл», деган овозлар эшитиларди. Комсомол секретари булар орасида нима қилади, деб ўйладим.

Кўрак чувиш машинаси ғилдираклари ерга текканидан анча вақт ўтган бўлса-да, мен район комсомоллари етакчисини, тасаввуримга кўра, зиёлинамо, кўркам кийинган, сочларини силлиқ тараган жиддий қиёфали йигитни топа олмадим: ҳаммаси пахталик кийган одамлар...

— Аҳроржон Акбаров бу ерга келгани йўқми?— деб сўрадим.

Ҳамон ҳансираб, юз-кўзларидаги терни артаётган одамлардан баъзилари ҳайрон бўлиб менга қарашди, баъзилари эса, кулимсираб туришарди. Бўйи ўртадан тикроқ бир йигит пахталигини қоқиб, мен томон бир-икки қадам босаркан, сўради:

— Нима эди? Хизмат?

Мақсадимни тушунтирдим.

— Э-ҳа,— хурсанд бўлиб кетди ҳалиги йигит,— жуда яхши-да. Сиз боп материал анча топилади. Шу бригадани ёза қолинг, плани ҳам бир юз ўн икки процентдан ошиб кетди.

Ўшанда редакция топшириғини дуруст адо этдим чоғи: лавҳа босилиб чиқди. Лекин, соқоли ўсиб кетган, эгнига хас-хашак илашган, нимдошгина пахталигу оёғига кирза этик кийиб олган, бир қарашда тракторчига ҳам, шофёрга ҳам ўхшаб кетадиган бу йигитнинг район комсомолларининг раҳбари эканлигига ишонқирамаганимдан ҳали-ҳали хижолат аралаш кулиб юраман.

...Мана, орадан ўн беш-ўн олти йил ўтиб кетибди. Хизмат тақозоси деганларидек, яна Аҳроржон ака билан рўбарў ўтирибмиз. Бу вақт ичида қанча сувлар оқиб кетди... Аҳроржон ака ҳам хийла ўзгарибди: чакка сочига оқ оралабди, лекин кўзлари ўша-ўша, ўйчан. Энди у Фарғона район партия комитетининг биринчи секретари.

Ўтган-кетгандан ҳангомалашиб ўтирдик. Кейин мен муддаога ўтдим. Райондаги пешқадам коммунистлар ҳақида бирор нарса ёзиш истагида эканлигимни айтиб, блокнотимни олдим.

— Тағин қаҳрамон излаб, денг?— кулди у ва бир нафас ўйлаб туриб, қўшиб қўйди:— Жуда соз! Лекин битта шарт — бу ерда қоғоз титкилаб ўтирмаймиз. Мен билан юрасиз, одамларни ўзингиз кўриб журналбоп қаҳрамонларни ўзингиз танлайсиз. Ажойиб одамларимиз бор. Келишдикми? Қани кетдик бўлмаса!

Қабулхонага чиққан ҳам эдикки, телефон жиринглаб қолди. «Сизни сўрашяпти, областдан», деди котиба Аҳроржон акага қараб.

У трубкани олди, суҳбат чўзилиб кетди. Аҳроржон ака телефонда гаплашаётган одам билан бирор нарса хусусида келиша олмаётгани билиниб турарди. У хуноб бўла бошлади. Кейин: «Бунақаси кетмайди, биродар. Ярим соатлар орасида етиб бораман», деб трубкани қўйди.

Сўнг менга қараб:

— Дори масаласи... Шаҳарга тушмасам бўлмайдиганга ўхшайди,— деди.

Мен унинг маслаҳатига кўра «Ленинизм» колхозига йўл олдим. У — шаҳарга.

Колхоздаги ишларимни эртасига эрталаб ниҳоясига етказдим. Йўлга отланиб турган эдим, колхоз раиси Усмонжон Юнусов: «Бугун бизда умумий йиғилиш. Биринчи секретаримиз қатнашади, мажлисимизга қатнашиб кетсангиз бўлармиди», деб қолди.

Ўтган йилги ишлар чўтга солинаётган пайтлар эди. Колхоз барча соҳаларда планларни ўринлатиб қўйгани, молия ишлари ҳам жойидалиги сабабли мажлисда аччиқ-тизиқ гаплар бўлмади. Докладчидан ташқари сўзга чиққан ўн уч кишининг ҳаммаси ютуқлар тўғрисида гапирди.

Бу гапларни шунинг учун айтяпманки, ўтган хўжалик йилида содир бўлган камчиликларни райком секретари сезиб юрган экан. Мана, мажлис минбаридан туриб у шу гапларни айтди:

— Пахта, пилла, чорвачилик бўйича планларни тузук бажардик. Қойил! Лекин мана бу рақамларга бир эътибор берайлик. Йил охирида баъзилар асосий даромаддан ташқари олти юз сўмгача қўшимча ҳақ олишибдию баъзиларга сариқ чақа ҳам тегмабди. Хўш, яна: бир центнер пахта етиштиришга 39 сўм ўрнига 46 сўмдан сарфланибди. Айтинглар-чи, қўшимча ҳақ олишда нега бундай баланд-пастлик юз берди? Нега бир центнер пахта учун 7 сўм ортиқ харж қилинди? Келинглар, бунга мен ўзим киччина мисол билан жавоб бера қолай. Ўтган йилнинг июнида кечки пайт шаҳар томон ғизиллаб кетаётган бир «универсал»ни кўриб қолдим. Кабинада тракторчидан ташқари яна икки киши тиқилишиб ўтирибди. Тўхтатиб, «Йўл бўлсин?», десам, «Тўйга», дейишди. «Тракторни овора қилиш шартмиди, автобус турганда?», десам, «Бу ҳам ўзимизнинг улов-да!», дейишади... Бу улов ўша куни ўн километр у ёққа, ўн километр бу ёққа патиллаб юриб, қанча ёнилғини шимириб юборганини, қанча қисмлари бекордан-бекорга ишдан чиқишини ўша азаматлар ҳисобга олишганмикан? Колхоз тракторини ўз шахсий уловим, деб қараб, уни ўзи хоҳлаган кўчага бурадиганлар яна бордир? Шуларнинг ҳаммасига кетадиган ёнилғию, эҳтиёт қисмлар сиз оладиган қўшимча ҳақка таъсир қилмай қолмас? Яна битта гап: нега энди биз маданий ўғитга жон-жаҳдимиз билан ёпишиб олдик? Тўғри, унинг ҳосил учун нафи бениҳоя катта. Лекин еримиз фақат шунга ўрганиб қоляпти-ку! Нақд, тап-тайёр маҳаллий ўғитнинг ота-боболаримиз уқтириб келган хосиятларини унутиб қўймаяпмизми? Минерал ўғитлар ҳамёнингиздаги жарақ-жарақ пулга, маҳаллий ўғит эса, текинга кепади. Шуни жиддийроқ ўйлаб кўряпмизми?

Сўнгра, товуқлардан тухум олишда районда тескари рекорд қўйганларингизни ҳам айтиб ўтай. Ҳакканинг тухумига ўхшаш тухумларнинг бир донаси сизларда ўттиз тийиндан тушибди. Пахтадан келган даромаднинг шўри эмасми бу? Навоий номидаги қўшни колхозда битта тухум нега олти тийинга тушади-ю, сизларникининг нархи осмонда?

— Витамин беришмаяпти,—деди журъатсизгина оқангда залнинг ўртасидан кимдир.

— Витамин беришмаяпти эмиш!—истеҳзоли кулди секретарь.— Дорига ўрганмаган товуқ қолувдими энди?— Кейин овоз келган томонга қараб чертиб-чертиб гапира кетди:— Табиатнинг ўзи еримизда оламжаҳон витаминни яратиб қўйибди. Қишин-ёзин биқирлаб иссиқ сув чиқиб турадиган булоғу анҳорларимиз юзини кўм-кўк барра ўт босиб ётибди, эътибор берганмисиз шунга? Жонни жиндек койитиб, шуларни товуқлар олдига ўриб келтириб ташлаб туринг, витаминнинг аълоси шу бўлади! Мени айтди дерсиз, ўшанда ҳар битта товуғингиз, ҳеч лофи йўқ, ўн бир ой бетўхтов тухум қилади. Ҳозир-чи, ҳозир бу ҳурпайган товуқларингизнинг қақолашга чоғи келмайди-ю, тухум туғармиди?

Зални енгил кулги селпиб ўтди.

Маълум бўлдики, райком секртетарининг жамики хўжаликларда бош суқмаган соҳасию кўздан кечирмаган даласи йўқ экан. Маслаҳатлари ҳам, кўрсатмалари ҳам аниқ, лўнда, деҳқончa!

Сафарим қариши олдидан район марказига тушиб, секретарнинг ўша кунги хоҳишига зид бўлса ҳам, бари бир, «қоғоз титкилашга» тўғри келди. Мана, бу рақамларга эътибор беринг: район ўтган йили давлатга 26 минг тоннадан кўпроқ пахта топшириб, планни 102,7 процент бажарибди. Юқори ҳосилли районлардаги рақамлар билан солиштирилса, бу ерда ҳосилнинг чўғи бундайроққа ўхшаб кўринади. Очиғини айтиб қўяқолайлик, Фарғона районида гектаридан аранг 21 центнердан ҳосил оладиган хўжаликлар ҳам бор. Лекин, Олой тоғлари этакларида жойлашган, қўшни районлар осмонида ялт этиб чақмоқ чақилса, бу ерда челаклаб ёмғир қуядиган, сел, дўл дастидан деҳқонлар ҳатто май ойи этакларида ҳам ерни бузиб пайта чигит экишга мажбур бўладиган бу район шароитида юқорида айтиб ўтилган рақамга эришиш ҳам осон эмас. Шунга қарамай, район бу йил пахтачиликда биринчилар қатори маррага етиб келди.

Район меҳнаткашларининг яна бир хайрли иши ҳақида тўхталиб ўтиш керак. Фарғонадек саноат шаҳри меҳнат аҳлини сабзавот, мевачева, полиз экинлари маҳсулотлари, суту қатиқ билан таъминлаб туриш ҳам шу район меҳнаткашлари чекига тушган. Шаҳар атрофига жойлашган сабзавоткор хўжаликлар ўтган йили шаҳарликларга пландан ташқари бир неча минг тоннадан ортиқ бодринг, помидор, қовун-тарвуз, узум, олмаю беҳи, сабзавот етказиб бериб, олқишга сазовор бўлдилар. Хуллас, рақамлар тили билан гапирганда, ўтган йили район бўйича бу соҳадаги план қарийб 135 процент бажарилди. Бу область бўйича тайёрланган сабзавотнинг 35 проценти демакдир.

* * *

Статистика бошқармасидан чиққач, шифохона олдида район медицина бирлашмасининг бош врачи Мавлонжон Абдусаматовга дуч келдим. Табиатан қувноқ бу йигит ғоят хурсанд эди. У касалхона дарвозаси олдида турган юкли автомобиль атрофида парвона бўлиб юрарди.

— Янги аппаратура олдик,— деди терисига сиғмай.— Эҳ-ҳе, бунинг учун озмунча жанг қилдикми?

КЎКЛАМ НИҲОЛИ.

«ТЎЙИБ ИЧИНГ, ҒЎЗАЛАР».

Қутлуғ **БАШАРОВ.** «Пахтакорлар» туркумидаги гравюралар.

ОЛТИН КУЗ.

ЯНГИ ҲОСИЛ ШУДГОРИ.

Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи Ўрта Осиёда социалистик инқилобнинг ўчоғи сифатида машҳурдир. Бутун совет халқи билан биргаликда коммунизмнинг муззам бинесини барпо этаётган завод коллективи ўзининг революцион анъаналарига ҳамиша содиқ. Суратда: заводнинг илғор ишчиларидан слесарь Ўринбой Ҳусанбоев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуқодир Шукуров, участка бригадири Виктор Полянов, қуювчи, УзССР Олий Советининг депутати Абдуллажон Султонмуродов ўртоқлар Тошкентнинг Вокзал майдонидаги Туркистон комиссарлари хотирасига ўрнатилган ҳайкал олдида.

Г. ГРАФКИН фотоси.

ВАТАН ЧАҚИРАДИ.

ЕВГА ОМОН ЙЎҚ.

Мидҳат ҚАҲҲОРОВ. «Жанг-жадал йиллари» туркумидаги гравюралардан.

«ОТАНГ ОМОН ҚАЙТАДИ».

ШОДИЁНА.

ирмоқлар

Кечки шафақ олис қишлоқлар устини қоплаб олган. Уйларнинг баланд-паст пештоқлари, дарахтларнинг чирмашган шохларию от-арава кетидан кўтарилган муаллақ чанггача — бутун борлиқ нур оғушида товланади. Атрофга тикилиб турган Анвар аканинг қалин лабларида сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлди, кўзлари олис, ёрқин уфққа бир лаҳза қадалиб қолди.

Анвар ака катта йўлда машинадан тушиб. совхозга қайтаётган эди. Шляпасини қўлига олиб, рўпарадаги тепалик томон илдам юриб кетди. Тепаликдан атрофга назар солди.

Ён қишлоқлардан итларнинг вовуллагани, гоҳо увиллагани эшитилади. Аллақаерда хўроз устма-уст қичқиради. Адирлар заррин шуълада товланади. Яқиндаги уйлардан ўрлаётган тутунлар осмонга сингиб кетмоқда.

Анвар Назаров тераклар орасида элас-элас оқариб турган ферма биносини кўрди-ю, бундан икки йил аввалги воқеани эслади. Ўша йили қиш қаттиқ келиб, совхознинг ҳамма чорва биноларини, қўраларни қалин қор босиб қолди. Район ижроия комитетининг раиси ҳар бир хўжалик, ҳар бир фермани ўз кўзи билан кўришга шошилди. Қор шундай қалинки, машина юролмас, кўп жойлардан отда ўтишга тўғри келар эди. Омонатроқ молхоналар қорда чўкиб қолган, қўралар қорга тўлган эди. Район марказига қайтиб, кенгашиб ўтиришга вақт йўқ. Ҳамроҳи, район ветеринария бош врачи Василий Карпович билан маслаҳатлашиб, район фондидан шошилинч равишда шиферга маблағ ажратдилар. «1-Оҳангарон» совхозига бульдозерлар етиб келиб, йўлдаги қалин қорни сура бошлашди. Қўшни «4-Оҳангарон» совхозида чорвадорларнинг катта йиғини бўлди. «Октябрь» совхозида эса ем-хашак мутлақо қолмаган эди. Трактор, машина, от-улов карвонлари тузилиб, «Полярная Звезда», «Ғаллақудуқ» хўжаликларидан ем-хашак ташиб келтирилди. Шу тариқа минг-минглаб чорва моллари сақлаб қолинди.

...Ана, икки қатор саф тортган дарахтлар ўртасида «ГАЗ-69» кўринди. Директор Умар Умрзоқовнинг машинаси! Директор машинадан тушаркан, жилмайиб кўришди:

— Ия, қайси шамол учирди?

— Оббо, шу бугун бир ўзим томоша қилмоқчи эдим-да,— деди Анвар Назаров кулиб. Сўнг муддаога ўтди:— Бугунги кунни фақат саёҳатга ажратганман. Айтгандай, янги Оҳангарон райони муборак бўлсин! Ҳақиқий чорвачилик райони бўлади. Энди ажралишгунча сессияда чорва масаласини кўриб қолсак ажаб эмас. Аммо ўзим бу ерларнинг қайси томири қанақа ураётганини кўрмасдан, сессиядаги гапларни эшитиб ўтирсам ярашмас, тўғрими?

— Албатта, кўрганни эшитган енголмас, деганлар.

Анвар ака бу ҳазилга жавоб бермади. У бир лаҳза ўйланиб турди-да:

— Шофёр заправкага кетувди, келгунча гаплашиб турайлик,— деди узоқларга қараб.— Хўш, депутатларимиз қалай? Ҳилва, Гулсун, Санобар... Ҳа, яхши сут соғувчиларимиз борда. Энди уларнинг тажрибасини иккала районга кўз-кўз қилсак ярашади. Айтгандай, Игорь Анатольевич келиб турибдими?

— Ўн саккиз йилдан бери шу ерлик бўлиб қолди-ку — деди директор мамнун жилмайиб.— Топильскийни энди Тошкентдаги Чорвачилик институтидан топиб бўпсиз. Институт директори Акмалхонов икковларини шу ерга прописка қилганмиз!

Раис сўз ўйинига эътибор бермагандек сўради:

— Янги қўй зотлари қалай?

— Гўшт билан жуннинг кони экан-ку,— Умрзоқов завқланиб кетди,— қишга жуда чидамли. Тирик вазни қирқ беш-эллик килодан ошади, икки қирқимда уч ярим-тўрт килодан жун оляпмиз. Зотдор совлиқларимизни бутун республика районлари талашиб оляпти...

— Бўлди-бўлди. Ҳув, анави қирни кўряпсизми?— деб сўради Анвар ака.— Ўша, 4-совхозда Мўмин ака Холтўраев деган чўпон бутун оиласи билан 800 бош қўйни боқади. Бу ҳазилакам гап эмас. Бултур 8 та қўй, 560 сўм пул мукофоти олди. Унга «Запорожец» ажратганимиздан хабарингиз бўлса керак. Сизда ҳам бундай кишилар йўқ эмасдир?..

Умрзоқов шу йилнинг бошларида совхоз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Кўчма қизил байроғини, республика Озиқ-овқат саноати министрлигининг биринчи даражали мукофотини олганини айтмоқчи бўлиб турган эди, Анвар ака бирдан гап бошлаб қолди:

— Эсласангиз, сиз директорликка тайинланмасингиздан олдин совхоз чорвачиликдан зарар кўрарди. Бултурнинг ўзида 500 минг сўм даромад олдинглар. Сабаби нимада?

Директор индамади. Анвар аканинг ўзи бунинг сабабини айтди:

— Сири шундаки, олий маълумотлисиз, шу ерликсиз, шу жойда илдиз отгансиз, қолаверса, райкомда инструкторлик, совхозда агрономлик қилиб тажриба тўплаганингиз асқатяпти. Чорвачиликка шундай кадрлар керак, кўп керак!..

Район ижроия комитети раиси оғзидан бундай баҳони эшитиш фахрли эди, албатта. Шу тобда шофёр сигнал берди. Улар совхознинг механизациялаштирилган янги фермаси биносини бориб кўргач, хайрлашдилар.

Анвар Назаров от заводига йўл олди. У елғиз юришни яхши кўради: хаёлларга эрк бериб хоҳлаган нарса ҳақида ўйлаши, кўпгина чигал масалаларнинг учини топиб олиши мумкин. Ёдида, икки йил аввалги қаҳратон қишда фермаларга ем-хашак ташишда шу от заводининг қорабайирлари иш берган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқи Маршали Семён Михайлович Будённийнинг ўзи икки марта шу от заводига келиб кетган. Армиямизга қанчалаб қорабайирлар шу ердан етказиб берилган эди. Лекин сўнгги йилларда республикамизда негадир йилқичиликка эътибор сусайиб кетди. Йилқи уюрлари яйловларимизнинг кўрки. Шифобахш қимизини айтмайсизми! Шу сабабли ҳозир мамлакатимизда махсус йилқичилик хўжаликлари ташкил этилди. Ота-боболаримиз-ку, қадим-қадимдан йилқичилик билан шуғулланишган... Анвар акага бултур Киевда мамлакат от спорти мусобақасида қатнашган қорабайирларни кўрсатишди. Осмонга сапчийман деб турган бу арғумоқлар кўзни қувонтиради!

Анвар Назаров бешта хўжаликда бўлиб, райониннг деярли ярмини айланиб чиқди. Тоғ ёнбағридаги бу гўзал жойларни узукка қўйилган кўз деса бўлади. Райижроком раиси райониннг чорвачилик «кардиограммаси»га янги белгилар туширди.

Район ижроия комитети ойнаванд биносининг иккинчи қаватидаги катта бир хонада неон чироқ ёниб турибди. Хиёбондаги бўйдор мирзатераклар шабадада оҳиста тебраниб, япроқлари сирли шовуллайди. Очиқ деразадан ёқимли шамол эсади. Анвар ака ўз хаёллари билан банд. Район чорвадорлари яқиндагина беш йилликни тўрт йилда бажарамиз, деб аҳд қилган эдилар. Ўрта Чирчиқ райони тарихида биринчи марта ўтган йили чорва маҳсулотлари етиштириш планлари барча турлари бўйича ошириб бажарилди. Бу йил энди 7 ноябрни кўзлаб туришибди. Район сўнгги икки йилда қаддини анча кўтариб олди. Умрзоқовдек мутахассислар, Мўмин Холтўраевдек чорвадорлар кўпайса, ҳали бундан ҳам баландроқ довонлар ошилади. Район билан бирга одамлар ҳам, Анвар аканинг ўзи ҳам ўсди. У В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини битириб, тарихдан дарс берган йиллар орқада қолиб кетди. У КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Тошкент Олий партия мактабининг уч йиллик курсини ҳам битириб келди. Кўксида Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлаб турибди. Аммо хотиржамлик унга бегона. Хўжаликлар сертармоқ, соҳаси кўп. Ҳаммасига улгуриш керак. Депутатлар иши-чи? Наказлар-чи?..

Шўх Чирчиқ дарёси райониннг ўртасидан оқиб ўтади. Қирғоқларида боғ-роғлар, экинзорлар яшнаб ётган бу дарё катта-кичик ирмоқлардан пайдо бўлган. Халқ хизматкори, камтар коммунист Анвар Назаров ғайрат-иштиёқи ҳам халқ ташаббуси дарёсига бир ирмоқ бўлиб қуйилади.

Ҳамид ИКРОМОВ

— Демак, ахири ғолиб чиқибсиз-да?

— Секретаримиз мадад бермаганда қаёқда дейсиз?

— Секретарки қўллаб-қувватлаб турса, шифокорларингизнинг жони роҳатда экан-да?

Бош врач сергак тортгандек, юзлари жиддийлашди.

— Биласизми,— деди у,— жуда ҳам унчалик эмас. Пешанамизга тез-тез чертиб ҳам турадилар. Ўтган ёзда бўлган бир воқеани сира унутмасам керак. Ўшанда Аҳроржон ака Қалача деган чеккароқ қишлоқда сувсаб бир хонадонга кириб қолибди. Қараса, сўрида бир одам иситмада куйиб-ёниб ётган экан. Уйдагилар фельдшер чақиришганми ёки уни топиша олмаганми, билмадим. Хуллас, секретаримиз ҳалиги беморни шартта машинасига ўтқазиб, район касалхонасига олиб келибди. «Бу одам учун жавоб берасиз!», деди менга қараб. Ўшандаги важоҳати ҳали-ҳали кўз олдимда. Хайрият, бемор тезгина оёққа туриб кетди. Лекин, бари бир, орадан уч-тўрт кун ўтгач, эътиборли бир йиғинда бир соатча тикка турғазиб қўйишди... Яхши бўлган экан. Кўзимиз тушмаган камчиликларни сезиб олдик. Мана, энди ундиролмаган нарсаларимизни ундириш ҳам ўнг бўлиб қолди.— Мавлонжон ака бош чайқаб кулиб қўйди.— Сизга тағин бир нарсани айтиб берайми? Ўтган йили йиғим-терим бошланиши арафасида Аҳроржон ака даб-дурустдан касалхонамизга кириб қолди. Ранги синиқ, шахти ҳам сустроқ. «Тилим оғрияпти, бир кўриб қўймайсизми», деди. Тили шишинқираб, яллиғланиб қолибди. Бундай пайтларда беморга врачнинг малҳамию қатъий назорати керак бўлади. Лекин бу гапларимни эшитгилари ҳам келмай ўринларидан туриб кетдилар. «Менга бир-икки кунда тузатадиган дорингиздан топиб беринг, ҳозир ётадиган вақт эмас», дейди. Ҳазиллашишяптими десам, йўқ, гаплари жиддий. Табобат олами бунақа дорини умуман билмаслигини қайта-қайта айтиб, кўйингки, ялиниб-ёлвориб касалхонамизда даволанишга кўндирдим. Орадан уч кун ўтгач, участка касалхоналарига боришга тўғри келиб қолди. Тушдан кейин қайтиб келсам, у палатасида йўқ, кетиб қолибди. Райкомга қараб югурдим. Қарасам, ағдарма этигу похол қалпоқ кийган одам машинага чиқяпти. Беморимиз! Менга кўзи тушиши билан кулиб туриб: «Энди, Мавлон ука, игналарингизнинг ўткирроқларидан танлаб турасиз. Ремонт қишга қолди», деди-ю, жўнаб қолди. Шунақа, секретаримиз игнамизга чап бериб, юрсалар ҳам, ишимизга доим кўмак бериб турадилар. Янги касалхона қуриш ниятимиз ҳам бор,— дейди бош врач мамнун.

Бу орада янги ускуналар ҳам ичкарига ташиб бўлинган эди.

Мен Мавлонжон ака билан хайрлашиб шаҳарга қайтар эканман, миямни бир ўй чулғаб олди: қамрови кенг, шароити анча мураккаб районда ҳамма ишларни йўлга бирдай қўйиш учун раҳбарда уқув, катта қалбгина эмас, одамларнинг дилидагини ҳам кўра биладиган ўткир, жуда ўткир кўз керак.

Охунжон ҲАКИМОВ

ЯСНАЯ ПОЛЯНАДАН АНДИЖОНГА ХАТ

Тадқиқот,
кашфиёт,
ахборот



Лев Николаевич Толстой. 1909 йил.

Письмо Л. Н. Толстого.

Ясная Поляна. 5 іюня 1909..

Убійцулла Кадуллаевичъ,

Вы спрашиваете меня, какъ поступить, признавая ученіе о непротивленіи, въ томъ случаѣ, когда имѣется, что человѣкъ намѣревается [illegible] зло многимъ людямъ, и не лучше ли употребить насиліе противъ этого одного человѣка, чтобы не дать погибнуть многимъ.?

Простите меня, но этотъ вопросъ, подобные которому дѣлаютъ многіе, высказываетъ не желаніе знать истину, а скорѣе, напротивъ, желаніе оправдать свое непониманіе того, что считаешь истиной. Ученіе любви, неизбѣжно включающее въ себя понятіе непротивленія, указываетъ тотъ идеалъ, къ которому свойственно стремиться человѣку. Принимать же идеалъ за правило поведенія есть большая ошибка или самообманъ. Идеалъ только тогда и идеалъ, когда онъ требуетъ полнаго совершенства, того, что никогда вполнѣ недостижимо въ этой жизни, но онъ необходимъ, какъ руководство для нея, и необходимъ только тогда, когда указываетъ именно это недостижимое въ жизни совершенство. То же и въ нашемъ [illegible]. Разсужденіе о томъ, что [illegible] любви, включающей непротивленіе, не могутъ никогда быть вполнѣ выполнены [illegible] человѣка, которому далъ бы билъ компасъ для того, чтобы онъ въ своемъ путешествіи могъ руководиться прямою направленною въ цѣли, и который сказалъ бы, что такъ какъ на прямомъ пути, указываемомъ компасомъ, встрѣчаются непреодолимыя препятствія - горы, рѣки и т. п., то ему и не нужно сообразоваться съ компасомъ, приближаясь насколько возможно къ совершенно прямому направленію, а можно идти и въ сторону и куда попало. Конецъ этотъ въ вопросѣ любви, включающей непротивленіе, есть нравственно-религіозное чувство, которое всегда показываетъ человѣку, что ему должно [illegible] (направлять [illegible] старшаго); послѣдствія же, то, что [illegible] изъ его поступковъ, никогда неизвѣстны человѣку. [illegible] для путешествующаго единственное руководство есть [illegible] тому совершенно прямому направленію, [illegible], такъ и для живущаго [illegible] жизнью человѣка единственное руководство [illegible] есть [illegible] нравственно-религіозное чувство и ученіе.

Л. Н. Толстой мактубининг «Туркестанский голос» газетасида босилган нусхаси.

Л. Н. ТОЛСТОЙ МАКТУБИ

Ясная Поляна. 1909 йил, 5 июнь.

Убайдулла Асадуллаевич,

Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак? Кўпчилик ҳалокатининг олдини олиш учун, ўша бир кишига нисбатан зўрлик қўллаш маъқул эмасми?

Афв этасиз, бу саволингиз, кўпларнинг шу хилдаги саволлари сингари, ҳақиқатни билиш истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисобланган нарсани адо этмасликни оқлаш истагидан келиб чиққан. Инсонга меҳр-муҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган идеални билдиради. Идеални таомилнинг оддий қоидаси деб билиш эса катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир. Бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатида зарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган ана шу камолотдан далолат бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббатни талаб этиш — ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир, шунинг учун уни адо этишга интилиш ҳам керак эмас, деган мулоҳаза менга компас тутган шундай бир одамни эслатади: йўлда манзилингга тикка бор, деб унинг қўлига компас тутқазганлар, у бўлса, компас кўрсатган тўғри йўлда ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар — тоғлар, дарёлар ва ҳоказолар бор, шу сабабдан ҳам мен мумкин қадар мутлақо тўғри йўналишга тушиб олиш учун компасга риоя қилиб ўтирмай, бошим оққанча четга қараб кетаверишим мумкин, деб туриб олади. Қаршилик кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат масаласида эса компас доимо одамга нима қилиш кераклигини (сайёҳга йўналишни) кўрсатадиган ахлоқий-диний туйғудир; одамнинг хатти-ҳаракатидан келиб чиқадиган оқибатлар эса ҳеч қачон унинг ўзига аён бўлмайди. Шунга кўра, сайёҳ учун компас кўрсатган мутлақ тўғри йўналишга мумкин қадар яқинроқ юриш бирдан-бир раҳнамо бўлганидек, ахлоқий идеалга мумкин қадар яқин бўлишга интилиш — инсон учун бирдан-бир раҳнамо бўлиши керак...[1]

Саволингизга берган бу жавобим Сизни қаноатлантира олса ғоят хурсанд бўлур эдим.

Лев ТОЛСТОЙ.

Буюк рус адиби Лев Николаевич Толстойга савол билан мурожаат қилган У. Хўжаев касби жиҳатидан адвокат, фаолиятининг дастлабки даврида анча илғор фикрли киши бўлган: «Садои Туркистон» газетасини ташкил этиб, унда ёзган мақолаларида Туркистоннинг Россияга қўшилишини ижобий баҳолаган. Аммо майда буржуа мафкураси ва миллий маҳдудлик энг кескин кураш йилларида уни аксилинқилобий ташкилотларда иштирок этишга олиб келади.

Бу ўринда, табиийки, бизни савол берувчи эмас, буюк адибнинг жавоб мактуби қизиқтиради.

Лев Николаевич Толстойнинг 1909 йил, 5 июнда ёзган мазкур мактуби матбуотда фақат бир марта, Андижонда чиқадиган «Туркестанский голос» газетасининг 1916 йил 136-сонида босилган.

Ўша вақтда бу газетада мактубга берилган изоҳ ва баҳони илмий жиҳатдан тўғри деб бўлмайди. Унда «толстойчилик» таълимоти «анархо-коммунистик» таълимот деб аталади, бу таълимот гўё халқаро бирдамлик ғоясини шакллантиришга таъсир этган эмиш. Изоҳда «қаршилик кўрсатмаслик» назариясининг реакцион томонлари хаспўшлаб ўтилади.

Аммо газета қонли империалистик урушнинг даҳшатлари «толстойчилик»ка ишончни сусайтиргани ҳақида тўғри мулоҳаза юритади. Толстойнинг мактубидан ҳам кўриниб турибдики, генинал адиб ўз номи билан боғлиқ бўлган бу таълимотнинг утопик ва заиф томонларидан четланишга ҳаракат қилиб, уни идеалга интилиш сифатидагина изоҳлайди. У синфий курашни эътироф этишдан узоқ бўлса ҳам, одамлар орасида соф меҳр-муҳаббатгина ҳукмрон бўлишига кўзи етмай, яъни «толстойчилик»ка ўзи қарши чиқиб, бунга амалда эришиш мумкин эмас, дейди, аммо ахлоқий камолотга интилишнинг идеал сифатида сақланишини истайди.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси нодир нашрлар бўлимининг ходими

[1] Мактубнинг сўнгида бир неча сатр ўчиб кетганлиги учун шу жойда бир жумлани тушириб қолдирдик.

СИРЛИ НУРЛАР КАШФИЁТЧИСИ

Бундан етмиш беш йил муқаддам жаҳон бўйлаб қизиқ бир гап тарқалди: «Кимдир одамнинг ички аъзоларини кўрсатадиган нурлар кашф этганмиш». «У ични сиринги ҳам, ҳатто чўнтагингдаги буюмни ҳам кўра оларкан».

Дарҳақиқат, ўша йили январь ойининг бошларида Вильгельм Конрад Рентгеннинг «Янги нурлар ҳақида» деган китобчаси немис тилида босилиб чиққан эди. У бир-икки ҳафта ичида рус, итальян, инглиз ва француз тилларига таржима қилинди. Шундай қилиб, 1896 йил — Рентген йили деб аталган эди.

Жаҳоншумул бу кашфиёт қандай содир бўлди?

1896 йил 8 ноябрь куни кечқурун Вильгельм Конрад қора қоғозга ўралган крукс лампасига катта босимли электр қувватини уланди. Стол устидаги платинали цианийрод барий кристаллари билан қопланган экран бирдан кўкимтир рангда ёришиб кетди. Ток бериб, лампа билан экран ўртасига қўлини қўйди. Воажаб, қўл суяклари экранда яққол кўриниб турарди!

Шу тариқа ўша куни фан тарихга рентген нурлари кашф этилган куни бўлиб кирди.

Бу сирли нурлар ҳақидаги хабар дунёга тарқалганда физиклар ҳайратда қолишди. Рентгендан олдин бу хил тажрибаларни физиклардан Ленард ва Эттингер ҳам ўтказган ва ҳатто платинали цианийроднинг ёруғланганини ҳам кўздан кечирган эдилар. Аммо шу жараёнда янги хил нурлар пайдо бўлишидан улар мутлақо бехабар эдилар.

Вильгельм Конрад Рентген 1845 йил 27 мартда Германиянинг Леннеп шаҳарчасида туғилган. Отаси Фридрих Конрад немис, онаси Шарлотта Констанца голландиялик эди. У ёшлик чоғларини онасининг қариндошларинникида ўтказди. Бир куни у кўнгилсизликка дуч келди. Юқори синфда ўқувчи бир гимназист ёқимсиз муаллимнинг карикатурасини чизган эди. Айбдор четда қолиб, муаллим нима учундир Вильгельмга танбеҳ берди. Нозик табиат Вильгельм ноҳақ туҳматни кўтара олмади, рассом дўстининг номини ҳам айтмади, лекин гимназияни ташлаб кетди.

Вильгельм отасининг савдо-сотиқ билан шуғулланиш тўғрисидаги таклифини рад этади. Онаси Шарлотта эса ўқишни давом эттиришга ундайди. Рентген Апельдорн машинасозлик мактабига, сўнг Цюрих политехника институтига ўқишга киради. Институтда аввалари анча ёмон ўқийди, кўп танбеҳлар эшитади. Юқори курслардагина астойдил ўқишга берилади. Ниҳоят, 1868 йилда Цюрих политехника институтини тамомлаб, машинасоз-инженер бўлиб чиқади.

Вильгельмнинг қобилиятига, қунтига эътибор билан қараган машҳур физик Август Кундт уни ассистент қилиб олади. Бу ерда орадан кўп вақт ўтмай Рентген докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Янги нурлар сирини кашф этади.

Рентгеннинг шуҳрати ва кашфиёти тез ёйилди. У физиклар орасида биринчи бўлиб 1901 йилда Нобель мукофотини олди. Ҳаёт эканида, яъни 1921 йилда Ленинградда Рентген институти қошида унинг ҳайкали ўрнатилди, бир кўчага Рентген номи берилди. Дунёда унинг исми билан аталган шаҳар, кўча ва институтлар жуда кўп.

Туркистон ўлкасида биринчи рентген кабинет 1921 йилда, яъни 51 йил муқаддам Тошкентдаги Полторацкий (ҳозирги ТошМИ) касалхонасида очилган эди. Ҳозир республикамизда рентген кабинети бўлмаган шаҳар ва қишлоқ жуда кам. Шу соҳа бўйича 1288 мутахассис ишламоқда, ўнлаб фан кандидатлари ва докторлари бор.

В. Рентген 1923 йил 10 февралда Мюнхенда 78 ёшида вафот этди. Унинг ҳоки Гисенга келтирилиб, оилавий мақбарага қўйилган.

В. Рентген кашф этган сирли нурлар медицинада янги соҳа — рентгенологияга асос бўлди.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати



Учрашув.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Адабиётимизнинг ёш авлоди

САМИМИЙ ТУЙҒУЛАР...

Ҳалима Худойбердиева ўзига хос овоз билан мушоира даврасига яқиндагина кирган эди. Унинг анчагина шеърлари газета ва журналларда босилиб чиқди, ўқувчиларга танилди. Ҳозир кундалик матбуот саҳифаларини варақлаб, унинг шеърларини излайдиган ихлосмандлар оз эмас.

Ҳалиманинг биринчи китоби — «Илк муҳаббат»ни кўпчилигимиз ўқиганмиз. Очиғини айтиш керакки, тўпламда заиф шеърлар ҳам учрайди. Улар шоиранинг мактаб даври машқлари, дастлабки ҳавас ва изланиш мевалари, тўғрироғи, ёш истеъдоднинг шеърхонларга ваъдалари эди. Шу ваъдалардан сўнг у бизга «шеър ёзиб беришга» уринди. Лекин шундан кейин ёзганларининг ҳам бир қисми ўзга шоирларнинг фикрларига ва оҳангларига тақлид сифатида бунёдга келди. «Тоғ сайри» деган шеърида эса Ҳалима тоғ манзараси билан чекланиб қолган. Бу шеърларда шоиранинг мустақил фикри, кечинмалари кўзга ташланмайди, авторнинг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлмайди.

Шу билан бирга, тўпламда бир неча яхши шеърлар диққатимизни тортиб, чўғдай кўзга ташланиб туради. «Шунча шўхликларинг етар энди, той...», «Ботир ўлди», «Тун», «Қушча дарди» каби шеърларида Ҳалима қаётнинг ва одамлар қалбининг мураккаб, зиддиятли манзараларини шоирона ифодалайди. Булар Ҳалима ижодида бурилиш содир бўлаётганлигидан, шоира воқелик моҳиятига тобора чуқурроқ кириб бораётганлигидан дарак беради.

Ҳалима кейинги йиллардаги ижодида, хусусан, журналхонларга тақдим этилаётган бу шеърларида атрофлича фикрлайдиган, турмушга нисбатан томошабин эмас, балки фаол, талабчан муносабатда бўлган шоира сифатида гавдаланади. Зотан, бу табиий бир ҳолдир. Чунки Ҳалиманинг таржимаи ҳоли бойиди, қарашларининг миқёси кенгайди. У энди фақат зангори осмон, шудгор, бепоён кенглик, қамишзорлар шивиридангина шеър топишга интиладиган қишлоқ қизи эмас, балки дорилфунун толибаси — марксча-ленинча таълимотдан баҳраманд бўлаётган, адабиётга, ҳаётга ва одамларга ўз тажрибаларига суяниб мустақил баҳо бера оладиган даражага эришган ижодкор. Маънавий дунёсидаги бу сезиларли ўзгаришлар шоира ижодининг ғоявий-бадиий савиясини янги даражага кўтармаслиги мумкин эмас эди. Бугун у умр ҳақида жиддий ўйларга толади ва:

Уйғоқмисан, эгардаги дўст?
Ёки ухлаб кетаётирсан?—

деб бизни — ҳаёт отида кетаётган замондошларини умр тўғрисида ўйлаб кўришга ундай. ди.

Шоира «Ҳаёт аравасн», «Йигит қадам ташларкан...», «Биз олмамиз» шеърларида инсоний муносабатлар мураккаблигини, инсон руҳи ва вужудининг гўзалликларини ҳаётбахш туйғулар билан ўзига хос ифодалайди. Бу шеърларда мазмун ва оҳанг ранг-баранг, мисралар самимий, дилбар, шоира ўқувчиларга чин дилдан суяниб, уларни ўзига сирдошдек, яқин кўриб сўзлайди, ҳатто энг нозик ҳислари ва кечинмаларини ҳам биздан яширмайди. Шеърларни ўқир эканмиз, шоира қандай орзулар билан яшаётганлигини, унинг қалбида қандай ўйлар ва кечинмалар ҳукмронлигини, қандай эътиқод ижодкорни қўлга қалам олишга ундаганини ҳис этамиз. Ҳалима образли ифодалайди, ўригинал бадиий воситалар излаб топади. Образлари рамзий-мажозий тарзда. Масалан, у инсон умрини учқур отга қиёс қилади. Бутун шеър давомида мана шу образ ривожлантирилади. «Ҳаёт аравасн» шеъридаги арава ҳам машаққатли умр рамзидир. Араванинг йўли — одамлар тақдирининг йўли. Араванинг йўлда синиши эса айниқса оилавий муносабатдаги мураккаблиқнинг рамзидир.

Бундан ташқари, Ҳалима поэтик образларида яна бир ўзига хослик бор. Шоира бир шеърида қалбини «ақлсиз тойча»га муқояса қилади. Нозик таъб одамларга бу қиёс бир оз дағал туюлиши мумкин. Лекин унда алоҳида бир табиийлик бор. Шоира юракнинг муттасил уйғоқлиги ва безовталиги билан шўхлиги танасига сиғмайдиган тойча орасида руҳий мувофиқлик топади. Унинг шеърларида умрнинг шитобли суръати — учқур отга ўхшатилиши, умр эгарида кетаётганларнинг чавандозга муқояса қилинниш ҳам Ҳалиманинг турмушни ўзига хос идрок этиши самараларидир.

Лекин, шунга қарамай, Ҳалима ҳали шеърларининг шаклий мукаммаллиги устида янада жиддийроқ ўйлаб кўриши керак. Унинг шеърларида мавҳум ифодалар, ортиқча сўзлар, вазн сакталиклари учраб туради. Айрим шеърларда тасвир объектига нисбатан шоиранинг конкрет маънавий-ахлоқий позициясини аниқлаб олиш қийин.

Ҳозирги пайтда Ҳалима Худойбердиева қизғин ижодий изланишларни бошидан кечирмоқда. Биз унинг ёниқ ва эҳтиросли бошланган ижодий йўлининг айрим белгилари ҳақидагина гапирдик. Бу йўлнинг истиқболи қандай бўлади — буни шоиранинг ўзи, унинг келажакдаги изланишлари ҳал этади.

Михли САФАРОВ

ИБЛИС АРВОҲИ

Халқаро мавзуларда

Ҳамма фашист каллакесарларининг илоҳи битта: Гитлер! Уни ГФРдаги таъзирини емаган урушқоқлар «энг охирги герман баҳодири» деб атамоқдалар; АҚШда унинг муридлари «Бизнинг асосчимиз—Гитлер» деган варақаларни тарқатмоқдалар; Англияда «Майн кампф»ни свастика тамғаси билан қайта-қайта нашр этмоқдалар... Жанубий Вьетнам жаллоди Ки: «Гитлер — менинг идеалим» дея жар солса, Япониядаги «Қора аждар жамиятн»нинг фюрери Бин Акао: «Худо мени японлар Гитлери бўлишим учун яратган, мен фашистман, Гитлер эса менинг қаҳрамоним», деб унга жўр бўлмоқда. Ғарбий Германиядаги шаллақи Штраус: «ХХ асрнинг иккинчи ярмидаги немислар олдида турган вазифа — Гитлер хатоларини тузатиб, коммунизмни Европадан қисиб чиқаришдан иборат», деб бўғилмоқда. Хуллас, кўп жойда Гитлер арвоҳи аламзадалар руҳини титкилаб, бақироқлар сафини кенгайтиришга ундамоқда.

Тараққийпарвар кучларнинг кейинги ойларда юз берган сиёсий ва иқтисодий чиқишлари монополистик капиталга ва бутун капиталистик системага қарши курашга айланиб кетмоқда. Бундан ҳукмрон синфлар даҳшатга тушаётир. Шунинг учун ҳам йирик буржуазия ўз атрофига ўта реакцион кучларни бирлаштириб, энг аввало коммунистларга, барча демократик кучларга қарши «салб юриш» ўтказишга уринмоқда. Бу нарсани бир қатор мамлакатлардаги фашист ташкилотлар ва гуруҳлар фаоллашаётганида кўриш мумкин.

Март ойининг бошида ўта ўнг кучлар Италиядаги конституцион ҳукуматни ағдариб ташлаб, «кучли ҳокимият», яъни «ҳарбий-фашист диктатураси» ўрнатмоқчи бўлдилар. Ғарбий Германия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатларда эса неофашистлар Компартияларнинг маҳаллий ташкилотлари жойлашган биноларни портлатиб ёки ёндириб юборишга уриндилар. Парижда бўлиб ўтган муниципиал сайловлар арафасида, «янги тартиб» ташкилотининг газандалари Версаль дарвозасида митинг ўтказиб, «Парижни коммунист ва социал-демократлардан озод қиламиз», деб вайсадилар. Бу ташкилотнинг Италия, Ғарбий Германия, Испания ва Португалия неофашистлари билан алоқаси борлигини француз газеталари хабар қилмоқда. Чунки, ҳудди шу вақтда, «Итальян социал ҳаракати»нинг Генуяда, Ғарбий Германия национал-демократларининг Ганноверда антидемократик чиқишлари бўлиб ўтган.

Шу кунларда Австриядаги фашист партиясининг 35 минг аъзоси бор; АҚШда 2600 ирқчилик ва фашист ташкилот иш олиб бормоқда; Англияда консерватив партиянинг ўта ўнг қаноти бошлиғи Пауэллнинг безорилари ўтган йили Хайгет қабристонидаги К. Маркс ҳайкалининг тагига бомба қўйиб портлатишга уринди; Грецияда «қора полковниклар»нинг оқ либосли жаллодлари даҳшатли ўлим лагерларидаги маҳбусларни электрод билан қийнамоқдалар; Гватемала, Никарагуа, Гаити, Парагвай каби мамлакатларда ҳарбий фашистлар режими ҳукмрон; Колумбияда «Қора қўл» ташкилоти, Бразилияда «Антикоммунистик ҳаракат» ташкилоти, Аргентинада «Такуари» бандасининг каллакесарлари изғиб юрибди.

Ҳамма жойда бу газандаларнинг охурига ем солаётган монополистик капитал ҳамда уларнинг жиноятларини «ҳуқуқий» оқлайдиган фашист мафкураси бор. Ана шу чиркин мафкура кишиларни икки оёқли ҳайвонга айлантириб, қулоғини кар, кўзини кўр, ўзини эса гаранг қилиб қўяди, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини йўқотиб, ашаддий фанатикка айлантиради. Натижада, ҳудди ана шундай мустақил фикр қила олмаслик ҳолатига етгач, одам билан ҳайвон, фашистлар галаси билан мол подаси ўртасидаги фарқ йўқолади!

Фашистлар ўлиб бораётган, чириб бораётган ижтимоий-иқтисодий формациянинг типик вакилларидир. Шундай жамият ўзининг тарихий талваса даврига кирар экан, у саҳнадан ўзича тушиб кетавермайди, балки ўз гитлери, муссолини, салазарларини вужудга келтиради. Ана шулар капитал дунёсининг охирги қуроли, тўғрироғи, қипқизил жаллоди вазифасини бажарадилар. Сонгми қишлоғини ёндириб юборган, Газо районида тинч аҳолини қириб ташлаётган «яшил қалпоқчалар» қайси жаллоддан қолишади!

Аммо ҳақиқат байроғи остида ижтимоий тараққиёт учун курашаётганларни тиз чўктириб бўлмайди. Чунки жаллод болтасидан кўра, адолат шамширининг тиғи ўткирроқдир.

Фозилжон ИСМОИЛОВ

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ДИЛ ДАРДИ

Умр

Умр оти учқурдир жуда,
У йўлдадир, йўлдадир ҳар чоқ.
Биз ҳам доим унинг устида
Тутолмаймиз жиловин бироқ.
Илтимосни қилмас у қабул,
Тўхтамасдан учар қуюндек.
Биз ҳам содиқ чавандоз каби —
От устида ўлтирамиз тек.
От учади, аммо йўқ иши —
Биз қай хилда кетиб борамиз.
Манзилга ё мевадек пишиб,
Ё гўр ҳолда етиб борамиз.
Билолмаймиз йироқ ё яқин —
Қанча қолди манзилга ҳали.
Аммо аён, бизга ҳам бир кун
Келар ҳисоб бермоқнинг гали.
Кетмоқдамиз, сен лоқайд, бесўз —
Йўлда давом этаётирсан.
Уйғоқмисан, эгардаги дўст!
Ёки ухлаб кетаётирсан!

Ҳаёт араваси

Тушиб қолдик бир аравага,
Учқур эди отларимиз ҳам,
Тўғри келди ҳайдамоқ менга,
Сен борардинг ясланиб, беғам.
Қамчи босиб, сенга қасдма-қасд,
Аравани учирганим дам
Қилмас эди йўл сурури маст,
Пир бўлардик завқим, ҳафсалам.
Араванинг қўша отини —
Қамчилаб мен жиқ терга ботдим.
Тот, деб, йўлнинг машаққатини,
Сен томонга жиловни отдим.
Зарда билан ўрнингдан туриб,
Қамчиладинг отларни сен ҳам.
Ултирардим мен сиплам қуриб,
Аравада недир эди кам.
Ҳайдарканман шиддаткор, лоқайд —
Отнинг бири ер тишлади. Биз
Мункиб кетдик.
Ағдарилди арава шу пайт
Икки ёнга учдик иккимиз.
Тураркамман, мен қайта у дам,
Тушмадим сен билан бир изга.
Боқмадим ҳам йўл ўртасида
Қулаб ётган аравамизга
Ва пиёда тезлаб кетдим мен,
Ўз аравам излаб кетдим мен.

Йигит қадам ташларкан...

Йигитларни куйламоқлик эриш туюлар чоғи,
Майин, нафис шеърга ўзи қовушмайди йигитлар.
Гулга кира бошлар экан уларнинг кўнгил боғи,
Қуёшда яйраб ўсар унда ёввойи ўтлар.
Дашт гулидай ўсар улар ҳар ёнга шох ташлашиб,
Бақувват ҳар шохларки, қайирилиб, бурилиб бўлмас.
Қийқиришиб боғларга киришсами бошлашиб,
Қаҳ-қаҳлар садосидан чўчимай юриб бўлмас.
Инсон қўлларими у, ё шернинг панжалари,
Қўллар бир хил майин-ку туғилганда, йўргакда.
Пайт келиб биз титратиб шу шернинг панжаларин,
Қувонамиз гўдакдай, қуш учирган гўдакдай.
Юраклар... у юракмас, дугонажон, асрангиз,
Учқун тушса, куйдирар, унда ёнган ўтлардан.
Гарчанд, бизни деб доим бахт, борлиғин атади,
Ҳайиқмай бўлмас ахир ул асов бургутлардан.
Ийманиб ўтмоқ тақдир, биз уларнинг дастидан
Маъсум тортиб, атиргулдай чирой очиб дам-бадам,
Токи олис юлдузларнинг чақноқ нури остида
Йигит ташларкан қадам...

Биз олмамиз

Биз олмамиз шохлардаги, тўкмасинлар, айтингиз,
Дарё бўлар кўз ёшимиз, чўкмасинлар, айтингиз.
Ғўрмиз ҳали, айтингизки, гўр мевани узмаслар,
Гўдакнинг ҳам тонгги ширин уйқусини бузмаслар.
Айтингизки яна, бизлар энди қўшиқ бошладик,
Эшитсинлар уни ахир, қулоқ бериб одамдек.
Қўшиғимиз тинаётган қалбларини этар ром,
Эсга тушар ойдин кеча, олма юзли, гулгун жом...
Чалғингизни чархлаб қўйинг, бизнинг қўшиқ чархлоғлиқ.
Бундан сўнгги ҳаётимиз ўша қўшиққа боғлиқ.
Куйламоққа қўйиб беринг, куйлай олмасак жўшиб —
Уриб олинг бизларни ҳам ўша қўшиққа қўшиб.

Биз олмамиз шохлардаги, тўкмасинлар, айтингиз.

Сени сўрашар...

Менга дуч келганда қадрдон дўстлар,
Мени қўйиб, сени сўрашар олдин.
Олдин сенга бўлар илтифот, сўзлар,
Мен эсам бу сўзлар юкидан толдим.
Миямга гўёки бирдан қон уриб,
Бўшашади оёқ-қўлларим шу он.
Елка қисиб қўйса ҳолимга бири,
Бири кўз ташлайди ачингансимон.
«Яхши, яхши», дея ўзимни тутиб,
Уйга шошиламан, ҳайрондир улар.
Уйда... ойлардирки... олмайсан кутиб,
Бизни икки томон бошлаган йўллар.
Биламан, кўп мушкул бу ҳол сенга ҳам —
Аммо на чора —
Ўз хоҳишимиз билан —
Тинглаймиз тақдирнинг бу нохуш куйин.
Қийин сендан мени сўрашгани дам,
Уғлимиз сўрашса бундан ҳам қийин.

* * *

Бахтли аёл, дермиш мени халойиқ
Зулфия

Оташ давраларда шўх-шан эмишман,
Энг бахтиёр қизга ўхшар эмишман.
Сезилмасмиш дудсиз ўт ичра куйиб,
Ёниқ ишқ мактубин ўтга отганим.
Муҳаббатнинг хазон либосин кийиб,
Боли қолиб, кўпроқ заҳрин тотганим
Сезилмасмиш.

Ногоҳ бахт уйини осон топганим,
Унда мени чорлар дарча бўлгани,
Мен эса бепарво,—
Дарчани ўз қўлим билан ёпганим,
Сўнг, дардда қалб парча-парча бўлгани
Сезилмасмиш.

Танҳо дамларимда ўзим билан банд,
Минг бор тирилганим, минг бор ўлганим,
Йиғлаб чиққанларим узун тун билан
Ва йиғидан бодомқовоқ бўлганим
Сезилмасмиш.

Тонгда ҳамма дардни кўнгилдан қувиб,
Сўлиш билмагандай хушбахт, хотиржам.
Шўр ёшларим билан юзимни ювиб,
Оппоқ тонгни кулиб қаршилашим ҳам
Сезилмасмиш.

Оташ давраларда шўх-шан эмишман,
Энг бахтиёр қизга ўхшар эмишман.



Кун қизғин ўтди.

В. ТАРАН фотоэтюди

Мавлон РАҲМОНИЙ

Умр дафтари

Бу хотираларнинг автори республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Мавлон Раҳмоний (1903—1969) маориф соҳасида қирқ беш йилдан зиёд фидокорона хизмат қилди.

Адабиёт муаллими бўлган М. Раҳмоний ўзи ҳам шеърлар машқ қиларди. Бу хотиралар унинг шахсий архивидан.

ОТ ВОҚЕАСИ

Саратоннинг иссиқ кунлари боғ кўчамиз қумли саҳродек, тушдан кейин оёқ босиш мумкин бўлмай қолар, товонни жазиллатиб, узиб олар эди. Катта Қозиравот мавзеи билан Камолон ва Бешёғоч дарвозаларининг ўртаси — дарахтсиз тепаликлар, кимсасиз боғ кўчаларнинг чанг-чўзони осмонга кўтарилиб ётарди. Арава ўтиб қолгудек бўлса, йўловчилар устига бир энлик чанг ўтириб қоларди.

Биз боғ ҳовлидан ҳар куни шаҳарга тушишга мажбур эдик, чунки мева-чевани бозорга етказишимиз керак. Ҳосилни орқалаб, бозорга етказиб борсак, марра бизники.

Улови бор богдорлар ҳам, пиёдалар ҳам тонг-саҳардан турнақатор тизилишиб, бозорга жўнар эдилар. Йўл азоби — гўр азоби, деганларидек, ҳамма уйига чарчаб қайтарди. У вақтда Бешёғочда бозор йўқ, беш-ўнта бақкол, қассоб ва уч-тўртта чойхона бўлар эди. Пиёнбозор (ҳозирги Навоий номидаги театрнинг ўрни), товуқ бозор (ҳозирги Дизельная остановкаси) ва Эски шаҳарда кичкина бозорча бўларди. Тошкентда энг катта бозор — Миробод бозори бўлиб, у ерда вагончилар савдо қилишар, улгуржи мева олишар эди.

Чор ҳукумати 1914 йилда жаҳон империалистик урушига қўшилиб, айниқса, биз каби мустамлака халқларни кўп азоб-уқубатга мубтало қилди. «Рабочий батальон»лар тузиб, фронт орқасидаги ишларда ишлатиш учун Туркистоннинг ўзидан 400 мингдан ортиқ одам олинди, уларни қон-қақшатиб, от-уловларигача сафарбар қилинди.

1916 йилнинг узум пишиғи эди. Отам отхона ичидан лахм ковлаб, ертўла ясашга киришди. Бу ишга ҳаммамиз қатнашиб, тез кунда ертўлани тайёр қилдик. Аммо отни ертўлага олиб кириш жуда машаққатли бўлди. Жонивор бизни кўп қийнади. Бир куни ойим:

— Шўрликни бу ерга қамадинглар, хўп, устини хаспўшлаб қўйган билан бўлармикан? Подшо одамлари келганда, бирдан пишқириб ё кишнаб юборса, нима бўлади? Қўйинг, отаси, топшира қолинг, очдан ўлмасмиз,— деди. Отам ҳам ўйлаб қолди:

— Отин, ақлли маслаҳат айтдингиз, балли, шундай қиламиз. Лекин агар оқсоқол мени сўраб келса, дарсга тушиб кетдилар, эрта ёки бириси куни отни тўғри миршабхонага олиб бориб берарканлар, денглар. Ширин сўз билан хотиржам қилиб жўнатинглар.— Отам шуларни тайинлади-да, ўзи шаҳарга тушиб кетди.

Ўша куни оқсоқоллар келиб, аввал секинаста, кейинига бўғилиб, шовқин солишди:

— Ҳамма оти бор богдорлар оқ подшо ҳазратларининг фармойишларини бажаришди, германни енгишга нимаики зарур бўлса, от эмас, жонимизни ҳам беришга тайёрмиз, отни ортадан қолдирмай топшириб, паттасини бизга кўрсатсинлар, хўпми?..

— Хўп,— деди оймм. Улар кетишди. Оймм отнинг олдига бориб: «Хайр, тўриқ, урушга бораркансан, биздан рози бўл, сани кўп ишлатиб, яхши боқолмадик», деб отнинг манглайини силаб, юзларидан юмалаб тушаётган кўз ёшларини енги билан артди.

Оймнинг от билан сўзлашганига опам, мен ва укаларим аввалига кулишдик, кейин эса, онамизга раҳмимиз келди.

— Ҳа, болаларим,— деди оймм,— от бизнинг кунимизга яраб турган эди, энди нима қиламиз, акангни ҳам олиб кетган, ундан битта хат келганча, бошқа хабар йўқ. Илоё Некалай уруш қилмай тўнғиз қўпсин, уруш бошлаганлар зотига қирғин келсин!— деб яна кўз ёши қила бошлади. Кечқурун отам келганда, Аббосхон деган укам оймнинг от билан сўзлашганларини кула-кула гапириб берди.

Эртасига тўриқни етаклаб от қабул қиладиган бир неча пунктларга бордик. У ерларда от олиш тўхтатилганлигини айтишди. «Ким текшириб ўтирибди, оқсоқолга бир нима қистириб қўяқолинг-да», деб маслаҳат беришди. Отам уларга «Хўп, кўрармиз» деб ҳориб-чарчаб қайтди. Тушдан кейин Олмазордаги миршабхонага бордик. У ерда бизга ўхшаб кейин қолган бир неча киши от докторининг келишини кутиб ўтирган экан. Боришимиз билан мирза рўйхатга тиркади, турар жойимизни ҳам ёзиб қўйди.

Шу орада уч-тўртта отлиқ миршабни эргаштириб, ёзнинг иссиғига қарамасдан, бошига оқ барра папоқни сал қийшайтириб қўндирган Бешёғочнинг даҳа бошиси Комил кириб келди. Миршаблар дарров отнинг жиловини тутиб, уни отдан туширдилар. Нафаси тиқилиб, терлаб кетган отларни нари олиб, совута бошладилар. Даҳа боши қамчин билан этигининг чангини қоқа-қоқа отамнинг ёнига келди-да, саломлашгач, сўради:

— Хўш, нима гап?

— Шу, тўриқни топшириш керак эди, олиб келган эдим.

Даҳа боши отга ер остидан қараб қўйди:

— Нима учун уч ой кечикиб топширасиз? Вақтида қилинмаган ишнинг кетидан пачаваси чиқади! Палисамистр буни қабул қилармикан?— У бир нимага шама қиларди. Дадам қўрқиб кетди.

— Даҳа боши, ўзингизга маълум, бир оз мева-чева сотдик, ўтин ташиб қишнинг ғамини едик. Давлатманд одам эмасмиз, домлалик — нина билан қудуқ қазингандай гап. Ишдан ҳориб-чарчаб боргандан сўнг, боғ ишларига ҳам қаролмай қолдим, ўғил рабочийга кетган, келинингиз ҳар куни оби дийда қилади.

— Хўп, домла, палисамистрга айтиб кўрамиз. Баджаҳл одам, қуруққа кўнармикан?..— деди.

— Даҳа боши, бу от топширишнинг палисамистрга нима алоқаси бор?

—Домла, сиз қизиқ одам экансиз, подшоҳи аъзамнинг буйруқларини ўз вақтида бажармаган одамларни алоҳида рўйхатга олиш, сабабларини аниқлаш ҳақида шаҳар ҳокимининг фармойиши бор! Ўйлаб кўринг, бу замонда жиноят билан катта жазога тортилиб кетаётганлар оз эмас, буни сиёсат дейдилар!— дея ичкарига кириб кетди даҳа боши.

Бир оздан кейин ичкаридан полицмейстр, тилмоч, мирза ва Комил даҳа боши чиқиб келдилар. Уларнинг оёғи остида бир неча мирғазаблар ҳам ўралишиб қолишди. От топширгани келганлар бирдан туриб, таъзим қилишди. Салом-аликдан сўнг, полицмейстр сўз бошлади.

— Хўш, фуқаро, нима учун подшоҳи аъзам буйруқларини бундай қийин-қистов, танбаллик билан кечикиб бажармоқдалар?

Одамлар ичидан кимдир: «Тақсир арз...», деб овоз чиқарган эди, бошлиқнинг зардаси қайнаб, яна ўдағайлаб берди. Миршаблар ҳам ўша товуш берган одамни огоҳлантириб қўйишди.

Полицмейстр столга ўтиргач, отамга ишора қилди:

— Қани, келинг-чи!

Отам столга яқинроқ борди.

— Хизматдамисиз?

— Ҳа, рус-тузем мактабида дарс бераман.

— Уни билардик, бошқа касбингиз йўқми?

— Боғдорлик, асосан, ерли болаларга рус тили ўргатиб тураман.

— Болалар кўпми?

— Йигирмага яқин.

— Кимларнинг болалари?

— Аралаш, деҳқон, косиб болалари ҳам бор...

— Ҳм-м!.. ўз вақтида от топширмай... ё подшоҳи аъзам қонун-қоидаларидан норозимисиз? Россиянинг қаҳрамон аскарлари фронтда подшоҳимиз учун жон олиб, жон бераётган бир пайтда сиз сартлар бу ерда айшишратдасиз!

— Тақсир...

— Эллик сўм штраф ёзилсин!

Отам штрафини тўлаб бўлиб, тўриқни топшириди-да, кўчага қараб юрди. Мен ҳам эргашдим.

— Мирза ака, ҳо, Мирза ака!— Комил даҳа бошининг дўриллаган нохуш овози эшитилди. Отам истар-истамас тўхтади. Даҳа боши этигини гурсиллатиб келиб, бир нима деган эди, отамнинг ранги қув ўчиб кетди.

— Йўқ, даъвоши!

— Гапга қолиб, умрингиз дашту биёбонларда ўтмасин, кўзингизни очинг,— деди даҳа боши.

Отамнинг нега ранги ўчганини кейин бил-

дим. Даҳа боши унинг қулоғига: «Тўрага у-бу беринг, кечикиб топширган отингизни ҳиммат билан қабул қилдилар», деб шивирлаган экан. Отамнинг эса пули йўқ эди. Ўзини тутолмай, қаттиқ гапириб қўйди.

Бунинг оқибати ёмон бўлди.



Расмни В. ДУМКИН чизган.

СИБИРЬ САРГАРДОНЛИГИ

От воқеасидан кейин отам менинг кўзимга жуда ҳам салобатли кўринадиган бўлиб қолди.

Куз келиб, рўзғорда иш кўпайиб кетганлигига қарамай, отам боғда кам бўлар, ойим билан пичирлашиб, «Деҳқон жамияти» тузиш, сайлов ва бошқа нарсалар ҳақида қандайдир мулоҳазаларни айтар эди. Онам оғзига пишиқ, ҳушёр хотин эди. Отам ҳамма ишда унга суянарди.

Куз ойлари шу зайлда ўтиб кетди. Шаҳардаги ҳовлимизга ҳали ўтин ҳам, мева-чева ҳам ташилмаган, бесаранжом бўлиб қолдик.

Октябрнинг бошлари эди, шекилли, бир куни отам тушга қолмасданоқ, чопонининг баридан ушлаганча, келиб қолди. Мени кўчада кўриб: «Нима қилиб турибсан, уйга кир. Ойинг қаёқда?», деб сўради. Катта-катта қадам ташлаб қўрғонга кирди-да, айвон лабидаги кўрпачага ўтириб, ойимни ҳам ўтиришга таклиф қилди.

— Бир чилим солиб келинг, қори ўғлим,— отам одати бўйича мени сиздираб гапирди. Мен чилимнинг сувини янгилаб, най нилини ювиб, Қарши тамакидан солиб келдим. Отам чекиб, йўталмай, қизариб тупуриб кўя қолди.

— Ўғлим, ойингизнинг баъзи тайёргарликларини кўришга ёрдамлашинг, ҳадеб саволга тутаверманг,— деб кескин гапирди отам. Кейин ташқари шийпонимизда гаплашиб ўтирган косиб ва боғдор қўшниларимиз олдига чиқиб кета туриб тайинлади:— Отин, чой чиқаринг.

Қулоғимга чалинган сўзлардан шу хулосага келдимки, бинокорлар ва деҳқонларнинг янгидан тузиладиган жамиятига ҳеч қўрқмасдан ёзилавериш керак экан. Отам, пиво заводида ишлайдиган қўшниларимиз Ислом ака, Хушназар ака, Тош ака, Зоҳид акалар боғдаги ишларни бартараф қилдилар. Эртасига арава топиб рўзғордаги қақир-қуқурларни шаҳар ҳовлимизга олиб тушиб саранжомладик. Шаҳарда атрофимиз ҳаммаси қариндошларимиз бўлгани учун ўгри-ўтрикдан тинч эдик. Ойим кўй гўшти, сариғ ёққа бўғирсоқ лиширб олди. Хонадонлардан бир оз оқшоқ топиб, ёнғоқ ва майиз қўшиб талқон қилди. Ун йўқ эди, нон ёполмади. Юкимиз ярим қопча бўлди, отам бир тўрва туз топиб келди. Ниҳоят, сафарга тайёр бўлдик.

Ойим йиғлар эди:

— Узоқ совуқ юртга бадарға қилинибмиз, болам. Вазирахонни отин бувингиз ёнида қолдириб кетармишмиз. Ҳеч кимга оғиз очманг, дўст-душман бор, ўғлим... Отангизнинг сержардаликлари омон бўлсин, ўша ер юткурга қириб-қиртишлаб бўлса ҳам ўшанда бир нима топиб берганларида бундай бўлмас эди. Илоҳим, ҳар балодан ўзи сақласин, нима бўлса бўлар.

Кечки овқатдан кейин отам бизни тайёр бўлиб, ҳеч ким билан хайр-хўш қилмай, фақат кечаси келадиган шалдироқ аравани кутиб туришни буюриб, ёр-дўстлари олдига чиқиб кетди. Унинг тайинлашига қарамай, ойим Анор холага қолган-кутган кўчларни йиғиштириб бериб, Вазира опамни шаҳарга олиб тушиб қўйишни тушунтирди, бир оз пул берди. Карим келинойи, Найча буви, Солия келинойи, Хайри келинойи каби қўшнилар билан йиғлашиб хайрлашди.

Кечаси соат бирлардан ошганда арава келди. Мужик аравага қопларимизни ортиб, бор кийим-бошларимизга ўраниб олиб, маҳалладўй билан ўпкамиз тўлиб-тўлиб хайрлашдик. Арава тупроқ кўчани чангитиб юриб кетди. Ниҳоят вокзал орқасидаги қизил вагонлар турадиган жойга етиб бордик.

Бу ерда бизни солдатлар кутиб туришарди. Уларнинг бошлиғи рўйхат дафтарига қараб, йўқлама қилди-да, «Олтинчи вагонга!», деб бақирди. Отам бизни ўша қизил вагонга жойлаштирди, солдатлар устимиздан оғир эшикни суриб, беркитиб қўйишди. Биз бир-биримизга қарадик. Қоронғи эди. Шу онда қамоқнинг, совуқнинг заҳрини биринчи марта сездик...

Отам ҳеч нима демай, бурчакда тик турарди. Ҳамма ёқ қора мой, ифлос, бадбўй. Вагоннинг бир бурчагини тозалаб, жой қилиб олиш керак эди. Отам солдатлардан сўраб иккита тахта, эски қоп, ичгани сув олиб келди. Тонг отгунча вагоннинг икки бўйра ўрнидек ерини тозалаб жой қилдик.

Бир неча бор текширувдан кейин, эртасига эрталаб йўлга тушдик.

Тўққиз кун деганда, Оренбургга етиб бордик. У ерда бизни яна бошқа вагонга кўчиришди. Ана энди ола-ғовур, одам кўп, тиқилинч, махорка ҳиди, сўкиш, бир-бирининг нарсасини тортиб олиш, ҳар хил бемазагарчилик... Шу ҳолда яна ўн кун юриб, Омск шаҳрига тушдик.

Бадарға қилинганлар эллик-олтмиш киши эди. Ҳаммани бир кичик оқ уй олдига олиб келиб, сафга тизишди. Бизларга ўхшаш оилаларнинг қўлларига ҳужжат бериб, арава келишини кутишни буюришди, бир солдат ёнимизда қаққайиб туриб олди. Ҳалиги саф тортган кишиларни йўқлама қилишарди. Бадарға қилинганлар ичида ола-ғовур, шовқин кўтарилди. Бу шовқин-суронни босиш учун икки соатдан кўпроқ вақт кетди.

Ола-ғовур галаён тусини олмоқда эди. Маҳбуслардан бири тўнка устига чиқиб: «Золимларга лаънат! Биз оч ҳолда қандай йўл босамиз? Бизга нон, сув, озиқат берилсин, жандармалар қачонгача нонимизни туя қилишади?» деб барала хитоб қилди. Жандарм ва соқчилар у ёқдан-бу ёққа югуришиб қолишди. Аравада сув, нон, бир оз озиқ-овқат олиб келишга мажбур бўлишди. Кўпчилик жўнаб кетди. Биз — тўрт оила арава кутиб эртасига ҳам шу ерда қолдик.

Отам елиб-югуриб, зўрға арзва топиб келди. Енгинамизда ўтирган қозонлик шогирд — у ҳарф терувчи экан — тилимизга тушуниб, биз билан яхши гаплашди. Кейин ҳужжатимизни аравакашга топшириб, жўнаб кетдик.

Аравакаш бизни 180 чақирим ердаги волость комендатурасига элтиб топшириши керак экан.

Бекатлардаги мастбозлик, бемаънигарчилик, порахўрликлар жонимизга тегди. Аравакашимиз айёрроқ йигит экан, бизни бекат назоратчиларига «давлатманд одамлар» деб ёлғон билан ишни тез-тез битириб жўнарди.

Беш кун деганда, белгиланган жойга етдик. Бизни у ернинг уряднигига топширишди.

Зах бир ҳужрага жойлашдик. Аммо ҳали айбнома қоғозимиз у ернинг полициясига етиб келмаган экан, бизга на паёк, на талон беришди. Ўн уч чақирим наридаги ўрмондан шох-шабба йиғиб келиб, шуни сотиб тирикчилик қилардик. Бизга бир қоп картошка билан бир оз қора ун беришди. Отам бу нарсаларни ундириш учун ҳар куни ўттиз-қирқ чақирим йўл юриб, жуда чарчаганидан касал бўлиб қолди. Биз қўрқиб кетдик.

— Етиб қолсангиз бизнинг аҳволимиз нима кечади?— деб йиғларди онам.

Отамнинг иситмаси бор эди. Урмон қоровулининг ўғли Павел деган киши келиб, дорилармон қилди.

Хайрият, унинг дорилари кор қилиб, ўн уч кун деганда отам бошини кўтарди.

Декабрнинг охирларида қиш забтига олди. Ёғ-гўшт йўқ. Отам бисотидаги тузга айрибошлаб, ўрмончилардан бир оз мой топиб келди. Анча «маъмур» бўлиб қолдик. Аммо севинчимиз узоққа бормади. Отам ўрмондаги оғир ишда қаттиқ чарчаб, ҳолдан тояёзди. Ҳар куни қалин қор тушар, эшик кўмилиб қолмаслиги учун онам билан уйимиз атрофини эртадан кечгача курар эдик. Бирор кун бу ишдан холи бўлмадик. Совуқ 30—35 даражага етиб, одамлар ишга чиқмади, отам ҳам шу баҳонада бир оз дам олди. Кўп одамларнинг оёқ-қўлини ушук урди. Ўпка касалига чалинган кишилар кунда ўлиб турарди. Уларни дафн қилиш маҳол: ер тош-метин бўлиб музлаган, шинелларига номларини ёзиб, маълум бир жойга қорга кўмиб қўйилар эди. Баҳор келиб ерлар юмшагач, улар қабристонга кўчирилар экан.

Аммо у ерда баҳоргача қолмадик. Февралнинг охирида, «Подшо тахтдан тушди», деган хабар уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ тарқалди. Тарқалди эмас, шамолдек учиб кезди, ҳамманинг кўзида нур чақнади. Қишлоқларда чопарлар қайта-қайта жар солишар, ҳар ерҳар ерда мажлис ва маслаҳатлар ўтказилар эди. Завод ишчилари, темир йўл хизматчилари, камбағал деққонлар большевикларни барала ёқлаб чиқардилар. Волость бошлиқлари шаҳар полициясига хабар қилиб турган бўлса-да, шаҳар ҳокими бу хабарларга энди унча аҳамият беришни лозим кўрмасди шекилли, илгаригидек жазо отрядлари юбормасди. Фақат волость бошлиқларига халқни тинчитиб туриш ҳақида кўрсатмалар берарди.

Лекин шундай улуғ воқеа—революция бўлишига қарамай, ҳали волость бошлиқлари, оқсоқоллар ҳеч кимга сўз бермасди. «Олинган озуқа баробарига иш кунлари тақсим қилинсин, агар ҳисоб-китоб қилинмаса, кетишга рухсат берилмайди», деган хабар тарқалди. Отам янги воқеаларни билишга ошиқар, ҳар куни қалин кийинib, бутхонага, одамлар тўпланадиган сайхонликка борар эди. У ердан турли-туман хабарлар, янгиликларни билиб келиб бизни ва қўшниларни хурсанд қиларди. Бу хабарлар Петропавловск, Семипалатинск сингари шаҳарлардан келарди. Ўша кунларда йўл биладиган баъзи кишилар юртларига қочиб кетишди. Кунлар судралиб ўтар, аммо бизнинг ҳаяжонимиз ичимизга сиғмас, уйимизга тезроқ етиб олиб, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар дийдорига тўйсак, кўрган-кечирган азобларимиз, саргузаштларимизни гапириб, суҳбатлар қурсак, деган ҳаёлда эдик.

ЁШЛИК КЕЗЛАРИМИЗ ЭДИ...

Мен оташин ўзбек шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақидаги тадқиқотларни ва айниқса хотираларни диққат билан ўқиб бораман. Чунки у энг гўзал фасл — йигитлик йилларимда танишган яхши дўстим эди. Лекин, менинг кузатишимча, Ҳамзанинг Октябрдан олдинги ҳаёти ҳақида хотиралар жуда кам. Афсуски, ўша вақтларда шоирни таниган кишиларнинг хотиралари ёзиб олинмаган. Ҳамзани ёшлигида яқиндан билган кишилар эса тобора камайиб бормоқдалар. Шунинг учун, ёш Ҳамза қиёфасининг кекса хотирамда унчамунча сақланган баъзи қадрдон белгилари ҳам «Гулистон» ўқувчилари учун қизиқарли бўлар деб ўйлайман.

Мен Тошкентга биринчи марта 1914 йилнинг бошида «Оқмулла»[1] сатирик журналининг йўлланмаси билан борган эдим. Йўл-йўлакай Оренбургда тўхтаганимда «Шўро» журналида ишлайдиган Фотиҳ Карим, Шариф Камол, Маржонний, Дардманд каби атоқли татар адиблари менга оқ йўл тиладилар. Фотиҳ оға ўзбек журналист дўстлари номига хат ҳам ёзиб берган эди. Тошкентда бу мактуб менга жуда қўл келди: биринчи кунданоқ кўпчилик билан танишиб, эл бўлиб кетдим.

«Садои Туркистон» газетаси редакциясида Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Ҳамза Ҳакимзода билан танишдим. Бу газета идорасига деярли ҳар куни бориб турардим. «Садои Туркистон» маҳаллий халқ ўқийдиган анча нуфузли газета эди. Редакциядагилар газетанинг услуби, йўналиши масалаларида айниқса Мирмуҳсиннинг фикр ва маслаҳатларига суянар эдилар. Уфадаги «Олия» мадрасасини битириб келган билимдон, сергайрат, халқпарвар, соф фикрли бу журналист газетачилар орасида зўр обрў қозонган эди.

Ўша пайтда кўнглимда чуқур таассурот қолдирган кишилардан яна бири Абдулла Авлоний бўлди. У ўзбекнинг таниқли зиёлиси, адиби, ғоят хокисор, закки таъб киши эди. Гаплашганида ҳамсуҳбатининг юзига тикка қарамас, баъзан янги шеърларини мулойим оҳангда ўқиб берар, тингларканингиз учун қайта-қайта ташаккур айтар эди. Шўх ва ҳазилкаш Ҳамза уни «Худонинг энг бегуноҳ бандаси» деб дўстига тегажаклик қиларди.

[1] Шоир Оқмулла номига қўйилган. Челябинскда чиқар эди.

Қозондан хат

Авлонийнинг ўта камтар хулқи, эҳтимол, шунинг учун ҳам хотирамда қолгандирки, Ҳамза мутлақо унинг акси эди. Бизда беш-олти ёш катта бўлса ҳам, орамизда энг шўхи Ҳамза эди. У бетиним ҳаракатда, ҳамма гапи ижодга боғлиқ, жуда кўп баҳслашар эди. Доим руҳи баланд, хушчақчақ, ўтиришларнинг гули, улфатни кулдиргани кулдирган, ҳозирги таъбир билан айтганда, гўё энергия манбаи эди! Зеҳни ҳам, сўзи ҳам шу қадар ўткир одамни умримда кам учратганман, десам муболаға бўлмас. Нутқи киноядан, халқ ибораларига, ажойиб ташбиҳларга ғоят бой эди. Қизиғи шундаки, у ёзиш учун сира жой танламас, ёдига келганини истаган жойида, аравада ҳам, идорада ҳам, кўчада ҳам ёза оларди.

Шунча шўх бўлса ҳам, Ҳамзанинг бировни ранжитганини эслолмайман. Ўзи ҳам бўлар-бўлмасга хафа бўлмас эди.

Мен унинг Фарғонадан келишини сабрсиз кутардим. Ўзбек куйларини биринчи марта ундан эшитганман. Ғоят хушовоз бўлиш билан бирга, қўлига тушган ҳар бир чолғу асбобини чала олар, куй уқишда беқиёс қобилияти бор эди. У менга мандолинада татарча куйлар чалиб берди, кейин билсам, татар санъатидан яхшигина хабардор экан.

Европанинг тараққийпарвар маданиятини ўзлаштиришда Ҳамза Мирмуҳсиндан қолишмас эди. Уларнинг бир баҳси ёдимда. Фақат европача кийиниб юрадиган, кенг билимли Мирмуҳсин бир куни Ҳамзанинг «ўта миллий» кийиниб юриши ҳақида нимадир деди, шекилли, шоир унинг бу мулоҳазасига батафсил жавоб қайтарди. Унинг фикрича, халқнинг қадимий анъаналарини унутишга ҳали вақт эрта; оддий халқ ичида яшар эканмиз, у бизни тушуниши учун бегонасирамаслиги, ҳайиқмаслиги керак. Англасинки, биз ҳам халқнинг оддий фарзандимиз, шунда фикримиз, сўзимиз халқ наздида эътибор қозонади.

Кўп йиллар ўтгач, Ҳамзанинг фожиали ҳалок бўлганини эшитарканман, ҳушим бошимдан учди. Уни диндорлар ўлдирди, дейишди. Наҳотки, бу ажойиб, доно одам ўша эҳтиёткорлигини бой берган бўлса, дедим ўзимча. Йўқ, кейин билсам, **ваҳшиёна** қотилликни амалга оширганлар ҳақиқатан ҳам фақат диндорларгина эмас экан...

Ҳамзанинг динга муносабати чиндан ҳам кескин эди. Кескин эдию буни ичида сақлар, ўрин-ноўрин диннн таҳқир этмас эди. Бир куни бизни эски шаҳарлик танишимиз уйига бошлаб кетди. Ўзи ёмон одам бўлмаса-да, тақводорроқ эди. Шайхонтаврга етганимизда номоз асрга азон айтилиб қолди, қори мачит олдидан ўтиб кетишга ўнғайсизланди. Биз ҳам у билан ноилож кириб номоз ўқиб чиқдик.

Қориникига борганда ошдан кейин жиндак мусаллас ичгач, мен чин кўнгилдан узр сўрадим. «Қори ака, айбга буюрмайсиз, сизни хижолат қилмай деб таҳоратим бўлмаса ҳам номозга кириб кетавердим». Бу гапга Ҳамза юмалаб-юмалаб кулди-да, қориға: «Сиз ҳам бетаҳорат эдингиз, тақсир, ростингизни айтинг!», деб туриб олди. Қори аввал бош силкиса-да, Ҳамза қистайверганидан сўнг иқрор қилишга мажбур бўлди.

Шундан кейин ўша қори ҳам мажлисларимизда қатнаша бошлади. Бундай улфатчиликларимизда Ҳамза яна бир ажойиб хислатини намойиш қилди. Бу унинг тақлидчилик маҳорати эди. Бировнинг феъли-атворини тақлид қилиб кўрсатишда Ҳамзага тенг келадиган одам йўқ. Мадраса мударрисининг эчкига дарс ўқитиши, кекса миршабнинг «Губур идот! Пўшт, қоч!», деб мусулмонларни йўлдан қувиши ва шунга ўхшаш кўпгина воқеаларни барча персонажлари билан ўзи ижро этиб кўрсатар эди. Бир куни қайси бир чойхонада Ҳамза кинначи кампирнинг исириқ солишини кўрсатаётган эди, бу воқеанинг устига кейинроқ келиб қолган ҳангомадан бехабар чол шовқин сола бошлади: «Бу худо урган беҳаё кампир эркакларнинг орасида нима қилиб юрибди!» Қарасак, иш жиддий тус оладиган, чол таёқ кўтариб келяпти. Аҳволни тушунтириб, чолни зўрға босдик. Кейин билсак, Ҳамзанинг буюк драматурглик, актёрлик, режиссёрлик истеъдоди ўша маҳалларда камол топиб келаётган экан.

Умуман, қардош ўзбек халқининг ҳозирги эришган катта маданий ютуқлари, чексиз талантлари, юксак театр санъати, музикаси, адабиёти ўша шўх йигитнинг қалбида куртак очган экан. Энди, мен етмиш саккизга кирган кунимда шуларни ўйлаб, бир томондан — ҳайратда қоламан, иккинчи томондан—фахрланаман: ҳозир саксондан ошган Ҳамзани навқирон йигитлигида билардим.

Маҳмуд БУДАЙЛИ

Отам кечаю кундуз ҳаракат қилиб, югура-югура озиб кетди. У ниҳоят 200 сўмга арава кира қилди. Аравакаш бизни Омскка етказиб қўядиган бўлди.

— Тайёрланиб туринглар,— деди отам.— Волостдан қоғозларни ҳам тўғрилатиб келдим. Фақат Омск комендатурасидан тасдиқланса бас, отин, ишимиз ўнгидан келиб қолди.

— Арава кирага бунча катта пулни қаердан олиб берамиз?

— Онаси, сиз қизиқсиз, бу ерда ҳали Николай пули юриб турибди. Аравакашни шу пулга рози қилдим. Янги марка пул ҳам чиққан эмиш. Аравакаш эски фикрли одам экан. Майли, етиб олсак бўлгани,— деди отам.

Ҳозир март, Тошкентда аллақачон баҳор бошланиб кетгандир, наврўзи олам, зора ўша улуғ кунларда юртимизга етиб борсак!

Уч кундан бери ёғмаган қор кечаси яна уриб берди. Ойим йиғлаб фотиҳа ўқиди:

— Илоё, шу зимистондан насибамизни узгин!

— Отин, шунақа мужарраб дуоларингиз бор экан, нима учун илгарироқ ҳунарингизни кўрсатмай, жимгина ўтиридингиз?— деб ҳазил қилди отам.

Эрталаб барвақт икки от қўшилган арава келди. Бор-йўқ юкимизни қор кечиб аравага олиб чиқдик, аравакаш ўзи яхшилаб жойлаштириб қўйди. Биз қалин кийинниб кўрпачаларга ўтириб олдик. Отлар чопиб кетди. Аммо, биринчи бекатга етмасданоқ аравакашнинг феъли бузилиб, оладиган пулини кўрсатишимизни сўради. Отам дарров пулни кўрсатиб, ўн сўмлик тиллани унинг қўлига тутқазди. Аравакашнинг дарров чеҳраси очилиб, сергап бўлиб қолди.

Эртаси кечга яқин Омскка етиб келдик. Вокзал ур-йиқит, тиқилинч. Қор учқунлаб турганидан ҳамма перронга ғуж бўлиб олган, изғирин қулоқ-бурунни ялаб кетай дейди. Отам ҳам бир четроққа юкларни қўйиб, бизни жойлаштирди-да, ўзи комендатурага жўнади.

У тез қайтиб келди, қўлида озуқа талони, ёнидаги чарм камзул кийган қуролли киши бизнинг юкларимизни кўтаришиб, вагон эшигида турган навбатчига ишора қилди-да, ичкарига олиб кирди. Кейин отам билан узоқ сўзлашиб, қўл сиқишиб тушиб кетди. Бу хил муомалани кузатиб турган таъминотчи дарров келиб озуқа дафтарчадан икки талон йиртиб олди-да, нон ва овқат келтириб қўйди, отам чой ҳам сўраб олди.

Овқатланиб бўлиб, ўтирган одамларга назар солсак, кўплари биз сингари қамоқ ёки бадарғадан қайтаётганлар экан. Девор тагидан жой олиб, шу куни биринчи марта иссиққина ухладик. Эртасига ўша чарм камзулли йигит яна келиб, бизни Оренбургга борадиган пассажир вагонга чиқариб қўйди. Оренбург ишчи назоратидан ёрдам беришни илтимос қилиб, отамга қоғоз ёзиб берди.

Биз Оренбургда ишчи назорати ёрдамида вагонга жойлашиб, яна ўн икки кун деганда Тошкентга етиб келдик...

Тошкентда офтоб нур сочмоқда, ҳамма дарахтлар гуллаган, ариқларда сувлар шилдираб оқарди. Ярим соатда боққа етдик. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ тўпланди. Ҳаммамиз севинчимиздан йиғлашиб олдик.

— Ажаб дунё экан. Олти ойда қанча узоқ жойларга бориб, бошимиздан қандай воқеаларни кечирдик. Пешанамизда бор экан, эсон-омон яна ўз юртимизга қайтдик. Мана рўшноликка ҳам чиқдик. Бошимизга қора кун солган порахўр, каззоб бойлар, тўралар қақшасин...— деди отам.

Подшо амалдорлари, Комил даҳа боши каби ювиндихўрлар инқилоб шуъласида ахгар бўлиб кетди, агар халқ ичида бикиниб қолганлари бўлса, уларни фош этиш биз каби ситамдийдаларнинг вазифаси.

Отам ён дафтарга ўзи учрашиши керак бўлган кишилар рўйхатини русча қилиб ёзмоқда эди. Бу рўйхатда мен қуйидагиларни кўрдим: Султонхўжа, Павлик, Шомурод...

Охири келгуси сонда

НОЁБ ҚЎЙ ЗОТИ

Ҳисор зотли қўйлар Иттифоқимизда асосан Ўзбекистон билан Тожикистонда тарқалган. Ҳозир жамоат хўжаликларида беш юз минг бошга яқин ҳисор қўйи боқилмоқда. Шунча қўйнинг қарийб ярми республикамизнинг Сурхондарё областидадир. Ҳисор қўйлари зотини узоқ вақт давомида табиий танлаш йўли билан халқ селекцияси вужудга келтирган. Бу зот қўйлар, дунёдаги қўйлар орасида энг вазндор бўлиб, сергўшт, серёғдир. Ҳисор қўчқорларининг тирик вазни 130 килограмм, совлиқларининки эса 99 килограммга етади.

Ҳисор қўйлари тоғ этакларида боқилади. Бу жойлар иқлимининг мўътадиллиги ҳисор қўйларини кўпайтириш учун қулайлик туғдиради. Лекин шунга қарамай, ҳисор сурувлари кейинги бир неча йилда анча камайиб кетди. 1965 йилда Сурхондарёнинг колхоз, совхоз ва бошқа давлат хўжаликларида ҳисор қўйлари сони 250 мингдан 175 мингга тушиб қолди. Айниқса, Сариосиё, Шўрчи ва Денов районларидаги хўжаликларда қўй жуда ҳам озайиб кетди. Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари қўйлар сонининг камайиб кетишига йўловларнинг қисқартирилаётганини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Бироқ тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ер балансида яйловлар ҳажми асло камаймаган. Ҳисор қўйлари боқиладиган майдонлар 400 минг гектардан ҳам ортиқ. Бунинг устига бошқа ем-хашак манбалари ҳам кўпайтирилмоқда. Демак, ҳисор қўйларининг камайиб кетишига хўжаликларда бу тармоққа кам эътибор берилаётгани сабаб бўлмоқда.

Қўйларни ем-хашак билан тўла таъминламаслик, белгиланган рацион билан боқмаслик, қишда вақтинча солинган биноларда сақлаш, уларнинг зотларини яхшилашга унча аҳамият бермаслик оқибатида, хўжаликларда ҳар юз бош ҳисори совлиқдан етмиш беш-саксонтадан қўзи олинаётир. Гўштга топширилаётган қўйларнинг тирик вазни эса қирқ килограммга ҳам етмайди. Ҳисор қўйлари кичик-кичик қўраларда қишлатилаётганлиги учун бу жойларда механизацияни кенг жорий этиш имконн бўлмаяпти. Натижада, меҳнат унумдорлиги пасайди. 1969—1970 йилларда область хўжаликларида ҳар юз бош ҳисор қўйни боқишга ўрта ҳисобда 229 иш куни сарфланган.

Сурхондарёнинг ҳамма хўжаликларида қўйчиликка эътибор берилмаяпти, деб бўлмайди. Сариосиё районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳар 100 гектар яйловга 125 қўй тўғри келгани ҳолда, ҳар юз совлиқдан 95 тагача қўзи олинмоқда. Шунингдек, Бойсун районидаги «Робот» совхозида наслчилик зотларни яхшилаш ишлари дуруст уюштирилган. Охунбобоев номли колхознинг бош чўпони Фаттоқ Назаров сурувдаги ҳар юз совлиқдан 133 тадан қўзи олди. «Коммунизм» колхозининг чўпон-чўлиқлари ҳам бу соҳада қувонарли ютуқларга эришмоқдалар.

Табиий-иқтисодий шароитлари бир хил бўлган кўпгина хўжаликларни чоғиштирганда, уларнинг қўйчилик бўйича иқтисодий кўрсаткичлари турлича экани аниқланди. Сариосиё районидаги Калинин номли колхозда 1970 йили юз совлиқдан 100 тадан қўзи олинди. Бир центнер қўй гўшти етиштиришга 20 иш куни сарфланди. 100 килограмм гўшт таннархи 102 сўму 60 тийинни ташкил этди. Шу райондаги «Правда» колхозида эса ҳар юз совлиқдан 82 тадан қўзи олинди, бир центнер қўй гўшти етиштиришга 34 иш куни сарфланиб, унинг таннархи 230 сўмга тушди. Булар қўйчилик хўжаликларида ҳали ишга солинмаган резервлар анчалигидан далолат беради.

Сурхондарёда қўй боқмайдиган деҳқон хонадони деярли йўқ. Кейинги йиллар ичида қўйларнинг сони шахсий хўжаликларда 70 фоиз кўпайган. Шундай бўлиши табий, албатта. Чунки қўй гўшти етиштириш мол гўштига қараганда қарийб бир ярим баравар, чўчқа гўштига нисбатан бир ярим-икки марта арзонга тушади.

КПСС XXIV съезди Директиваларида, ҳар бир хўжаликда озуқа базасини мустаҳкамлаш, моллар ва паррандаларнинг наслини яхшилаш ҳамда уларнинг туёғини кўпайтирган ҳолда, маҳсулдорлигини ошириш юзасидан самарали тадбирлар системасини амалга ошириш асосида чорвачиликни янада ривожлантириш таъминлансин, дейилади.

Сурхондарё чорвадорлари ҳам янги беш йиллик режаларининг амалга оширилишига қаратилган умумхалқ курашига қўшилиб, молларнинг туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш юзасидан юксак мажбуриятлар олдилар. Бунинг учун ҳисор қўйларининг туёғини кўпайтириш, табиий ем-хашак майдонларини тубдан кенгайтириш, қўйчиликка малакали мутахассисларни сафарбар этиш керак. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳисор қўйларини Сурхондарё яйловларидагина эмас, балки республикамизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Андижон каби областларида ҳам кўпайтириш тадбирларини кўрса яхши бўларди.

У. НУРИДДИНОВ

УЗУККА КЎЗ ЯРАШАДИ

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ Учинчи съезди қишлоқларда социалистик маданиятни янада ўстириш учун кўпгина имкониятларни очиб берди. Колхозчилар 150 квадрат метрдан 250 квадрат метргача томорқа олиш, маълум даражада қўй-қўзи, сигир сақлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу ҳол қишлоқда маданиятни юксалтиришга монелик қилмайди, албатта. «Сельская жизнь» газетаси «Колхозчи уйи қандай бўлиши керак?» деган мавзуда лойиҳа конкурси эълон қилди. Республика Қишлоқ қурилиш министрлиги янги лойиҳаларни муҳокамадан ўтказмоқда. Кўпгина жойларда ана шу лойиҳалар бўйича турар жойлар қурилмоқда. Лекин бу лойиҳаларнинг кўпи қишлоқ аҳлининг дидига мос тушмаётир.

Мирзачўл ва Қарши даштида қурилаётган талай турар жойлар маҳаллий шароитга жавоб бермайди. Сирдарё областидаги 6, 7, 10, 11, 26-совхозлар, Қашқадарёдаги «Дўстлик», «Толимаржон», Ойбек посёлкалари ҳамда «Аврора», 9, 11-ва бошқа совхозларда турар жойлар барпо этишда қишлоқ аҳлининг эҳтиёжи ҳисобга олинмаган. Шу сабабли «Аврора» совхозининг Нуқработ қишлоғидаги янги уйларнинг анчаси бўш ётибди. Деҳқонлар уйларга кўчиб кирмаётирлар.

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши сабабли кўпгина колхозлар совхозларга айлантирилмоқда. Турар жойлар совхозларда посёлка усулида, колхозларда эса қишлоқлар қабилида қурилмоқда. Бу хонадонларда ўтинхона, омборхона, молхона, алоҳида ошхона йўқ. Томорқанинг 40 квадрат метрдан ошмаслиги эса бунга монелик қилади, экин-тикин қилишга имкон бермайди.

Қарши районидаги Чорофил қишлоғи деҳқонлари пахта ва сабзавот етиштиришади. Ўн минг бошдан ортиқ қўй боқишади. Қишлоқда ўзига яраша боғроғ бор. Қарши чўлини ўзлаштириш туфайли қишлоқ «2-Чорофил» совхозига айлантирилмоқда. Шу кунларда совхоз марказини қуриш бошлаб юборилган. Бульдозерлар қишлоқ боғларини, уйларни бузишга шошилмоқда. Янги совхоз маркази қишлоққа туташ дала жойдан қурилганда ким зиён қиларди? Бунинг эвазига қишлоқдаги мевали дарахтлар, токлар, боғлар сақлаб қолинган бўлмасмиди? Чўлда битта ниҳолни ўстириш осон эмас-ку!

Хўш, совхоз посёлкасининг лойиҳаси қандай? 1968 йилда тузилган бу лойиҳа бўйича қишлоқ хонадонига 40 квадрат метрдан томорқа мўлжалланган. Бу ҳол деҳқонлар эҳтиёжини чеклаш билан бирга қишлоқларимиздаги ўзига хос маданият ва муҳитнинг йўқолишига олиб келмоқда. Ҳолбуки, колхозчиларнинг Учинчи съездида томорқа бериш нормаси бир неча баробар оширилган эди.

Колхоз ва совхозларда замонавий иморатлар қуриш яхши, албатта. Аммо у қишлоқ кўркига кўрк қўшадиган, деҳқонларнинг эҳтиёжи ва эстетик талабига жавоб берадиган, ўша жойнинг иқлим шароити ҳисобга олинган, халқимизнинг анъаналари ва яхши удумларига риоя қилинган ҳолда барпо этилса узукка кўз қўйгандек бўлар эди.

Қишлоқларимиз, шоир айтганидек, дунёдай қадим, тонг каби порлоқ, ғунчадай маъсум, ишқдай баркамол бўлишини истардик.

М. АБДУЛЛАЕВ

Ҳурматой путёвка кўтиб ўтирганида Содиқжон бошқа гап топиб келди.

— Бир маслаҳат чиқиб қолди,— деди у хотинига,— Муҳиддинлар боғига таклиф қилишяпти. Бир ўйлашиб кўрайлик, дедим.

— Қандай бўларкин?..

— Яхши жой дейишади. Садбархон ҳам дилкашгина жувон. Дилшод ҳам зерикмайди, Сурайё бор.

— Қайдам. Денгиз ҳавоси бошқача-да.

— Бир йил қолсак қолибмиз-да, майли. Бунисини ҳам бир кўрайлик.

Ҳурматой ўйга толди. Ҳар йили чамадон кўтариб қанчадан-қанча жойга бориб-келавериш осон эмас. Ҳаво, сув, офтоб, бунинг устига, мева-чева бўлгандан кейин яна нима керак? Қозон-товоқ-чи? Яна ошхонада ғимир-ғимирми? Ҳар куни, нима овқат қилсам экан, деб эрталабдан бош қотиришми?

— Нима, ёқмаяптими?

— Қозон-товоқдан сал нари бўларман, деган эдим.

— Ўзимиз қарашамиз. Садбархон билан навбатлашасизлар.

Кўчадан келган Гулшод сумкасини қўймасдан уларнинг гапига қулоқ солди. У гоҳ дадасига, гоҳ ойисига сабрсизлик билан боқарди. Ойисининг дадасига ён бераётганини кўриб чимирилди.

— Қишлоқда нима бор?— деди безовталик билан.— Топган гапингизни қаранг-а!

Содиқжон ялт этиб қизига қаради. Гулшод иссиқданми, жаҳлданми бўғриқиб кетган юзини дастрўмолчаси билан артар, уйга майин атир ҳиди таралган эди. Отасининг кўзидаги норозиликни пайқаб, жим бўлиб қолди.

— Ҳар йили денгизга бориш шартми, қизим?— деди Ҳурматой вазиятни юмшатмоқчи бўлиб.

— Тоза ҳаво ўрнига чанг ютамизми?

Содиқжон қизига қаттиқроқ бир гап айтиб юборишдан кўрқиб нари кетди. Ўзлари айбдор. Ҳа, ўзи ҳам. Яхшигина ойимтилла ўстиришибди. Гап битта, қишлоққа боришади!

Гулшод бир неча кунгача маъюс юрди. Чўмилганда киядиган чиройли кийимини ҳам юмалоқлаб тортмага тиқиб қўйди.

— Диққат бўлаверма, қизим,— деди онаси ёлворib,— тинчлик бўлса янаги йилга борармиз.

— Имтиҳонлардан ўтгунча ўлиб бўлдим! Чарчадим!

— Бошқалар ҳам имтиҳондан ўтгандир, чарчагандир, ахир...

— Мен бормайман. Бувим билан қоламан.

Гулшод айтганини қилиб, шаҳарда қолди.

Муҳиддинларнинг боғи ҳақиқатан хушҳаво, гўзал жойда экан. Мева-чева сероб. Сўқмоқдан озгина юрилса, анҳор бўйига чиқилади. Нариги қирғоқ бедазор. Соҳилдаги мажнунтоллар соясида ўтириш ҳам бир гаштли. Болаларнинг бўлса сувдан чиққилари келмайди. Анҳор чапга бурилган жойдан маҳалла бошланади. Ҳар ер-ҳар ерга ўрнатилган чархпалакдардан новларга бир маромда сув тўкилиши асабларга ором беради. Куннинг энг қизиган пайтида ҳам бу ерда шабада ғириллаб туради. Улар келгандан бери икки марта ёмғир шивалаб ўтди. Томчилар бўтана сув юзида пўрсилдоқ ясаб, анҳор қайнаётган қозонга ўхшаб кетар, ҳавода тупроқ ҳиди анқиб туради. Аёллар овқатдан кейин кичикроқ палос олиб, сув бўйига кетишади. Эркаклар бўлса балиқ овлашган овлашган. Содиқжон похол қалпоғини кийиб олиб, баъзан далама-дала кетар, аллақандай ўтларни, гулларни қўлтиқлаб келади.

— Ҳорманг, ботаник!— деб ҳазиллашарди Муҳиддин.— Нималарни кўтариб юрибсиз?

— Сурат, ҳар қалай сурат-да,— дейди Содиқжон жилмайиб.— Болаларга ўсимликнинг ўзини кўрсатганингизга не етсин!

Бу гапни эшитиб турган Ҳурматой ғалати бўлиб кетди. Чунки, у келгандан бери кўпинча ўнғайсиз аҳволда қолар, буни эрига айтмас, ай-

Расмни А. ТЕМИРОВ чизган.

Санда ЗУННУНОВА

Осмондан тушган қиз

Ҳикоя

толмас эди. Содиқжоннинг ҳозирги гапи бўлса, хотинининг аҳволини билиб туриб, шунга киноя қилаётгандек туюлар эди.

Гулшод уйда қолганидан аввалига Ҳурматойнинг дили ғаш бўлди. Отаси бепарводек кўринса ҳам, бари бир кўнглининг бир чети хижил, лекин ўжар қизининг раъйига қараб қилган хатосини озроқ бўлса ҳам тузатмоқчи. Ҳурматой буни ҳам сезиб турарди.

Кичик қизи Дилшод умрида биринчи марта ажойибхонага кириб қолгандек ҳайратда эди. Сув бўйидаги ёввойи ялпизлар устида учиб юрган турли-туман капалак, ниначиларга ҳам, даладан қайтаётган пода орасидаги бузоқларнинг шаталоқ отиб сакрашига ҳам, кечқурун чироқ атрофини ўраб олади ган парвоналарга ҳам ҳайрон бўлиб боқар, баъзан қийқириб кулар, баъзан қўрқиб ойисининг этагига ёпишар эди.

Анҳор бўйидаги хонадонларнинг кўпчилигида сигир бор, сут-қатиқ жуда мўл. Садбархон доим бир хонадондан янги соғилган сут олар, уни сопол товоққа солиб, айвондаги чамбаракларга осиб қўяр эди. Эрталаб қаймоғини сузиб олиб, сутидан қатиқ ивитарди. Бир кун Дилшод сўраб қолди:

— Узингиз қаймоқ қилишни биласизми, ойи?

— Ҳа, биламан,— деди Садбархон. Сурайё кулиб юборди:

— Сутнинг юзи қаймоқ бўлади-да, билдингми? Узоқ турса, юзи қаймоқ боғлайди.

Бу гапга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай анграйиб турган Дилшодга қараб Ҳурматой хижолат бўлиб кетди.

Кеч кира бошлаган эди. Садбархон овқатга уннади. Сут олиб келадиган қизчадан негадир дарак йўқ. Садбархон айвондан ўша томонга бўйлаб қараб қўярди.

— Мен бориб келаман,—деб қолди Ҳурматой. Унга Дилшод ҳам эргашди. Улар бедазордаги сўқмоқдан бориб, кейин анҳор ёқалаб кетишди. Ҳаво бир оз дим, дарахтлар барги қилт этмас эди. Қулоқ остида чивинларнинг ғинғиллагани эшитилиб қолади. Лекин, шафақ сўнгач дарахтларнинг барглари қимирлай бошлади. Кейин анҳор томондан шундай шабада эсдики, кишининг бутун вужуди яшнаб кетгандай... Шабада ўт-ўланлар аралаш ғалати бир ҳид, сув ҳидини олиб келади.

Сув бўйидаги ажриқлар орасидаги бақалар қадам шарпасидан ўзларини сувга отар, майда бақачалар эса қочишга ҳам улгурмай қолар эди. Дилшод чўчиб дам-бадам аясининг қўлидан ушлар, қадам босишга қўрқиб, кўзларини лўқ қилиб турган бақачага тикилар эди. Чўзинчоқ бошини кўрсатиб шувиллаганча илон ўтиб кетди. Ҳурматой уни қизига кўрсатишга улгуролмай ҳам қолди. Баъзан тупроқ юзида соққа думалагандай унинг изллари учраб қоларди.

Дилшод яланг оёқ ер босгани унамасди. Ҳурматой унинг туфлисини беркитиб қўйса ҳам бўлмади. «Иссиқ тупроқда оёқ яланг юргин, фойда қилади», деб қистаса, бир-икки қадам босарди-да, оёғининг учини кўтариб, товони билан тек туриб олар, арқонга янги чиққан дорбоздек қалтирар эди. У ҳозир ҳам йўл четидаги гард қўнган майсаларни эҳтиёт билан босиб борарди.

Катта эшикнинг бир қаноти очиқ эди. Ичкарида экинларни суғориб юрган ёшгина йигит, буларга кўзи тушиши билан кетмонини ерга қўйди.

— Келинглар, киравернглар.

Олдиларига кунда сут олиб борадиган қизча югуриб келди. Четига ёғ суртилган пақир кўтариб оғил томонга кетаётган жувон йўлидан қайтиб, Ҳурматой билан кўришди.

— Сигир кечроқ қайтди. Овора бўлибсиз-да.

— Ҳечқиси йўқ.

— Қандилхон, кўрпача олиб чиқ.

Қизча чопқиллаганча уйга кириб кетди.

— Овора бўлманг.

Жувон сўрига кўрпача солиб, уларни ўтиришга таклиф қилди-да, ўзи сигир соққани кетди. Бу пайтда Дилшод билан Қандилхон экинларга сув тараташган йигитнинг ёнида турар эдилар. Пайкалчаларга помидор, ловия, лавлаги, энг четдаги бир қатор жўякка эса маккажўхори экилган экан. У ҳали попук чиқармаган, поялари ям-яшил. Дилшоднинг кўзи унинг бегубор қиёқларига тушди. Қўли билан аста силаб:

— Бу, нима, гулми?— деб сўради.

— Ҳа, япон гули,— деди йигит жилмайиб.

— Қачон гуллайди?

— Вой, анави қизни!— қиқирлаб кулди Қандилхон.— Нима бало, осмондан тушганмисиз? Бу, маккажўхори-ку!

Дилшод бир маккажўхори поясига, бир қизчага қараб, ҳайрон бўларди. Бу гапларни эшитиб турган Ҳурматой нима дейишини билмас эди.

Оғилдан жувоннинг овози эшитилди:

— Қандил, бузоқни боғлаб қўй!

Қизча онаси томонга югурди. Дилшод ҳам унга эргашди. Сигир дам-бадам думини силкитиб пашшасини қўрир, гоҳ-гоҳ сут соғаётган аёл томонга бошини буриб, бўлдими, дегандек қараб қўяр эди. Аёлнинг бармоқлари остидан повуллаб тушаётган сут пақирда кўпириб, кўпикланиб кетарди. Дилшод анграйганча қараб қолди. Кичкина бузоқчани силаб-сийпаб қозиққа боғлаб қўйган Қандил бўлса унинг кўзига қаҳрамонлардек кўринib кетган эди. Жувон сутни кўтариб қайтганида Дилшод пақирдаги сутга қарай-қарай сакраб, ажайиб келарди.

— Ая-чи, вуй, кўрмадингиз. Сигирнинг ичидан сут тушди.

Жувоннинг: «Ўтиринглар», деб қисташига қарамай, улар сутни олиб кўчага чиқишди. Ҳурматой ёнидаги қизига қараб-қараб қўярди. Саноатларда булутлар орасида учган, поёнсиз денгизнинг кўпириб қирғоққа урилишига кулиб, чапак чалиб қараб турадиган қизчаси бугун олдий нарсалардан ҳайратда, маҳлиё эди. Улар ҳар йили ёзда денгизга кетар эдилар. Сочи, Гагра, Ессентуки, Кисловодск, Рига, яна аллақанча жойларни кўришди. Улар тиниқиб, яхши дам олиб келишар, кейин иккинчи қаватдаги квартираларида осойишталигина истиқомат қилишар эди. Уйларидаги тувакда ўсган гулларни айтмаса, экин деган нарсани кўришмайди. Баҳорда ток баргини ҳам бозордан олиб келишади. Мактаб рухсат бермайди, деб қизлари ўсма ҳам қўйишган эмас. Агар, Гулшоднинг студентдир билан пахта теримига борганн бўлмаса, у ҳам шаҳардан чиқмайди. Ҳайвонот боғи, болалар боғчаси, театрларда нима бўлса, шуни кўришган. Аммо табиат шунчалик бой, шунчалик ранг-баранги, у берган неъматлар бағридаги нарсалардан бир ҳовучи, холос. Ҳурматойнинг назарида болалари шунча йиллик умрларини оёқ остига қарамай йўл юриб ўтказишгандек эди.

Улар кириб келишганда чорпояда Содиқжон билан Муҳиддин алланарса ҳақида баҳслашиб ўтиришар, Садбархон бўлса шакаробга пиёз тўғрамоқда эди. Пиёздан кўзлари ёшланиб, кўз ойнагини артаётган эрига қаради:

— Уй юмушидан кўра, ўша қурилиш ҳам тузук бир ҳисобда.

Муҳиддин кулди:

— Мен аёлларни шунчалик яхши кўраманки,— деди қўлларини кўксига қўйиб,— уларни дағал кийимда ҳам, қийин ишда ҳам кўргим келмайди.

— Аёллар кўпроқ болалари билан бўлишлари керак,— деб гапни бўлди Содиқжон.—Шунга имкон яратиб бериш керак уларга. Ана шунда болалар тарбиясига ҳам кўпроқ аҳамият берилган бўларди.

Ҳурматойнинг юраги яна алланечук бўлиб кетди. Болага ахлоқ, одобдан ташқари ҳаётни, уни ўраб турган муҳитни таништириш ҳам тарбияга киради-ку! Ҳурматой ана шуни ўйламаган экан.

Муҳиддин билагини чаққан чивинни қўлидаги райҳон билан бир уриб, дарахтларга қаради.

— Бугун шабада ҳаяллаброқ қолди-ку?

Ош сузилиб келганда шабада юра бошлади. Бир нафасдан кейин эса салқин ел чироқ атрофида ғужғон ўйнаётган чивин-чиркай, парвоналарни битта қўймай олиб кетди.

Бепоён кўкда ҳисобсиз юлдузлар милтиллади. Болалар ҳар оқшом унга тикилиб Ер йўлдошини излашади. Баъзан осмони-фалакда самолётнинг қизил чироғи липиллаб қолади. Осмонда юлдузлар шу қадар ғуж-ғуж эдики, Сурайё билан шивирлашиб ётган Дилшод:

— Нега бу ернинг осмони серюлдуз-а?— деб сўради.

— Тоза ҳавода юлдузлар яхши кўринади,— деди дугонаси.

Кунлар шу хилда ўтар, шаҳарликларнинг отпускалари ҳам охирлашиб қолган эди. Муҳиддиннинг бир таниши қовун сайилига айтиб кетди. Жўнашларидан уч-тўрт кун аввал ўша ёққа боришди. Кун иссиқ бўлса ҳам ғир-ғир шабада эсиб турарди. Тол соясидаги чайлада ўтириб, шўрва ичишди. Кейин мезбоннинг таклифи билан палак оралашди. Жўяк ва пушталарда думбалоқ ошиб ётган хилма-хил қовунларнинг ҳидидан кўнгиллари яйраб кетди. Дилшод бўлса гоҳ унисини, гоҳ бунисини ушлаб силар, гоҳ ҳамакларга узоқ тикилиб қолар эди.

Сурайё билан Дилшод ҳам биттадан кичикроқ қовун узиб чиқишди.

Қовунларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан ширин чиқди.

— Уруғларни жуда саралаганман,— деди мақтовларга кўмилган мезбон.

Шаҳарга жўнашдан бир кун аввал Муҳиддин кечгача машинасининг у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди. Бу ерда ҳам тиниб-тинчимаган хотинлар ўриқ, шафтолидан анчагина пиширган мураббо, шарбатларни кечаси машинага жойлашди. Тонг отиши билан йўлга чиқишди. Ҳаво ғоят ёқимли, далалар сўлим эди. Ҳурматой бу жойларга биринчи марта келганига қарамай, қадрдон, таниш манзилдан кетаётгандек юраги увишарди. Ипга чизилган бир шода маънзини билагига осиб Дилшод хурсанд, икки юзи анордай қизариб турар эди.

Бу жойларнинг гўзал манзараларини яна бир кўриб қолиш учунми, ҳеч ким чурқ этмас, машина бўлса ғизиллаб, енгил учиб борарди.

БАРКАМОЛ ИЖОД ЯКУНИ

Абдулла Қаҳҳор асарларининг сўнгги жилди босмадан чиқди; ниҳоят, қирқ йиллик бетиним меҳнат, баркамол ижод самараси олти томда мужассам топди. Олти томликка Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи тартиб берган, илк жилдларни, адиб орзу қилганидек, «ўз йўзи билан кўриш»га муяссар бўлган эди. Афсуски, сўнгги жилдларни кўриш муаллифга насиб этмади.



Абдулла Қаҳҳор ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан ижоднор эди, ҳар қандай чизманашликни, машқларни китобхонга ҳавола этаверишни одобсизлик, ҳаттоки ижоддаги жиноят, деб билардн. У асарлар мажмуасига тартиб бераётганида ҳам шу принципига амал қилди. Мабодо, автор қаламн остидан чиққан асарларнинг ҳаммаси тўпланадиган бўлса, ўн жилддан ҳам ошиб кетиши турган гап. Юқорида биз олти томликка қирқ йиллик ижод самаралари киритилганнни айтган эдик. Дарҳақиқат, жилдларда илк ижод намунаси сифатида 1929 йили ёзилган иккита маҳолаю бир ҳикоя, сўнгги ижод намунаси тарзида 1968 йил эълон қилинган «Муҳаббат» қиссаси ўрин олган. Ҳолбуки, Абдулла Қаҳҳор ижоди анча эрта бошланган, у 1929 йилга қадар ҳам йирик бир томга сиғгудек асарлар ёзган ва бу асарлар ўз даврида маълум эътибор қозонган эди. Аммо адиб улардан бирортасини ҳам асарлари мажмуасига киритмади. Мен автордан бунинг сабабини сўраганимда: «Улар ўз хизматини қилиб, даврини ўтаб бўлган нарсалар, ҳозирги китобхон учун қизиғи йўқ», деган эди. Қисқаси, адиб ҳозирги китобхонга маънавий озиқ беҳа оладиган баркамол ижод намуналарнигина саралаб олиб, бирма-бир қайта назардан ўтказган, жиддий таҳрир этиб, сўнг жилдларга киритган эди.

1966 йилнинг эрта кўклами. Бир иш билан Абдулла ака ҳузурига бордим. Адиб олти томликни нашрга тайёрлаш билан банд экан.

— Ҳар бир жумлани қайта чиғиридан ўтказишга тўғри келяпти, — деб қолди у. — 1957 йили нашр этилган уч томлигимда эътиборсизлик қилибман. Қўпол хатолар ўтиб кетган экан. Мана бунн қаранг...— Ёзувчи «Бемор» ҳикоясидаги: «Ҳамма ёқ жим. Фақат пашша ғинғиллайди, бемор иҳраиди...», деган жумлаларни ўқиди-да, ўзига хос пичинг билан давом этди: — Иҳрар эмиш... Шунақа ҳам таҳрир бўладимн! Бундай ҳолатда бемор ҳеч қачон иҳрамайди ҳам, инграмайди ҳам. Аслида «инқиллайди» эди. Таҳрир қилган одам қош қўяман, деб кўз чиқарибди...

Абдулла ака яна бир талай мисоллар келтирди. Сўнг «Сароб»ни қўлга олди. Романнинг деярли ҳар бир саҳифасига қалам теккан, бутун-бутун парчаларга чизиқ тортилган эди. Адиб романни варақлай туриб, изоҳ бергандек бўлди:

— «Сароб»ни ёзаётганимда сўзга бир оз сахий эканман. Кўпгина жойлари қовоқ ари чақкан бадандек шишиб кетганини пайқамабман. Иккинчи нашрида ўша шишларнн қайтаришга урннган эдим. Барн бир асорати қолган экан. Яна даволашга тўғри келяпти. Ахир адабий асар ҳам санъат. «Эрмитаж»да бўлганмисиз?.. У ердаги Венера ҳайкалини эсланг. Бу гўзал аёл қиёфаси шу қадар мукаммалки, унда ҳеч қанақа ортиқча жой йўқ. Бадиий асар ҳам, ҳикоями, романми, бари бир, худди шундай баркамол, шиш ва нсмтиклардан холи бўлиши керак...

Олти жилдликка кирган асарларнинг аксарияти кенг жамоатчилнкка таниш, улар аллақачон китобхон кўнглининг тўридан жой олган, санъаткор яратган қаҳрамонлар уларнинг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Чинакам санъат асари бамисоли олмос, унинг қирралари беҳисоб. Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳам ана шундай. Уларни ҳар гал қайта ўқиганингда аввал нотаниш бўлган янги-янги қирраларни кашф этаверасан. Адиб асарлари мажмуасинн варақлаганда, энг авваl ёзувчи ижодининг бош йўли, асл мақсади менн ўзига мафтун этди.

Абдулла Қаҳҳор чинакам замонавий ёзувчи эди. У қўлига қалам олганидан то сўнгги нафасигача замонаси ҳақида фақат ўзи кўрган, ўзи билган, юракдан ҳис этган ҳодисалар ҳақида ёзди, ўзига яқиндан таниш бўлган одамлар ҳаётини тасвирлади. У эсинн танигандан тортиб, ҳаётни мушоҳада қилиб борди, халқимнз ҳаётининг жуда кўп муҳим томонларини, унинг турмушидаги, онгидаги жиддий ўзгаришларни ўз асарларида бамисоли кўзгудагидек акс эттирди. Инқилобдан бурун жаҳолат қурбонн бўлган, уйнга ўғри тушганда ўзинн йўқотиб тиззаси дир-дир қалтираган Қобил бобо, ит қопган хотинига нажот изламаган, гўлликдан турмуш гирдобида чирпирак бўлиб кетган Бабарлар авлоди янги ҳаёт тонгида Аҳмад полвон қиёфасида адашган йигитлар кўзини очиб юборади. Улуғ Ватан урушн йилларида Асрор бободек халқ донишманди даражасига кўтарилади, Аҳмаджон бўлиб жангларга киради; бир вақтлар ҳатто исмн ҳам номаълум бўлмиш, шунчаки, «Сотволдининг касал хотини», «Бабарнинг ит қопган хотини» саналган ўзбек аёли аввал Мастон бўлиб янги ҳаёт сари талпинади, кейин Собирахон, Латофатхон бўлиб меҳнатда, ақл-заковатда ўзини кўрсатади, сўнгра Мастура тимсолига кирнб, ўлим билан олишади, Саидага айланиб етук арбоб сифатида улкан снёсий вазифани адо этади, Муҳайё бўлиб ахлоқий баркамолликнни ўзида мужассамлаштиради....

Абдулла Қаҳҳорнинг инсонга меҳри зўр, айни пайтда унга нисбатан ниҳоятда талабчан. У инсонни ҳамиша баркамол, улуғ за-

Тақриз

ЎЗЛИГИ НАМОЁН АЁЛЛАРИМИЗ

Ҳужума Шукурованинг «Социализм ва Ўзбекистон хотин-қизлари» деган асари («Ўзбекистон» нашрнёти, 1971 йил) босмадан чиқди. Автор озод совет Шарқи хотин-қизларининг ҳуррият учун кураш йилларини, социализм қуриш йўлидаги жонбозликларини, уларнинг эркин меҳнати ва фаолиятларини ҳикоя қилади.

Бизда хотин-қизлар озодлиги хусусида кўплаб китоблар ёзилган. Лекин бу янги асарда ўзбек хотин-қизларининг озодлиги йўлида амалга оширилган барча тадбирлар ҳар томонлама ёритиб берилган. Китобда Шарқ хотин-қизларининг уқубатли ўтмиши, совет даврида эса халқ ҳокимнятини бошқарувчи раҳбар, ижтимоий тараққиётнинг барча соҳаларида эркаклар билан баравар ижодий меҳнат қилаётганлиги кўрсатилади.

Қунт билан изланган, кўпгина архив манбаларидан фойдаланган, улардан муҳим хулосалар чиқарган автор Шарқ хотин-қизларининг ҳаётини ва социализм қурилиши тарихида тутган ўрнини баҳолашда В. И. Ленин асарлари, КПСС съездларининг кўрсатмаларига асосланган.

Утмишнинг оғир шароитида яшаб ижод этган машҳур шоираларимиз Зебуннисо, Нодира, Маҳзуна, Увайсий ҳамда Ҳакима, Ҳамида биби, Мутриба, Саида, Нозима, Муаззам, Қамбарнисо, Самарбону каби сўз санъаткорларининг мунглн ҳаёти асарда далиллар билан кўрсатиб берилган. Шуниигдек, Туркистон хотин-қизлари озодлигн учун бутун ҳаётини бахш этган улуғ рус аёллари — А. Коллонтай ва Н. Крупскаянинг фаолияти ҳақида ҳам автор атрофлича тўхталган.

Илк марта ўзбек аёлларининг В. И. Ленин билан учрашув манзаралари китобнинг энг диққатга сазовор саҳифаларидандир. Шамсиқамар Ғойибжонованинг доҳий билан учрашуви қуйидагичә тасвирланган: «Ленинни кўришим билан ўзимни йўқотиб қўйдим, дсҳийни қучоқлаб ўпиб олдим. Бир нима деб гапирганимни фақат Владимир Ильич эшитди... У ўрта бўйли, кенг пешана, очиқ чеҳралн эди. Биз уни ўраб олдик. «Ленин ота, мен сизни кўрдим, бунинг учун ғоят бахтлиман. Совет Шарқи меҳнаткашларидан сизга салом. Мен бу учрашувдан беҳад хурсанд бўлиб, ўзимни йўқотиб қўйдим, дедим».

Асарда хотин-қизларни социализм ишига жалб этишда, уларни тўла озодликка чиқаришда «Ҳужум» ҳаракатининг улкан инқило-

монага муносиб ҳолда кўришни истар, шу истак оқибати ўлароқ ўз асарларида етук кишиларни меҳр-муҳаббат билан эъзозлар, гўзалликни барқарор этар, замонага номуносиб кимсаларни эса қаҳр-ғазаб билан фош қилар, ёмонликни лаънатлар эди. Унинг бутун ижодида яхши кишиларга чексиз меҳрдан туғилган жўшқин ва майин лирик йўналиш билан қабиҳ кимсаларга нафратдан уйғонган ғазабкор, шафқатсиз сатирик йўналиш ҳамиша ёндош ҳолда борган. Деман, Абдулла Қаҳҳор асарларини ўз замонасининг кўзгуси дейиш камлик қилади, адиб давр ҳодисаларини ҳеч қачон пассив кузатувчи сифатида акс эттирган эмас, балки уларга янги ҳаётнинг фаол нурашчиси тарзида ёндашган. Шу йўл билан эскиликнинг пайини қирқишга, янгиликнинг ривожига кўмак берган.

Ёзувчи санъатининг сеҳри шундаки, унинг асарларида кундалик ҳаёт ҳодисалари охирги нуқтага қадар кескинлаштириб, бўрттириб берилади, худди шу кескинлаштириш, кучайтириш оқибати ўлароқ у тасвир этган ҳодисалар кундалик ҳаёт ижир-чижирларидан анча юксакликка кўтариладн. Аммо бу хил кескинлаштиришш ва кучайтириш — ҳодисаларнинг ҳаётийлигига, персонажларнинг табиийлигига ҳеч қачон ҳалал бермайди.

Маълумки, ёзувчи санъати, маҳорати қанчалик юксак бўлса, унинг услуби шунчалик равшан намоён бўлади. Ёзувчи услуби унинг санъаткорлик ва маҳорат даражасини белгиловчи бир мезондир.

Адабиётчиларимиз орасида «қаҳҳорона тасвир» деган таъбир бор. Бу тасвир турн Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғуломдек ўзбек насрининг улкан усталари услубидан қатъий ажралиб турадн. «Қаҳҳорона тасвир»нинг ўзига хос томонлари ҳақида ҳам кўп гапирилган; сўзга хассослик, ихчамлик, лўндалик, деталлаштиришга, ҳодисаларни холис туриб кўрсатишга мойиллик Абдулла Қаҳҳор услубининг фазилатлари эканн таъкрор-таъкрор қайд этилган. Ҳар бир ўқувчи адиб қалами остидан чиққан тасвирни ўқиб муайян фикр, ҳолат ва ҳодисани бундан бошқача ифода қилиш мумкин эмаслигини сезиб туради.

Абдулла Қаҳҳорнинг услубига хос яна бир муҳим хусусият — юморга мойиллиндир. Улкан адибнинг кулги билан суғорилмаган асарини топиш қийин. Шуни назарда тутиб бўлса керак, айрим адабиётчилар Абдулла Қаҳҳор ижодидаги бош йўналишни сатирагина ташкил этади, деган хулосага келганлар. Аслида адиб ижодидаги лирик йўналиш салмоғи сатирик йўналиш салмоғидан кам эмас. Шуни унутмаслик зарурки, Абдулла Қаҳҳор кулгиси ниҳоятда ранг-баранг, у фақат под этишгагина эмас, балки ижобий ҳодисаларни улуғлашга ҳам қодир. «Асрор бобо», «Хотинлар», «Кўк конверт» ҳикояларидаги, «Синчалак», «Муҳаббат» қиссаларидаги самимий юмор ижобий қаҳрамонлар чеҳрасини яна ҳам очиб юборади, худди шу юмор туфайли Асрор бобо, Собирахон, Латофатхон, Санда ва Муҳанё меҳримизни тортиб туради. Энди ўтмиш ҳаётидан олиб ёзилган «Бемор», «Анор», «Ўтмишдан эртаклар» каби асарларни эслаб кўринг. Ёки ўта фожеий ҳодиса қаламга олинган «Даҳшат»ни хотирланг. Бир қарашда бу асарларда юмор учун ҳеч қандай ўрин йўқдек туюлади. Аммо мисласиз кулги устаси Абдулла Қаҳҳор шу асарларида ҳам меъёри билан кулги ишлатади. Персонажлар хатти-ҳаракати, ҳолати, гап-сўзлари билан боғлиқ юмор ниҳоятда мунгли, танг вазиятни озгина бўлсин юмшатишга, китобхонга бир оз дам беришга хизмат қиладн. Бу хил кулги фожеий ҳодисалар моҳиятини яна ҳам чуқурроқ англаб олишимизга ёрдам беради; айни пайтда, бу кулги асарга қандайдир сеҳрли, тантанавор оптимистик руҳ бахш этади.

Олти томликнинг сўнгги жилдидан авторнинг бир қанча адабиётшунослик мақолалари, адабиётга оид суҳбат ва қайдлари ўрин олган. Улар шундан далолат берадики, ёзувчи бутун ижоди давомида адабий ҳаётга фаол иштирок этган, адабий жараённи синчковлик билан кузатиб борган, адабиёт равнақи, унинг гоявий софлиги, бадиий баркамоллиги учун астойдил қайгурган, ёш қаламкашларга мураббийлик қилган. Бу хилдаги асарлар, бир томондан, адабий жараён ҳақидаги тасаввурнмизни бойитади, иккинчи томондан, ёзувчи ижоди манбаларини, маҳорат сирларини яна ҳам чуқурроқ англаб олишимизга ёрдам беради. Абдулла Қаҳҳор назарий жиҳатдан етук, ўз қўлидаги қуролнинг сир-асрорини пухта биладиган, қатъий эстетик принципларга амал қилган санъаткор эди. Ёзувчининг адабий-танқидий мақолаларини ўқиганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ниҳоят, олти жилдликни варақлаганда туғилган айрим истак ва мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Олтинчи томга негадир ёзувчининг адабий ҳаётга оид бир қанча муҳим мақолалари, ёш қаламкашларга йўллаган мактублари киритмай қолган, баъзи бир мақолаларга ўринли-ўринсиз таҳрирлар киритилаверган, «Поэзия юксак санъатдир», «Абдулла Қодирий» каби принципиал мақолалар ўта қисқартирилиб берилган.

Буюк адибимиз бадиий таржимани юксак санъат деб билар, ҳар бир санъаткор миллий маданиятни жаҳон адабиётининг дурдоналари билан бойитишга бутун куч-қувватини сарфлаши керак, деб ҳисоблар; амалда эса ўзи таржиманинг чинакам санъат эканини неча бор намойиш этган, маданиятимизни жаҳон адабиётининг дурдоналари билан бойитишга катта куч сарф этган эди. Хусусан, унинг Гоголь ва Чехов асарларини ўзбекчалаштириш бобидаги тажрибаларн таҳсинга сазовор. Олти томликка ана шундай юксак санъат намуналаридан бирортаси ҳам кирмай қолиши таассуф туғдиради. Балки, энг нодир таржима асарларнни йиғиб, олти жилдликка илова тарзида алоҳида бир жилд қилиш мумкин бўлар.

Яна бир истак. Ўзбек совет адабиёти йирик арбобларининг, жумладан, Абдулла Қаҳҳор асарларининг мукаммал академик нашрини чиқаришга аллақачон вақт етган. Тегишли ижодий ва илмий ташкилотлар бу борада иш бошлаб юборишлари керак.

Умарали НОРМАТОВ

Чет эл юмори

— Утган йили онамнинг туғилган кунида унга стул совға қилган эдик. Бу йил нима олиб борсак экан-а?

— Уша стулга электр сими ўтказиб берсакмикан?..

* * *

— Жорж,— деди ўлим тўшагида ётган миллионер,— мен сенинг олдингда гуноҳкорман. Пўлат сандиқдан йўқолган ҳалиги сакқиз юз минг долларни мен ўғирлаган эдим. Янги дастгоҳ патентини ҳам рақибларимизга мен сотган эдим... Жорж, кечир мени.

— Ҳечқиси йўқ, ташвиш тортма,— деб унга таскин берган бўлди Жорж.— Сени... менинг ўзим заҳарладим. Сен ҳам мени кечир.

* * *

Ижарачи: Бу қандай бемаънилик! Кечаси билан хонамда сичқонлар чийиллаб чиқди!

Уй эгаси: Ҳафтада берадиган ўн долларингизга булбул сайратиб берайми?

* * *

Соч-соқол олдираётган йигитга сартарош деди:

— Янглишмасам, илгари ҳам менга соқол олдиргансиз, тўғримн?

— Янглишяпсиз, сэр. Бу тиртиқларни машинадан йиқилганда орттирганман.

* * *

Севгилисини олиб қочишга қарор қилган ошиқ йигит нарвондан аста кўтарилди-да, маъшуқасининг ойнасини тақиллатди.

— Тайёрмисан?

— Сенинроқ,— шивирлади қиз.— Отам эшитиб қолмасин.

— Қўрқма,— деди йигит барала,— нарвонни отангнинг ўзи ушлаб турибди.

* * *

Газета сотувчи бола зир югуриб бақирарди:

— Мисли кўрилмаган воқеа! Эллик киши алданди! Мисли кўрилмаган воқеа!

Бир йўловчи газета олдию уни тез варақлаб чиқиб, болага ўшқирди:

— Газетангдан ҳеч бало тополмадим-ку, нега алдадинг?

Бола унга қулоқ ҳам солмай, қичқириб борарди:

— Мисли кўрилмаган воқеа! Эллик бир киши алданди! Мисли кўрилмаган воқеа!..

Тўпловчи:

Э. МАДРАҲИМОВ

Урганч.

Тақриз

бий аҳамиятга эга бўлганлиги кўрсатилган. Ер-сув ислоҳоти даврндаги хотин-қизлар ташаббуси ҳам автор диққатидан четда қолмаган. Бу муҳим ишда иштирок этган фаол аёлларнинг суратлари китоб саҳифаларидан жой олган.

Хотин-қизлар сиёсий онгини ўстиришда В. И. Ленин томонидан Туркистонга юборилган машҳур партия арбоблари М. Фрунзе, В. Куйбишев, С. Любимова ва бошқаларнинг таъсири катта бўлган эди. Айниқса, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент шаҳарларида тузилган хотин-қизлар бўлимларининг хизмати эътиборга лойиқ. Маълумки, ислом дини меҳнаткашлар онгини юз йиллар давомида заҳарлаб келди. Аҳолининг нўпчилик қисми мутаассиб руҳонийлар таъсирида бўлган ўлкада хотин-қизларни социалистик қурилишга жалб этиш, амалда озод этиш ниҳоят оғир ва мураккаб иш эди. Жойларга партиянинг ишончли вакиллари юборилди. Савод чиқариш, ҳунар ўрганиш тўгаракларн ташкил этилди. Бу босқичда ер-сув ислоҳоти ҳам ўтказилди, унга хотин-қизлар фаол иштирок этдилар. Ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим ўрин тутган ана шу воқеалар асарда атрофлича таҳлил қилинган.

Ўзбек хотин-қизлари учун чинакам озодлик кўни етиб келгач, улар социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида зўр иш олиб бордилар. Коллективлаштириш даври ва беш йилликлар давримда хотин-қизлар ҳақиқий ташаббус намуналарини кўрсатдилар. Ҳур хотин-қизларимиз Коммунистик партия раҳбарлигида янги ҳаёт, янги ижодкор жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айландилар.

Келди очилур чоғи, ўзлигинг
намоён қил,
Парчалаб кишанларни, ҳар томон
паришон қил.
Мактаб, анжуман борғил, унда
фикр очиб гоҳи
Илму фан тиғи бирлан жаҳл
бағрини қон қил.

Ҳозирги ўзбек хотин-қизларимиз нурашчи шоир Ҳамзанинг ана шу даъватидан аллақачон ўзиб кетдилар. Улар Она-ердан юлдузларгача бўлган илму ҳикматни эгаллаиоқдалар, улар нозу неъмат, маънавий бойликлар яратишдан давлатни бошқариш ишларигача иштирок этмоқдалар. Совет Шарқи хотин-қизлари босиб ўтган йўл мустамлака Шарқининг барча мазлумаларн учун ибратдир.

Ҳужума Шукурованинг тарихий ва ҳаётий далилларга мўл асари ўзбек хотин-қизлари ҳаётини ўрганишда янги бир саҳифадир.

А. НАБИЕВ

ИЖОДКОР ШАХСИ

Бадиий ижод нима, ижодкор ким деган саволга XII асрда яшаган улуғ ўзбек мутафаккирларидан бири — тарихчи, файласуф, шоир, ҳаким Низомий Арузий Самарқандий ўзига хос жавоб беради. «Шеърият шундай санъатки, — дейди у «Чаҳор мақола» асарида, — бу санъат ёрдамида шоир ўзининг тасаввурларини қўзғатиб, ҳақиқий фикрларини бошқача тарзда бирлаштириб, кичикни — улканга, улкан нарсаларни эса кичик нарсаларга айлантиради. Гўзал нарсаларга хунук либос кийдиради, хунук нарсаларга гўзал қиёфа бахш этиб, ярақлатиб кўрсатади. Ғазаб-нафрат ва киши ҳиссиётлари кучи таъсирида одамлар ё жазавага тушадилар ёхуд ғамгинликка чўкадилар ва шу ҳоллар дунёда улуғ ишларга сабаб бўлади».

Атоқли шарқшунос А. Болдирев «Чаҳор мақола» асарини атрофлича таҳлил қилар экан, айни вақтда авторнинг фикрларини сўзма-сўз тушунади ва уларга қарши чиқади. У, Арузий Самарқандийнинг бу фикрлари реализмга зид йўналишда, деган хулосага келади. Аслида Самарқандийнинг сўзларида муболаға бўлса-да, лекин уларнинг замирида ҳақиқат бор. Чунки инсон тасвирида бир хилликдан қочиб, унинг мураккаб маънавий дунёсини кўрсатиш реализмнинг муҳим хислатидир. Дарҳақиқат, энг яхши ижодкорларнинг асарларида жамият ва инсон ҳаётининг ҳали ечилмаган ва шунинг учун ҳам барчани ҳаяжонлантирувчи зиддиятлари, ҳаётий масалалар озмунчами? Шахс ва жамият ўртасидаги зиддият, шахснинг истаклари, интилишлари билан унинг жамият олдидаги мажбуриятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва бахтга эришуви йўлидаги тўсиқлар барча замонларда инсонларни, айниқса нозик қалбли таъсирчан санъаткорларни ҳаяжонлантириб келган.

Ҳақиқий ижодкорлар асарларида зиддиятли муаммоларни акс эттирибгина қолмай, халқни, эркни, адолатни барча воситалар билан ёқлаб, жамиятнинг тескаричи табақаларига қарши курашганлар. Чунончи, жаҳонда Аристотелдан кейин иккинчи муаллим саналган, гениал мутафаккиримиз, буюк қомусчи олим, шоир, созанда, музика назариётчиси Абу Наср Форобий: «одам... ўзини улуғловчи, яъни мутакаббир, яхши ишларга, адолатга бепарво қаровчи, ёмонлик ва жабр-зулмга қаттиқ берилган бўлса, бундай киши ҳақиқий файласуф бўлолмайди», деган эди. Чинакам санъаткор ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Форобийнинг файласуфлар ҳақидаги қуйидаги гаплари ҳам ижодкорларга бевосита тааллуқлидир: «Бундан ташқари, файласуфнинг одати, ахлоқи ҳам туғмадек бўлиши шарт. Шунингдек, у ўзи униб-ўсган юртнинг, ўз халқининг раъйига, иродасига ва ўз халқида бўлган энг яхши фазилатларга амал қилиши керак».

Ўзи униб-ўсган ватанга, ўз халқига садоқат, меҳр-муҳаббат барча даврлардаги тараққийпарвар ижодкорларнинг асосий фазилати бўлиб келган.

Буюк зотлар ҳақидаги халқ афсоналарини эслайлик. Уларда катта ҳақиқат бор. Улуғ шоир Фирдавсий шоҳ асари учун султон Маҳмуд берган миннатли совғадан кўра халқнинг самимий баҳосини афзал билади ва подшоҳнинг туҳфасидан воз кечади. Бундан ғазабланган султон шоирни фил оёғи остига ташлаб ҳалок этишга қарор қилади...

Ижодкорларнинг шахсий ҳаёти осойишта, силлиқ кечган эмас, балки ташвиш, ҳаяжон, шодлик ва кулфатларга тўла. Буюк немис шоири Генрих Гейне ҳатто вафотидан кейин ҳам халқпарварлиги учун таъқиб қилинган. Даниялик истеъдодли ҳайкалтарош Люис Гассельрийс узоқ вақт машаққатли изланишлардан кейин Гейненинг ажойиб ҳайкалини яратади ва уни шоир туғилган Дюссельдорф шаҳрида ўрнатмоқчи бўлади. Лекин ҳукмдорлар немис шоирига немис тупроғида ҳайкал ўрнатилишига тиш-тирноқлари билан қарши чиқадилар. Чунки шеърларида озодлик учун, зулмни ағдариш учун бўлган жангларда яраланганидан фахрланган Гейне вафотидан кейин ҳам ижоди билан озодлик душманларига даҳшат солишини ҳукмрон доиралар яхши билар эдилар.

Ўтмишда ижодкор ҳақиқатпарварлиги учун таҳқир этилган ҳўпгина санъаткорларга ҳаётликларида шон-шуҳрат насиб этмаган. Адабиётшунос Сергей Львов «Асрлар садоси» китобида жаҳон адабиёти дурдоналаридан «Тиль Уленшпигель» романининг автори Шарль де Костер ҳақида бундай деб ёзади: «Унинг «Тиль Уленшпигель ҳақида афсона»ни ёзганлигини ҳамма билади, лекин қашшоқликда, ном-нишонсиз ўлиб кетганлигини эса кўпчилик билмайди. Ахир, Шарль де Костер жонажон Бельгия адабиётига озмунча ҳисса қўшдими? У Бельгия адабиётини яратди».

Ромен Роллан таъбири билан айтганда, Шарль де Костернинг китоби нашр этилган кун — 1867 йилнинг 31 декабри — адиб мансуб бўлган миллатнинг онги туғилган кундир. Ижодкор эса орадан ўн икки йил ўтгач, қашшоқликда вафот этди. Агар у ўз халқининг миллий онгини уйғотмай, бирон арзимас иш билан шуғулланганида, балки, бадавлат яшар эди. Лекин бунда у ижодкор табиатига, юрак амрига зид иш қилган бўларди.

XV аср охири — XVI аср бошларида яшаб ижод этган буюк гуманист Роттердамлик Эразм ўлмас асари — «Тентаклик мадҳи»да тентаклар тилидан ижодкорлар ҳақида киноя билан бундай дейди:

«Ахир шоирлар, мақолда айтилганидек, эркин қушлар, уларнинг бор-йўқ иши тентакларнинг қулоғига ёқадиган турли бўлмағур гаплар ва бемаъни масаллар тўқишдир. Бироқ, улар ўзларининг сафсатаси билан мангулик қозониб, худоларга хос абадиятга умид боғлабгина қолмай, балки, бошқаларга ҳам мангулик ваъда қиладилар. Қаранг, улар нақадар азоб чекадилар: ёзганларига қўшимча қилиб, ўзгартириб, ўчириб, ўрнини алмаштириб, бутунлай қайтадан ёзиб, дўстларига кўрсатиб, тахминан тўққиз йиллардан кейин, яна ўз ишларидан норози бўлиб бостирадилар, қанча бедорлик (уйқу ҳамма нарсадан ширин), муҳтожлик, азоб-уқубат эвазига атиги бир неча нозик дидли кишидан таҳсин эшитишга уринадилар. Бу азоблар устига соғлиғидан айрилгани, сўлгани, кўзи ожизлашгани, ёхуд бутунлай кўздан қолгани, қашшоқ-

Куз гашти.

А. ЧАПЛИГИНА фотоси

лашгани, ўзини маишатдан тийгани, эрта кунда қаригани, бевақт ўлиб кетганини айтмайсизми? Шу донишмандимиз ниҳоят ўзига ўхшаш иккинчи кўр олимнинг мақтовини эшитса, бас, барча чеккан азоб-уқубатларим тақдирланди, деб ўйлайди. Шак-шубҳасиз, бу — ҳақиқий тентаклик. Лекин менинг марҳаматим билан улар роҳат қилиб яшайдилар ва ўз ғалабаларига ҳатто Сципион (машҳур римлик саркарда — М. М.) ғалабаларини ҳам тенг кўрмайдилар.»

Чиндан ҳам ижодкор ўз ҳалқига хизмат қилар экан, чеккан азоблари унга роҳат бўлиб туюлади. Шунинг учун у энг оғир дамларда ҳам халқ орзуларини куйлайди. Буюк ижодкорлар халққа, ҳақиқатга, адолатга муҳаббат каби фазилатлари туфайли, гоҳо консерватив, реакцион ҳукмрон доираларнинг таъқибига учрасалар-да, лекин халқ дилининг тўридан жой оладилар. Халқ доимо уларни севган, эъзозлаган, ҳатто пайғамбар даражасига кўтарган.

Дантенинг «Илоҳий комедия»сидан беш юз йилча аввал яратилган «Меърожнома»да Муҳаммад пайғамбар ҳамроҳи билан тўққиз қават дўзахни айлангани тасвирланган. Пайғамбар, ўз қавмларим дўзахдан қутулсин деб, ота-онасининг дўзахда куйишига розилик билдиради. Бу диний афсонадан рационал мағиз қидиришимизнинг боиси шуки, айрим буюк ижодкорлар ҳақида ҳам шундай гапни айтиш мумкин. Чунки улар ҳам умуминсоний манфаатлар деб, халқ манфаатлари деб, ўз шахсий манфаатларидан воз кечадилар. «Бир замонлар «шоир» ва «пайғамбар» сўзлари бир хил маънони англатар эди»,— дейди немис романтик адиби Э. Гофман. Чунки ижодкорни ҳамиша орзу, идеаллар, ҳақиқат, адолат, халқнинг тақдири, инсон шахси, инсоннинг гўзал маънавий бойликлари қандай қадрланаётгани ёки аксинча, қадрсизланаётгани сингари мангу муаммолар ҳаяжонга солади. Бошқача айтганда, ижодкор неча минг йилларни бошидан кечирган кекса бир одамга ўхшайди. Гўё унинг оёқлари ўтмишдаги ибтидоий ўрмонларда, вужуди ҳозирги кунда, хаёлот, орзулар чулғаган боши эса келажак асрлар осмонида яшаётгандек. Чунончи, беш юз йил муқаддам ўтган гениал шоир Алишер Навоий ҳозир биз билан яшамаяпти, деб ким айта олади!

Улкан ижодкорлар фақат ўз замонасининггина эмас, балки барча замонларнинг ва барча улусларнинг ҳақиқатпарвар, адолатпарвар курашчилари қаторида борадилар. Навоий давлат бошлиқларидан бири бўлса ҳам, кўпинча, айниқса ҳал қилувчи вазиятларда халқ тарафини олган. Гёте билан кетаётганида подшога таъзим қилмаган Бетховеннинг ҳаракати ҳам унинг шахсияти ҳақида маълум тасаввур беради. Гюго, Делакруа каби адиб ва рассомлар Силезия тўқимачилари, хўрланган табақалар, баррикада ортидаги Гаврош, Жан Вальжан кабилар тарафига ўтганлар. Ҳатто аввалроқ монархия тарафдори бўлган Дюма ва Бальзак каби ижодкорлар ҳам оғир дақиқаларда қирол қасрига ҳужум қилаётган халқ оқимига қўшилганлар.

Бизнинг асримизда ҳам тараққийпарвар ижодкорлар сайёрамизнинг ҳамма ерида фақат ижодкор сифатидагина эмас, балки шахс сифатида, ўз замонасининг граждани сифатида ҳақиқат, адолат учун курашаётганликларини биламиз. Дарримизнинг кўзга кўринган санъаткорларидан шоирлар Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, рассом Пабло Пикассо, кино арбоби Чарли Чаплин каби сиймолар улкан курашчилардир. Голливуднинг энг машҳур ва бой актёри «Робин Гуд», «Изтироблар ороли» каби фильмларда ўйнаган машҳур санъаткор Эрол Флинн Куба халқининг миллий озодлик ҳаракатида қатнашиб, жангда ҳалок бўлгани ҳам ибратли ҳодисадир.

Ижодкор ҳаётдаги қувончли, кулгили ҳодисаларга ёки фожеий, драматик ҳодисаларга кўпроқ мурожаат қилиши ҳам унинг шахсига, истеъдодининг хислатига боғлиқ. Достоевскийга ўхшаган ижодкорлар инсон изтироблари уммонини тасвирлар экан — бу инсонпарварликнинг юксак кўринишидир. Айрим олимлар эса қайғули ҳодисаларга кўпроқ эътибор берувчи ижодкорни реакцион дунёқарашли деб, нотўғри баҳолайдилар. Чунончи, санъатшунос А. Эшонқулов «Ижод ва дунёқараш» китобчасида қайғули, салбий ҳодисаларни тасвирлаш реакцион ижодкорларга хосдир деб нотўғри хулоса чиқаради. Б. Назаровнинг «Талант ва дунёқараш» мақоласида ҳам («Фан ва турмуш», 1971 йил, 8-сон) ижодкор шахси эътибордан четда қолади. Унинг фикрича, дунёқараши илғор ҳар қандай санъаткор улуғ санъаткордир. Ҳолбуки, истеъдоднинг кучи шахснинг маънавий бойлигида, оламни бадиий идрок этишида кўринади.

Дарримиз улкан санъаткорлари шахсининг энг яхши қирралари бизнинг кунларимизда ҳам равшан намоён бўлди. Ўзбек прозасининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романи устида ишлар экан, ўзининг шахсий, оилавий ҳузур-ҳаловатидан воз кечган. Танишбилишларининг хотирлашича, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романи устида ишлаётганда оиласини боқиш учун, рўзғордаги буюмларни сотишга мажбур бўлган. Ёзувчининг умр йўлдоши бундан норози бўлиб, отасига шикоят қилган. Лекин ижодкор меҳнатининг машаққатларини тушунган ота қизини овутиб, сабр-бардошга даъват этган. Бу кичик мисол ҳам ёзувчи шахси ҳақида муайян тасаввур беради, деб ўйлаймиз.

Атоқли ўзбек шоири, истеъдодли драматург, мутафаккир ижодкор Мақсуд Шайхзодани яқиндан таниган одамлар унинг ажойиб шахси ҳақида саммий фикрлар айтадилар. Шоирнинг вафотидан сал илгарироқ бўлган бир учрашув ҳамон ёдимда. Шайхзода, оғир бетоблигига қарамай, Навоий мероси ҳақидаги «Ғазал мулкининг султони» мақоласи устида ишлаётган эди. Ёзув столи, диван, стул — ҳамма ёқда шу ишга алоқадор китоблар сочилиб ётарди. Шоир бирор фикрни асослаш учун юзлаб китобларни варақлаб, манба қидирарди. Бошқа киши бир ойдан бери ёзаётган мақоласини касал бўлиб қолганда ташлаб қўйиши ёки чала ҳолда бериб юбораверириши мумкин эди. Лекин Шайхзода табиатидаги заҳматкашлик, устоз Навоийга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат туфайли, у, қаттиқ бетоб бўлишига қарамай, мақола устида кўп ишлади.

Улкан идеаллар билан яшовчи ижодкорлар ҳаётдаги кундалик ихтиёрсизликларидан юқори турган, одатдаги бошқа ҳамма одамларга ўхшамагани учун гоҳо ғалати кўринишади. Чунки оддий одамлар тасаввуридан четга чиқишнинг ўзи эриш туюлади. Лекин Горький айтганидек, жасорат кўрсатувчи бу одамларга офаринлар ўқийлик! Чунки бу донишмандлар инсоният йўлини ёритувчи юлдузлардир.

Маҳкам МАҲМУДОВ

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Яширин имкониятлар

Ҳужум қилмай туриб, ҳужум хавфи солиш йўли билан ҳам рақибни ҳимоя чораларини кўришга мажбур этиш мумкин. Мана бир мисол:

Оқлар: Кр d3, Кс5, пп. b4, c4, f3.
Қоралар: Крd6, Сb6, пп. a7, c6, f5.

Бу вазиятда оқлар отини юриб, ўз навбатида c4—c5, яъни икки ёқлама зарба бериш хавфини туғдиради. Бундан қутулиш учун қоралар филини ёки шоҳини юришга, ёки c6 даги пиёдасини суришга мажбур, бўлмаса сипоҳидан ажраладилар.

Рақибнинг «майдон»ига ҳужум хавфи солиб, уни мажбурий юришга ундаш воситалари кўп ва хилма-хилдир. Алмаштиришни кўзлаб сипоҳ ёки пиёдани олиш ҳам рақибни бир неча юришлардан бирини танлашга мажбур этади.

Испанча ўйиннинг бир хили:

1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. Cb5 d6 4. d4 Cd7 5. o—o Kf6 6. Le1 Ce7 7. Kc3 юришларидан сўнг тахтада мураккаб вазият вужудга келганлигини кўриб турибсиз.

Қоралар ҳозир 7... ed ёки 7... K:d4нинг ўрнига 7... o—o, яъни рокировка қилса, оқлар мажбурий маневр ёрдамида устунликка эришади. Бу ерда мажбур қилиш воситаси билан доналар алмаштирилади:

7... o—o!8. Cb5: c6 Cd7: c6 9.d4: e5 d6: e5 10. Фd:d8 Лa8:d8 11. Kf3: e5 Cc6:e4 12. Kc3:e4 Kf6: e4 13. Ke5—d3! f7—f5. 14. f2—f3 Ce7—c5+15. Kd3 : c5 Ke4:c5. 16. Cc1—g5 Лd8—d5. 17. Cg5—e7 Лf8—e8, 18. c2—c4 дан кейин қоралар рухини филга беришга мажбур, бинобарин, аста-секин улар мағлуб бўлади. Бордию қоралар 10... Лa8:d8 ўринга Лf8:d8 ўйнаса ҳам ўйиннинг бой беради. Буни ўзингиз текширib кўринг.

Дарҳақиқат, мажбур қилиш воситалари хилма-хилдир. Энг муҳими шуки, ҳар бир конкрет вазиятда бу воситалардан ўринли фойдаланиш керак. Бироқ имкониятларга ортиқча ишониш ҳам ярамайди.

Оқлар: Крg1, Лe1, Cc2, Kd4 пп. a2, b2, c3, f3, g2, h2;

Қоралар: Крf7, Лf8, Ce5, Ke3. пп. a6, b7, c7, f6, g6 шаклида терилади.

Бу вазиятда юриш қоралардан дейлик. Улар c2 даги оқ филни бехатар ҳолга келтиришни кўзлаб, комбинация бошлайди: 1... Ce5: d4! 2. Cc—b3+! (Мажбур қилиш воситаларининг энг кучлиси бўлган кнштларни ҳисобга олмаслик— катта хатодир.) 2... Крf 7—e7 3. c3: d4. Энди қора от очмасда қолди, унн ҳимоя қилиб бўлмайди. Натижада қоралар сипоҳ ютиш ўрнига сипоҳидан ажраляптн.



Диаграммадаги вазият собиқ жаҳон чемпиони М. Таль берган сеансларнинг бирида вужудга келган. Қора доналар билан ўйнаган ҳаваскор 1... Л:h1 дан кейин, оқлар 2... Л:h1 ни ўйнашга мажбур, деб ўйлаган. Бироқ Талининг кейинги юриши қоралар мавжуд имкониятларни пайқамаганлигини кўрсатади.

1... Лh8:h1 (Агар қоралар рақибининг жавоб юришини пухта ўйлаб, имкониятларни тўла ҳисобга олганда, бунинг ўрнига 1... Kh5 ўйнаган бўлардн.) 2. g5:h6! Лh1:d1+ 3. Kc3:d1! Фa5:d2 4. f6:g7!!

Оқибат натижада қоралариинг таслим бўлишдан бошқа иложи қолмайди. Варнантларни ўзингиз яхшилаб кўриб чиқинг. Ҳисобнинг нечоғли тиниқ эканлигидан баҳра оласиз. Кишт бериш мажбур қилиш воситаларининг энг кучлисидир, деган эдик. Охирги мисолда қоралар бу воситани (2... Л:d1+) ишга солдию ундан зарар кўрди. Бунга вазиятдаги яширин имкониятларни ҳисобга олмаслик сабаб бўлди.

Энди Г. Риикнинг қуйидаги икки этюдини ечиб кўринг.

1. Оқлар: Крf6, Кb3, пп. d6, h2. h6 (5).

Қоралар: Кр h7, Ca3, пп. f3 (3).

Оқлар: Кр d1, Cc8, пп. e5, f4, h3 (5)

Қоралар: Кр h2, Л f2 (2).

Иккала ҳолатда ҳам оқлар юриш бошлаб, ғалабага эришадилар.

НАЪМАТАҲ

Автобусим

Ишчилар, хизматчилар кутганда зор, автобусим,
Тўлдириб паймонани этдинг хумор, автобусим.

Ҳар бекатда мўр-малахдай тўпланиб қолган одам,
Шубҳадан пок дилга ҳам қўнгай ғубор, автобусим.

Бахтимизга, хайрият, гоҳ довдираб, гоҳ шалдираб,
Гоҳ шошилмасдан келарсан сервиқор, автобусим.

Тўхтадингми, бас, шу онда: «чиқ-ҳо чиқ»лар бошланур,
Тоза, оқ кўйлак туси бўлгай чипор, автобусим.

Тер оқар ҳаммомга киргандай, кийим дазмоли ҳайф,
Таъб хира, кўнгил хижил, жон беқарор, автобусим.

Бўғилиш, туртиш ила йўлда асаблар хўп таранг,
Ишга боргач, иш юришмас, йўқ мадор, автобусим.

Не бўлар, иш жадвалингга сен бир оз қилсанг амал,
Бўйнингга тақсанг уни айлаб тумор, автобусим.

Муҳаммаджон НИЁЗМУРОДОВ

Андижон

Нуқта ва ундов

Қоғознинг бир бетида
Учрашди икки белги.
Узун ундов кеккайиб,
Нуқтага яқин келди:

«Боқ, ҳаммадан узунман,
Ўзим танҳо, ўзимман!

Нуқта деди: «Ҳой, ундов,
Кетма бунча ўзингдан!

Оёғингнинг тагига
Қара, қани нима бор!
Гар бўлмаса шу нуқта,
Сендек таёқ не даркор!»

Фозил ЗОҲИД

Қувноқ хандалар

— Сени бир умр нафтимда қўтариб юраман, жонгинам!

— «Волга» олиб бераман, деганингиз ёлғон экан-да...

* * *

— Кўйлагимни қумга ғумаётган сизнинг ўғлингизми?

— Йўғ-э, у — жияним, ўғлим ҳов ана у ёқда, туфлингизга сув қуяётгани.

* * *

— Официантка! Бу нима бемаънилик! Шўрвангиздан тугма чиқди-ку?

— Вой, раҳмат сизга. Ўлгурни қидирмаган жойим қолмади!..

* * *

Бир куни машҳур адиб Жонатан Свифт кўчада кетаётганида нотаниш киши билан тўқнаш келиб қолди.

— Мен ҳеч қачон аҳмоқларга йўл бермайман, — деди йўловчи.

— Мен эса йўл бераман, — деди Свифт ва ўзини четга олди.



КРОССВОРД

Энига: 2. Англия терма командасининг ҳимоячиси. 5. Совет драматурги. 8. Шимолий Америкадаги дарё. 9. Томир. 13. Навоий яшаган шаҳар. 14. СССРдаги кўл. 15. Қимматбаҳо маъдан. 20. «Баҳористон»нинг муаллифи. 21. Яқин киши. 22. Африкадаги кўл. 23. Европадаги давлат. 28. Фасл. 29. Европадаги пойтахт шаҳар. 30. Рақс. 31. Қуш. 37. Ўрта денгиз бўйидаги давлат. 38. Муқимий шеъри. 39. Горизонт. 40. Гул. 41. Устод адиб. 46. Шоир, саркарда. 47. Матонат. 48. Рус кимёгари. 49. Осиёдаги давлат пойтахти. 52. Полиз экини. 53. Волида. 54. Мева. 55 А. Қодирий асарининг персонажи. 59. Узоқ ўтмишдаги қаҳрамон. 60. Кимёвий элемент. 61. Халқ оғзаки ижодининг бир тури. 64. Қоғозсиз газета. 65. Спорт тури. 67. И. Султон асарининг персонажи. 68. Африкадаги дарё.

Бўйига: 1. Чолғу асбоби. 3. Илон. 4. Шарқий Европадаги дарё. 6. Адабий жанр. 7. Ипак. 10. Илм. 11. Техника экини. 12. Мустақил сўз туркуми. 16. Машина юраги. 17. Ўзбек классик шоири. 18. Диёр. 19. Кимёвий элемент. 24. Совет космонавти. 25. Шарқшунос венгер олими. 26. Буюк ўзбек олими. 27. Ўзбек шоираси. 32. Чега. 33. Ҳашарот. 34. Автоном республика пойтахти. 35. Ой. 36. Давр. 42. Билим манбаи. 43. С. Айний асари. 44. Дарахт. 45. Фарҳоднинг дўсти. 50. Африкадаги давлат. 51. Атоқли саркарда. 56. Адабий жанр. 57. СССРдаги дарё. 58. Алоқа белгиси. 62. Йил ҳисоби. 63. Ҳинд ёзувчиси. 66. Уй ҳайвони.

Тузувчи Қ. ТЎХТАЕВ

Навоий.

МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бет: байрам қутлови.

Р. ИБРОҲИМОВ фотоси.

Учинчи ва тўртинчи бетларда: ўзбек усталари, чеварлари, пазандаларининг санъати — уйларимизнинг, тўйларимизнинг кўрки, бозорларимизнинг манзаралари юртимиз фаровонлигининг гувоҳидир.

Б. МИЗРОХИН фотолари

10-СОНДАГИ «ҚУШАЛОҚ ЧАЙНВОРД» ЖАВОБЛАРИ

I. 1. Балхаш. 2. Шеробод. 3. Днепр. 4. Работ. 5. Тунис. 6: Судан. 7. Непал. 8. Люксембург. 9. Гренландия. 10. Ямайка. 11. Альп. 12. Парана. 13. Амур. 14. Рангун. 15. Нил. 16. Ладога.

II. 1. «Олтин занглама». 2. «Сароб». 3. Бектемир. 4. Раҳимдод. 5. Дефо. 6. «Отелло». 7. Ойбек. 8. Кўклам. 9. Маскарад. 10. «Дадил қадам». 11. «Макар Чудра». 12. Аския.

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МЎМИНОВ, Ўктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН.

«Гулистон»— общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор **Т. БАҲРОМОВ.**

Техредактор **М. ЕФИМОВА.**

Адресимиз: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90, масъул секретарь — 33-35-90; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмахонага туширилди 11/X-71 й. Босишга рухсат этилди 4/XI-71 й. Қоғоз 70×108¹/₈. Ҳажми 4 босма тобоқ. Р-18832. Буюртма 1302. Тиражи 169334. Баҳоси 30 т. Нашр. А—3575.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.







Баҳоси 30 тийин. Индекс 75233.